**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ (ТИҚХММИ)**



# 2020-2021 ЎҚУВ ЙИЛИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

**РЕКТОР** **Ў. УМУРЗАКОВ**

Ҳисобот институт илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган “___”____ 2018 йил 11-сон мажлис баёни

**Тошкент -2021**

**М У Н Д А Р И Ж А**

**Сўз боши ........................................................................................ 3**

**Умумий маълумотлар........................................................................... 5**

**Илмий Кенгаш фаолияти...................................................................... 7**

**1. Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари.................................................... 9**

**2. Ўқув жараёнининг ташкил этилиши.................................................. 9**

**3. Ўқув-услубий ишлар........................................................................... 43**

**4. Илмий тадқиқот ишлари (ИТИ) ........................................................ 65**

**5. Моддий-техник таъминот .................................................................. 47**

**6. Кадрлар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш ......................... 101**

**7. Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси ................... 94**

**8. Иловалар............................................................................................ 116**

*Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига алоҳида эътибор қаратиш зарур.*

*Ш.М. Мирзиёев*

# Сўз боши

Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар Стратегияси ушбу ислоҳатлар самарасини янада ошириш, мамлакат ва жамият ривожини янги босқичга кўтаришга қаратилган бугунги кун талабаларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга йўналтирилган вазифаларини, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарорларини ижроси таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПК-3003-сонли қарори билан Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтига айлантирилди. ”

Институтимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим–тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига кўтариш мақсадига катта аҳамият берилди.

Халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш давлатимиз тараққиётининг муҳим шарти эканлиги исботланди.

Институт профессор–педагогик жамоасининг асосий вазифаси «Таълим ҳақида» (1992 йил)ги, «Таълим тўғрисида» (1997 йил)ги қонунлар ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 йил)ларни ҳаётга тадбиқ қилиш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўлди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг биринчи босқичини бажарилиши натижасида институтда ўқув жараёнини давлат тилида ташкил этишга эришилди, икки босқичли (бакалавриатура ва магистратура) таълим тизимига ўтилди, ўқитиладиган фанлар дастурларининг янги авлоди яратилди.

Давлат таълим стандартларини, наъмунавий ўқув режалари ва фан дастурларини яратиш институтимиз профессор–ўқитувчиларининг олдида турган асосий вазифа бўлиб, бу вазифани улар талаб даражасида бажардилар. Натижада кўплаб фанлардан сув хўжалиги соҳаси бўйича республика олий

таълим муассасаларига фойдаланиш учун давлат тилида тавсия этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва услубий қўлланмалар тайёрланиб, чоп этилди. Институт олимлари томонидан кўплаб илмий - тадқиқот ишлари натижаси асосида яратилган тавсиялар амалиётга, ишлаб чиқаришга ва ўқув жараёнига жорий этилди. Кафедраларнинг ўқув–лаборатория базалари яхшиланиб, компьютер билан тўлиқ таъминланди.

Маънавият–маърифат соҳаси бўйича буюк алломаларимиз Аҳмад Ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Ал-Бухорий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий ва Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ўчмас ғоялари талабалар онгига сингдириб келинди ва келинмоқда.

Мазкур ҳисобот 2018-2019 ўқув йилида институтда бажарилган маънавий-ахлоқий тарбия, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, моддий-техник таъминот, кадрлар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш, таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси ишларига бағишланган.

## Умумий маълумотлар

Таълим муассасасининг ташкил этилиши ҳақида маълумот, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Тошкент ирригация ва мелиорация институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сон қарорига асосан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти негизида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 415-сон қарори билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИКХММИ)нинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган (1- илова).

Бакалавр таълим йўналишлари сони –46 та ва магистратура мутахассисликлари сони – 29 та. Институт филиали сони 2 та, Институт қошидаги техникумлар сони - 3 та;

Билим соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш салмоғи: таълим – 7,3 %; ижтимоий фанлар, бизнес ва хуқуқ – 9,2 %; муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари – 20,1 %; қишлоқ ва сув хўжалиги – 59,3 %; хизматлар – 6,1 %, фан – 2 %. Институт факультетлари сони 7 та кафедралари сони эса 38 та.

**Факультет номлари:**

Гидромелиорация

Гидротехника қурилиши

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш

Гидромелиоратив ишларни механизациялаш

Қишлоқ ва сув хўжалигини автоматлаштириш ва электрлаштириш

Ер ресурсларини бошқариш

Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш

Магистратура бўлими

Сиртқи бўлим

Талабалар контингенти жами –ОТМ бўйича жами:-8706та, Бакалавриат, кундузги – жами- 6065 та (шу жумладан қизлар -1000), улардан:

бакалавриат сиртқи-2080та, бакалавриат иккинчи олий таълим: сиртқи-124, магистратура – 402 та

Республикамизнинг бошқа вилоятларидан келиб ўқиётганлар сони – **4907, (80,9** %). **Тошкент шахридан 1152 нафар талаба, (19%) хориждан 6 нафар талаба тахсил олмоқда** охирги ўқув йили битирувчилари сони – бакалаврлар **1905** та, ва магистрлар **145** та.(шу жумладан давлат гранти бўйича бакалавриатда **379** нафар (**31,8%**), магистратурада **30** нафар (**38,9 %**).

Профессор-ўқитувчилар сони жами –462та (асосий штатдагилар), шу жумладан аёллар – 125 та (27 %), шулардан:

фан докторлари, профессорлар – 65 та (14 %);

фан номзодлари, доцентлар - 168 та (36,7 %);

катта ўқитувчи ва ассистент- ўқитувчилар – 229 та (49,5 %).

Охирги 3 йилда малакасини оширган профессор-ўқитувчиларлар 452 **(97,6 %);** қайта тайёрловдан ўтганлар 15**(2,6% )**.ташкил этган

Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи ОТМларнинг PhD ёки DSc илмий даражасини олган ПЎлар -26 нафар, Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи ОТМларида ўқув машғулотлари ўтказган ПЎлар-6 нафар, Фан доктори (DSc) илмий даражасига ёки профессор унвонига эга ПЎлар-71 нафар, Фан номзоди (DhD) илмий даражасига ёки доцент унвонига эга ПЎлар - 157нафар, Илмий салохият-55,7%, Ҳисоб йилида (2020) диссертация ҳимоялари сони (шу жумладан, берилган профессор ёки доцент илмий унвонлари ҳам)-54нафар, Халқаро кўрсаткичлар маълумотларига кўра профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолаларига иқтибослар, (S4)-9584тани, Халқаро журналлардаги илмий мақолалар сони- 349,26, Республика илмий журналларидаги (ОАК рўйхатидаги) илмий мақолалар сони- 359,25тани ташкил этади.

Хорижий илмий тадқиқот марказлари грантлари ва хорижий илмий фондлари маблағлари-4665620674минг сўмни,

Соҳалар буюртмалари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган маблағлар-486437000минг сумни,

Давлат грантлари асосида ўтказилган тадқиқотлардан олинган маблағлар-3245629000минг сўмни,

Нашр этилган монографиялар сони-66тани,

Интеллектуал мулк учун олинган ҳимоя ҳужжатлари (патентлар) сони-17тани,

Ахборот-коммуникация технологияларига оид дастурлар ва электрон базалари учун олинган гувоҳномалар, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган турли матнриаллар сони -96тани,

Дарсликлар сони -42тани

Ўқув қулланмалар сони-168 тани.

Хорижий ўқитувчилар сони -67нафарни,

Хорижий талабалар сони-262 нафарни

Академик алмашув дастурларда иштирок этувчи талабалар сони-280 нафарни,

Халқаро конференция ва семинарларда, илмий ёки таълим лойиҳаларида (хорижий, қўшма) иштирок этган талабалар сони-30нафарни,

Халқаро конференция ва семинарларда, илмий ёки таълим лойиҳаларида (хорижий, қўшма) иштирок этган ПЎлар - 200 нафарни,

Ҳорижий тилда ўқитиладиган ўқув курс(фан)лари сони-75тани,

Халқаро олимпиадаларда ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга созовор бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорлари бўлган талабалар -19нафарни

Республика олимпиадаларда ва нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ва мукофот (диплом)ларга сазовор бўлган талабалар-29нафарни,

Спорт клубига аъзо бўлиб, ташкил этилган спорт секцияларида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи спорт таснифига (спортчи разрядлари) эга талабалар-6 нафарни ташкил этади.

Докторантурада 90 нафар докторант ўқийди.

## Илмий Кенгаш фаолияти

Институт илмий кенгашининг иш режаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 9-декабрдаги 345-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий ўқув юртининг Илмий Кенгаши тўғрисидаги Низом"га асосан тузилган бўлиб, муҳокамага киритилган масалалар Илмий Кенгашнинг 2015 йил 23-июлдаги 11-сонли йиғилишида тасдиқланган. Шу режага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқ ва ҳайъат қарорларининг бажарилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қўйилган масалалар ҳамда институт Илмий Кенгашининг қарорларини бажарилиши таҳлили тўғрисида маълумотлар Илмий кенгаш йиғилишларида муҳокама қилинган ва тегишли қарорлар қабул қилиниб масъул шахслар тайинланган. Институтнинг ўқув-услубий, илмий-ташкилий, маданий-маърифий, спорт ва жамоатчилик ишларини мувофиқлаштирувчи Институт Илмий Кенгаши институт ректорининг 2019 йил 24-октябрдаги 419 А/Ф–сонли буйруғига асосан 63 кишидан иборат этиб тасдиқланган.

Мазкур ўқув йилида институт Илмий Кенгаши ўз фаолиятини институт Илмий Кенгашининг Низоми ва 2020-2021 ўқув йили учун тасдиқланган иш режаси асосида олиб борган ва Илмий Кенгашда қуйидаги масалалар кўрилган: Дастурий ишларга оид масалалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқ ва ҳайъат қарорларининг бажарилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қўйилган масалалар хамда институт Илмий Кенгашининг қарорларини бажарилиши таҳлили (12 маротаба).

Институтда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурига мувофиқ 2020-2021 ўқув йилида белгиланган вазифалар тўғрисида.

Ўқув ишларга оид масалалар.Институтда таълим жараёнини такомиллаштириш ва юқори сифатни таъминлашнинг стратегик масалалари асосида, "Олий таълим муассасаси факультети тўғрисида Низом" асосида факультетлар фаолиятини комплекс ишлар бўйича ҳисоботи (7 та факультет)да амалга оширилаётган ишлар, "Олий таълим муассасаси кафедраси тўғрисида Низом" асосида кафедралар фаолиятини комплекс ишлар бўича ҳисоботилари (10 та кафедра) тингланди.

Ўқув жараёнида электрон журнал, гуруҳ ва ўқитувчи журнали юритилиши ҳолати, модуль тизимидан фойдаланиш таҳлил қилинди. Талабаларнинг фанлардан ЖН, ОН ва ЯНлар бўйича тўплаган балларини деканатдаги қайдномага ва гуруҳ журналига ўз вақтида расмийлаштирилган, фанлардан академик қарздор талабалар билан ишлаш ҳамда ўқув йили кузги ва баҳорги давра якунлари масалалари кўриб чиқилган.

Ахборот ресурс марказида электрон каталоглардан самарали фойдаланиш

бўйича амалга оширилган ишлар. Ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш бўйича тузилган режанинг бажарилиши, ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги, янги ўқув режаларини шакллантириш, адабиётлар таъминотини таҳлил қилиш, чет эл адабиётларини таржима қилиш ва мослаштириш ишлари, хорижий мамлакатларнинг адабиётлари асосида, ҳар-бир фандан фан ўқитувчиси ЎМКларни тайёрлаш:

**Илмий ишларга оид масалалар.** Институтда 2020 йилда давлат бюджети, давлат илмий техника дастурлари, хўжалик шартномалари асосида бажарилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари бўйича ҳисобот ва 2021 йил учун режалаштирилган илмий тадқиқот ишлари тўғрисида маълумот.

Институтда 2020йилда олий малакавий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талабаларни илмий ишларга жалб этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот. Институт кафедраларидаги ёш ўқитувчиларнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари устида шуғулланиш ҳолати ва мавзуларининг долзарблиги, иқтидорли талабалар билан ишлаш ва уларни фан олимпиадаларига тайёрлаш

**Халқаро алоқаларга оид масалалар.** Хорижий Олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ғамкорликда олиб борилган ишлар ҳақида ва Институтда ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ва келажакдаги режалар тўғрисида маълумот.

**Хўжалик ишларига оид масалалар.** Институтда 2020 йилда молиявий-иқтисодий ва хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлар ҳамда 2021 йилда режалаштирилган молиявий фаолият бўйича ҳисобот.

**Маркетингга оид масалалар.** Институтда тайёрланаётган кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, буюртмачилар билан алоқаларни яхшилаш ва маркетинг хизматларини ривожлантириш.

**Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласи.** Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази томонидан амалга оширилган ишлар.

**Ташкилий ишларга оид масалалар.** Олий таълим муассасаларига педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги Низомга асосан сайлов ўтказиш (жами 78 нафар профессор-ўқитувчилар танловдан ўтказилди).

Институт қабул комиссиясининг 2020-2021 ўқув йили учун талабаликка қабул қилиш фаолияти.

**Турли масалалар.** Турли масалаларда докторлик диссертация мавзулари қайта тасдиқланди, профессорлик (8 та) ва доцентлик (19 та), илмий унвонга тавсия этилди, монографиялар чоп этишга рухсат этилди, дарслик ва ўқув қулланмаларни чоп этишга тавсия қилиш, ассистентларга маъруза ўқишга рухсат этилди. Институт кафедраларида профессор-ўқитувчиларининг ўзаро машғулотларига киришлари бўйича йўриқнома лойиҳаси асос сифатида қабул қилинди ва тасдиқланди, “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловида иштирок этиш учун институт профессор- ўқитувчилари тавсия этилди.

Юқоридаги масалалар ўқув йили давомида 12 та мажлисда муҳокама қилиниб ҳар бир масала бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

# 1. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ

## 1. МАСОФАВИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИ АСОСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Институтда ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий, аҳлоқий - тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, ҳукуматимизнинг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, ”Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909–сонли, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106 сонли Фармони, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151 сонли қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003 сонли қарори, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 сонли, 2021 йил 3 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040 сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 муҳим ташаббусида белгиланган вазифалар, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Низоми ҳамда тегишли вазирликлар ҳамда юқори турувчи ташкилотларнинг буйруқ ва кўрсатмаларига биноан бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида билдирилган фикрлар ва уларнинг ёшлар ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини ёритиб бериш бўйича таниқли олимлар, мутахассислар иштирокида тарғибот ишлари масофавий тарзда амалга оширилди.

2020 йилнинг сентябрь ойда 1-курсга қабул қилинган талабалар билан институт ректорининг учрашувчи масофавий тарзда ташкил этилди. Мазкур онлайн учрашувда 1000 дан ортиқ талаба иштирок этди.

Республикамизга коронавирус тарқалиши натижасида пандемия эълон қилиниб институтдаги барча соҳалар каби ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ишлар соҳаси ҳам масофавий кўриниш олди. Мураббийларнинг ўз гуруҳлар билан масофадан туриб иш олиб бориши йўлга қўйилди. Маънавий – маърифий топшириқларни ҳам видеоресурс кўринишда бажариши белгилаб қўйилди.

Институт талабаларининг пандемия даврида бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари юзасидан қуйидаги йўналишларда ишлар амалга оширилди:

1. **Китоб мутоаласи.** - Барча факультетлар телеграмм гуруҳлари, шунингдек, институт телеграмм гуруҳида орқали 30 номдаги бадиий адабиёт карантин даврида мутола қилиш учун талабаларга вазифа қилиб берилди. **(4-ташаббус)**

2. **Смартфонга китоб иловасини ўрнатиш ва онлайн китоб юклаш**.- Талабалар учун ziyouz.com, kitob.uz каби сайтларда текин китоб юклаш, Kitobim, Hilol e-Book, AsaxiyBooks, Uzbook (audiokitob), "Kitobxonlar davrasi” мобил иловаларини смиртфонга текин ўрнатиш ва @intellekt_klub, @KitobxonTalabalar телеграмм каналлари орқали мутола маданиятини янада оширишга қаратилган ишлар амалга оширилди. **(4-ташаббус).**

3. **Дунёнинг машҳур музейларига виртуал саёҳат**. – Талаба учун ўз смартфони ёрдамида жаҳоннинг машҳур Лувр, Эрмитаж ва Британия музейлари, NASA ва Третьяков галереялари ҳамда жаҳон маданиятининг энг нодир намуналари сақланадиган яна кўплаб масканларга уйдан чиқмай бепул саёҳат қилиш имкони пайдо бўлди. Музейга виртуал тур амалга ошириш учун ҳар бир музей учун мўлжалланган ҳавола мураббийлар орқали барча гуруҳларга етказилди. Мазкур виртуал тўйича 3000 га яқин талаба дунё музейларига виртуал саёҳатни амалга оширди. Ўз таъсуротлари борасида эссе ёзишди. **(1-ташаббус).**

4. Карантин даврида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун ҳам **https://t.me/JT_va_sport** телеграмм канали ташкил этилган бўлиб талабалар кундалик шуғулланишлари лозим бўлган спорт машғулоти жойлаштириб борилди. **(2-ташаббус)**

Талабаларнинг маданий-маърифий билимлари даржасини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида **O'zbekiston tarixi va madaniyati - tiiame group** (**https://t.me/joinchat/AAAAAEUqdch7M3EYTbjDDg)** деб номланган маърифий канал ҳам ташкил этилиб, талабаларга шонли ўтмишимиз ва маданиятимиз тўғрисида онлайн-тестлар бериб борилади ҳамда тарих ва маданиятга доир қизиқарли маълумотлар ҳам жойлаштириб борилди.

Шунингдек, пандемия даврида яна қуйидаги маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди:

1. Институтда ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишларни амалиёт билан боғлаш, миллий ва диний қадриятларни, жумладан, оила – энг олий қадрият эканлигини талабалар онгига сингдириш ўтказилган тадбирларда оила ҳақида илгари сурилган ғоя ва мулоҳазаларнинг инсоний муҳаббат, меҳру вафо, никоҳ, фарзанд тарбияси, миллат келажаги сингари боқий қадриятларни талабалар қай даражада ўзлаштирганлиги, ўзининг оиласи, олдинги авлодлари, ота-боболари, яқин қариндошларига бўлган муносабатини, меҳр оқибатини, эътиқодини ифода этиш қобилиятини аниқлаш ҳамда талабаларнинг ўз оиласига бўлган эътиборини, меҳр-оқибатини, иймон-эътиқодини кучайтириш, ўз авлодлари шажарасини, оилавий анъаналар ва урф одатларни янада яқинроқ ўрганиш, оилапарварлик, ватанпарварлик, диний бағрикенглик туйғуларини юксалтириш мақсадида талабалар орасида пандемия шароитида **“Оилам менинг қўрғоним”** ҳамда **Қишлоқ менинг тақдиримда” масофавий кўрик-танловлари** ташкил этилди. Ғолибликка лойиқ топилган талабалар институт томонидан пул мукофотлари билан тақдирланди.

2. 2020 йилнинг 4-8 май кунлари Сардоба туманида рўй берган талофат оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун институтимиздан 11 нафар ходим мазкур туманга хизмат сафарига юборилди.

3. 2020 йил Май ойи давомида Сардоба тошқинидан талофат кўрган институтимиз талабалари оилаларига институт томонидан инсонпарварлик

ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, факультетлар ва кафедралар кесимида ҳам талофатдан зарар кўрган талабаларимизнинг оилаларидан хабар олинди.

4. Май ойида институтда фаолият юритиб ҳозирда нафақада бўлган 63 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг бугунги пандемия шароитидаги аҳволи тўғрисида институт раҳбарияти ва кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан хабар олинди.

5. 2020 йилнинг 8 май куни 9-май хотира ва қадрлаш кунига атаб “АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАРГА ИБРАТ” мавзусидаги онлайн тадбир ўтказилди. Тадбир ZOOM дастури орқали онлайн равишда ўтказилди. Ушбу тадбирда Тошкент ирригация ва қишлоқ хужалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 300 га яқин иқтидорли талабалари, магистрлари, гуруҳ мураббийлари ҳамда профессор ўқитувчилари иштирок этишди.

6. 2020 йилнинг 13 май куни институт мураббийлар кенгаши раислари, ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовинлари ҳамда гуруҳ мураббийлари билан онлайн мулоқот ташкил этилди. Мазкур мулоқотда пандемия шароитида профессор-ўқитувчилар ва гуруҳ мураббийларининг талабалар уй шароитида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳолати, шунингдек, уларнинг moodle тизимига уланишига гуруҳ мураббийларининг масъуллиги ҳамда карантин шароитида бўш вақтни мазмунли ўтказиш юзасидан ўтказилаёган “Оилам менинг қўрғоним”, “Қишлоқ менинг тақдиримда” кўрик-танловлари ҳамда беш ташаббус юзасидан ОЎМТВнинг talaba_VUZ24 каналиги жойлаштирилаётган роликлар таҳлил этилди.

7. 2020 йил 15 май куни соат 15.00да таниқли шоир Бобур Бобомурод иштирокида онлайн маърифий тадбир ўтказилди. Онлайн тадбир ZOOM дастури орқали онлайн равишда амалга оширилиб жами 250 киши иштирок этди.

**8.** 2020 йилнинг 31 май куни институтининг бир гуруҳ педагог, профессор ўқитувчилари ва талабалари Адиблар хиёбонида буюк ва суюк адибимиз Абдулла Орипов сиймоси акс этган ҳайкал қошида "Жўш урган улуғ халқ кудратининг куйчиси" номли шоирни ёд этиш мазмунида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда Абдулла Ориповнинг қизлари Шоирахон Орипова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли шоир Бобур Бобомурод, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессори Нурбой Жабборовлар иштирок этди.

9. 2020 йилнинг 7 июнь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари Адиблар хиёбонида буюк ўзбек халқининг буюк адиби Абдулла Орипов сиймоси акс этган ҳайкал қошида жам бўлишган. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Сирожиддин Саидов, истеъдодли шоир Рустам Мусурмон ва профессор Қиёмиддин Назаровлар иштирок этишиб, давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов даҳоси ва закоси борасида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтдилар

**10.** 2020 йилнинг 26 май куни институтимиз хотин-қизлари жамоаси номидан З.Исмоилова, З.Ҳафизова ҳамда Д.Хурсандовалар пойтахтимизнинг сўлим "Адиблар хиёбони"га ташриф буюришди.

**11.** 2020 йилнинг 12 июнь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга бағишланган **“УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОННИ КУЙЛАГАН ШОИР”** мавзусида **“ZOOM” платформаси** орқали онлайн – форум ўтказилди.

**12.** Институтда Абдулла Орипов ижодини янада оммалаштириш ва тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида телеграмм ижтимоий тармоғида https://t.me/tiiame_abdulla_oripov канали ташкил этилди.

13. 2020 йилнинг 14 июнь куни Ер ресурсларини бошқариш факультети жамоаси томонидан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга атаб “Адиблар хиёбони”да тадбир амалга оширилди.

14. 2020 йилнинг 20 июнь куни Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультети жамоаси томонидан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга атаб “Адиблар хиёбони”да тадбир амалга оширилди.

15. 2020 йилнинг 28 июнь куни Гидромелиорация факультети жамоаси томонидан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга атаб “Адиблар хиёбони”да тадбир амалга оширилди

16. 2020 йилнинг 16-19 июнь кунлари институтда 2019-2020 ўқув йилида ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ва аҳлоқий-тарбиявий ишлар юзасидан факультетлар бош мураббийлари ҳисоботи эшитилди. Мазкур ҳисобот эшитуви “ZOOM” платформаси орқали амалга оширилиб бу йўналишда факультетларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

17. 2020 йилнинг 30 июнь куни институтда ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ва аҳлоқий-тарбиявий ишлар юзасидан бош мураббий ҳисоботи тингланди. Мазкур ҳисобот эшитуви “ZOOM” платформаси орқали амалга оширилиб бу йўналишда 2019-2020 ўқув йили ҳамда карантин даврида мураббийларнинг амалга оширган ишлар таҳлил илинди.

2020 йил май ҳолати

| **№** | **Факультет** | **Талаба сони** | **Виртуал лойиҳаларда иштироклар сони** | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Оилам менинг қўрғоним** | **Қишлоқ менинг тақдиримда** | **Онлайн музейларга ташриф** |
| 1 | ГМ | 1451 | 4 | 4 | 454 |
| 2 | ҚҲМ | 785 | 11 | 8 | 372 |
| 3 | СХТЭ ва Б | 486 | 15 | 11 | 342 |
| 4 | ҚСХЭТ | 782 | 8 | 9 | 439 |
| 5 | ГИМ | 706 | 6 | 4 | 213 |
| 6 | ГТС | 829 | 1 | 2 | 310 |
| 7 | ЕРБ | 790 | 6 | 11 | 89 |
| 8 | Магистратура | 268 | 2 | 2 | 58 |
| | Жами | 6097 | 53 | 51 | 2277 |

***1-жадвал.*** Талабалар томонидан карантин пайтда масофадан туриб амалга оширилган маънавий маърифий ишлар қамрови факультетлар кесимида

## II. МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР, ҚАБУЛ

## ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИНИ ТАЛАБАЛАР ВА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМЛАРИГА ЕТКАЗИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

2020 йил сентябрьдан бошлаб институт профессор-ўқитувчилари жамоаси учун ҳар ҳафта дастлаб ижтимоий тармоқлардаги телеграмм гуруҳлари орқали, кейинчалик эса факультетлар кесимида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотлар, хорижда рўй бераётган воқеалар, янги қабул қилинган қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек, олий таълим тизимида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва топшириқларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” мавзуида маърифат соатлари вазиятга қараб онлайн ёки анъанавий кўринишда ташкил этилди.

Жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ёшлар турмуш тарзига таъсирини ўрганиш мақсадида “Ижтимоий ривожланиш ва дахлдорлик туйғуси” мавзусида ижтимоий тармоқлар орқали талабалар ва ўқувчилар ўртасида онлайн социологик тадқиқотлар ўтказиш ва натижалари асосида институт психолог итомонидан таҳлилий материаллар тайёрланди.

Шунингдек, институт психологи томонидан пандемия шароитида талаба-ёшларнинг ҳар томонлама сифатли таълим олиши ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ўқув-тарбия жараёни ҳолатини ўрганиш мақсадида олий таълим муассасалари томонидан ташкил этилаётган масофавий таълим ҳолати ҳамда интернет сифатини ўрганиш бўйича социологик тадқиқот ўтказиш ва натижалари асосида таҳлилий материаллар тайёрлаш.

Институт ҳудудида шунингдек, веб-сайтлар ҳамда интернетдаги саҳифаларида: кўргазмали тасвирий-тарғибот ва тарбиявий воситалар, илм-фан, таълим-тарбия, инновациялар, ўзликни англаш ва ватанпарварлик ҳамда жисмоний тарбия, спорт ва китобхонликка оид шиорлар, ҳикматли сўзлардан иборат баннерлар, деворий лавҳалар билан таъминланишини ташкил этилди.

2020 йил октябрь “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун” муносабати билан, олий таълим муассасаларида “Давлат тили – миллий маънавиятимиз тимсоли” мавзусида онлайн маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Турли танловлар ўтказилади.

## ДУНЁДА ЮЗ БЕРАЁТГАН МУРАККАБ ГЕОСИЁСИЙ ВА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЁРИТИШ, ТУРЛИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ҒОЯВИЙ КУРАШ ОЛИБ БОРИШГА ДОИР ИШЛАР

Мазкур йўналишда ҳам институтда қатор ишлар амалга оширилди. Талабаларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданиятини шакллантириш бўйича ҳисобот даври мабойнида муайян ишлар амалга ошириб келинди. Сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантириш мақсадида АРМ, Маънавият ва маърифат хоналари, талабалар турар жойлари зарур адабиётлар, манбалар, видеоматериаллар билан таъминланган. Шунингдек, талабалар ўртасида

ўтказилаётган турли учрашув давра суҳбати, мунозара ва бошқа тадбирлар ҳам бу борада ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда амалий кўмак вазифасини бажарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Yoshlar - kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ - 5466 - сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 17 декабрь куни институт “Маънавият ва маърифат” хонасида талаба - ёшлар ўртасида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ёшлар Иттифоқи туман кенгаши ҳамда ёшлар иттифоқи институт кенгаши билан ҳамкорликда “Ёшлар - келажагимиз” давлат дастури ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинганлигининг 3 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди.

Мазкур йўналиш бўйича институт профессор - ўқитувчилари ва талаба - ёшлари ўртасида “Коррупция - миллий хавфсизликка таҳдид”, “Коррупция – тараққиёт кушандаси”, “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли”, Гуманитар фанлар кафедраси иштирокида “Демократия – жамият кўзгуси” каби мавзуларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар депутатлари, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда туркум учрашувлар ва тадбирлар ташкил этилди.

Давра суҳбатида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ёшлар Иттифоқи туман кенгаши раиси Н. Шукуров “Ёшлар - келажагимиз” давлат дастури ҳамда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг мазмун - моҳияти, ёшлар ҳаётида тутган ўрни хусусида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, ҳисобот даврида талаба-ёшлар ўртасида дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш, турли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб боришга доир Ўзбекистон Республика Ички Ишлар Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳам да ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда, мутахассисларни таклиф этган ҳолда “Диний - экстремистик оқимларга қарши кураш”, “Миссионерлик - давлат ва жамиятга таҳдид”, “Одам савдоси-давр муаммоси”, “Биз радикализм, миссионерлик ва прозелитизмга қаршимиз”, “Талаба - ёшлар орасида диний экстремизм ҳамда жиноятга қарши кураш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишининг олдини олиш” мавзусида жами бўлиб 30 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

## III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН 5 ТАШАББУСНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида 2020 йилнинг 19 декабрда Ёшлар форумидаги учрашувлари ҳамда 2021 йилнинг февраль ойидаги маънавий маърифий ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича селектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин қизлар бандлигини ошириш

масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар бўйича институтимизда мақташга арзигулик ишлар амалга оширилди.

**<u>Биринчи ташаббус бўйича,</u>** институт талабаларининг ижодкорлик салоҳиятини янада кўтариш, уларни санъат, адабиёт соҳасига бўлган қизиқишларини янада ривожлантириш ҳамда иқтидорли ёшларни кашф этиш мақсадида институт ректори ташаббуси билан жорий йил давомида турли мавзулардаги иншолар, мақолалар, плакатлар танлови жорий этилди. Танлов ғолиблари моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Институтимизнинг Тошкент шаҳрида жойлашган театрлари билан ҳамкорлик доирасида талабаларимизнинг Ўзбек Миллий академик театри, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри, Рус академик драматик театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театри, Оперетта театри, Сатира театри каби бир қатор театрларга ташрифи уюштирилди. Жами жалб этилган талабалар сони 2480 нафардан ошди. Мазкур кўрсаткич 2021 йилнинг биринчи чорагида ўтган ўқув йилига нисбатан деярли тенг эканини кўрсатди.

Шу ўринда, талаба-ёшларимиз маънавий қиёфасини шакллантиришда музейларнинг ҳам аҳамияти катта. Ўтган ўқув йилида Темурийлар тарихи давлат музейи, Санъат музейи, Қуролли Кучлар ҳарбий музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, шунингдек, пойтахтимизда жойлашгантурли уй-музейларига талабаларимизнинг ташрифи уларнинг миллатимиз тарихи ва моддий маданиятига бўлган қизиқишини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг ижодкорликка бўлган интилишлари ва ташаббуслари доим ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қўвватлаб келинмоқда. Институтимизда ҳам бу каби ишларнинг узвий давоми сифатида талабаларимизнинг 2021 йилнинг 19 март куни факультетлараро “Қувноқлар ва Зукколар” лигаси бўлиб ўтди. Бундан ташқари, институт маданият саройи қошида Вокал, Миллий ва анъанавий рақс, КВН (рус гуруҳлар учун), Театр студияси тўгараги, Миллий урма чолғу тўгараги, TIIAME-BAND эстрада ижрочилиги тўгараклари фаолият юритиб келмоқда.

**<u>Иккинчи ташаббус бўйича,</u>** Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида институтимизда талабаларимиз учун бошқа олий таълим муассасалари ўрнак оладиган даражадаги шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда институт талабаларининг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит мавжуд. Спорт комплекснинг капитал таъмирдан чиқариб топширилгани бунга мисол. Ҳозирда Футбол, Волейбол, Қўл тўпи, Шахмат-шашка, Баскетбол ҳамда Кураш тўгараклари фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, институт талаба-ёшлари ҳамда профессор-ўқитувчилари орасида соғлом турмуш-тарзини тарғиб этиш ҳамда уларнит оммавий спортга жалб этиш  мақсадида спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Ёшлар ҳафталиги” доирасида талабаларимиз ўртасида эрталабки бадантарбия, стол-теннис, мини-футбол, баскетбол, армрестлинг, бадминтон спорт мусобақалари ташкил этилди.

Ўзингизга яхши маълум, институтда фаолият юритаётган хотин-қизларимизни ҳам спортга жалб этиш назаримиздан четда қолгани йўқ. Турли саналарга бағишлаб ҳамда ўқув йили биринчи ярми якунида улар ўртасида спорнинг волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси турлари бўйича мусобақаларнинг ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Шу билан бирган, 2020 йилнинг декабрь ойида талаба-ёшлар ўртасида "Спорт билан оғусиз ҳаёт сари" шиори остида спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, бадминтон, шахмат ва шашка турлари бўйича, 2021 йилнинг 4-5 март кунлари Миллий кураш бўйича Вазир кубоги учун бўлган мусобақанинг саралаш босқичлари ташкил этилди.

**Учинчи ташаббус бўйича,** институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида жорий ўқув йили давомида "Интернет тармоғидан ўринли фойдаланиш чоралари", "Талабалар маънавий қиёфасини тўғри шакллантиришда таълим муассасасининг роли", "Ижтимоий тармоқлардан оқилона фойдаланиш", "Интернетдаги овчилар" каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди.

Шунингдек, институт Ахборот технологиялари кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан Юнусобод туманида жойлашган 12 ва 171-ўрта мактабларда "Информатика" фани ўқитувчиларини замонавий компьютер технологиялари бўйича малакаларини ошириш юзасидан семинарлар ташкил этилди.

Қолаверса, институтимиз талабалар турар жойининг ҳар бир қаватида замонавий компютерлар билан жиҳозланган хоналарининг ташкил этилиши ёшларимизнинг ўқишдан бўш вақтларида ҳам ахборот технологоялари билан шуғулланиш имкониятини яратди.

**Тўртинчи ташаббус бўйича** Китоб – инсонинг умри давомида ажралмас дўстидир. Китоб ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтирадиган, шунингдек ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқатли қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган воситадир.

Институтимизда талаба-ёшлар орасида китобхонликни тарғиб этиш, китоб мутоласига бўлган қизиқишларини ошириш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Гуруҳ мураббийлари ва профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларни мунтазам равишда китоб ўқишга бўлган тарғиботи кучайтириб келинди.

Шунингдек, карантин юмшатилиб, оммавий тадбирларга эътибор берилгандан сўнг, гуруҳлар кесимида талабаларимизнинг гуруҳ мураббийи раҳбарлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташрифи уюштирилди. Бу уюштирилган ташриф талаба - ёшларда китоб мутоласига иштиёқларини янада кучайтирди.

2020 йилнинг декабрь ойида куни институтимизда таҳсил олаётган ижодкор ёшларнинг "Илҳом булоқлари" номли шеърий тўпламнинг иккинчи китоби нашрга берилди.

Бундан ташқари, институт маданият саройи қошида Сухандонлик тўгараклари фаолият юритиб келмоқда.

Талабаларда Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов ижодига қизиқиш уйғотиш ва уни тарғиб этиш мақсадида адибнинг энг сара ижод намуналари жамланган “Ўзбекистон Ватаним Маним” тўплами 1500 нусхада чоп эттирилиб биринчи курс талабалари ҳаммда институт профессор-ўқитувчиларига улашилди.

**Бешинчи ташаббус бўйича**, 4-талабалар турар жойида талаба-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехи ташкил этилди. 10 та тикув ва 1 та аверлок машинаси, 1 та бичув столидан иборат копмлект талабалар ихтиёрига топширилди. Мазкур цехдан талаба-қизларимиз дарсдан бўш вақтларда ҳунар ўрганибгина қолмай ўзларининг эҳтиёжлари учун ҳам фойдаланишмоқда. 2-ТТЖ ва 3-ТТЖда ҳам тикув цехларини очиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, талабалар турар жойларида яшовчи талаба-қизларнинг меҳнат қилишига шароит яратиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ТТЖда тўқувчилик, рус ва инглиз тили тўгараклари ташкил этилган. Мазкур тўгаракларда ҳозирги кунда 150 нафарга яқин талаба-қизлар касб-ҳунар ва замонавий билимларни эгалламоқда.

## 4. ТАЛАБАЛАРДА МУТАХАССИСЛИК МАДАНИЯТИ, КАСБ ОДОБИ ВА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МАЛАКА-КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

Баркамол авлодни тарбиялашининг муҳим омилларидан бири бу ўз эгаллайдиган касбига меҳр-муҳаббати ва меҳнатсеварлигидадир. Шу боисдан институтда талабаларни касб маънавияти ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш масалаларига раҳбариятнинг талаба-ёшлар билан ўтказиб келинаётган очиқ мулоқотларида айниқса, талабалар таҳсил олаётган таълим йўналишларини битириб, муассасаларда, корхона ва ташкилотларда ишлаётган тажрибали мутахассислар иштирокида “Касб маънавияти” мавзусида мулоқотлар ва савол-жавоб кечаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

2020 йил сентябрь ойида факультетларда 1-курсга қабул қилинган талабалар билан «Мен танлаган мутахассислик» мавзусида гуруҳ мураббийлари томонидан онлайн давра суҳбатлари ўтказилди.

“Ободлик кўнгилдан бошланади”, “Ўқув даргоҳимизни маънавият ўчоғига айлантиришга қўшган ҳиссам” шиори остида маърифий тарғибот акцияси (вазиятга қараб онлайн ёки анъанавий) ташкил этилди.

2020 йилнинг 9-15 октябрь кунлари институтда масофавий тарзда факультетлар Ёшлар етакчиларини сайлаш амалга оширилди.

2020 йилнинг май ойида Институт раҳбарияти эътироф этган, фаол, ташаббускор, турли йўналишларда юқори натижаларни қўлга киритаётган талабаларни ўзида жамлаган “Энг фаол 1000 нафар талаба” телеграмм гуруҳ ташкил этилди.

Институтнинг 5 нафар талабаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги "Ёшлар парламенти"га аъзо сифатида сайланди. Республика

ОТМлари орасида энг кўп кўрсаткич. Бугунги кунда улар институт Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда ишларини олиб бормоқдалар.

Институтдаги таълим йўналишларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактабларида “Тошкент шаҳрининг таълим соҳасидаги тажрибалари: қадриятлар, анъаналар”, “Институтда мақсадли кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг тарбиявий асослари”, “Институт + Таълим муассасасалари = Тараққиёт” мавзусида маънавий тарғибот тадбирлари (вазиятга қараб онлайн ёки анъанавий) ўтказилди.

Талаба ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини аниқлаш ҳамда уларнинг таълим муассасаларидаги амалга оширилаётган ишларга нисбатан дахлдорлик туйғуларини шакллантириш ва фаол фуқаролик позицияларини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасаларида коррупциявий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга қаратилган комплайнс назорат гуруҳи томонидан ўрганишлар олиб борилиб таҳлилий материаллар тайёрланди.

## 5. ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАРДА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР

Бугунги кунда талаба-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш юзасидан институтда салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Институт талабаларининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида, айниқса Коронавирус пандемияси даврида ёшларимиз нималарга кўпроқ эътибор бериши лозимлиги бўйича кўплаб тадбирлар, учрашувлар амалга оширилди.

Институтда сепаратизм, миллатчилик ва шовинистик ҳаракатлар, дин ниқобидаги экстремизм, буюк давлатчилик, “оммавий маданият”, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликка қарши қаратилган адоватнинг авж олдиришга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарлик каби қатор ички ва ташқи таҳдидларнинг олдини олиш бўйича туркум маънавий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиб борилмоқда.

Шунингдек, талабалар турар жойларида тарбияч-педагоглар режаси асосида “Биз “оммавий маданият”га қаршимиз”, “Ватанимиз равнақи йўлида халқимизга камарбастамиз”, “Диний бағри кенглик ота-боболаримиздан мерос бўлган миллий қадрият” каби мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатларини ўтказилди. (Карантин жараёнларини ҳисобга олган ҳолда).

Профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва талаба-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларни турли жиноий ҳаракатлардан асраш ҳамда турли ҳуқуқбузарликлар, жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда соҳа мутахассислари иштирокида вебинар маънавий-маърифий ва профилактик тадбирлари ҳамда жамиятда учраётган турли салбий иллатлар ва муаммоларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида Институтда нотиқлик ва бошловчиликка

қизиқадиган “Ташаббускор талабалар тадбири” (“ТТТ”) дебат клубини (вазиятга қараб онлайн ёки анъанавий) ташкил этилди.

2020 йил сентябрь – октябрь ойида интернет майдонида ички ва ташқи таҳдидларга самарали қарши курашишни таъминлаш мақсадида тарбиячи-педагоглар, гуруҳ мураббийлари томонидан талаба-ёшлар учун “Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари” мавзусида туркум ўқувлар (вазиятга қараб онлайн ёки анъанавий) ташкил этилди..

2020 йил декабрь-2021 март ойларида Йўл харитасига мувофиқ “Адиблар хиёбони – маънавий бунёдкорлик рамзи” шиори остида Институт танлаб олган адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм яратиш ва тақдимотини (вазиятга қараб онлайн ёки анъанавий) ўтказиш бўйича ишлар якунига етиб ҳужжатли фильм тақдимоти белгиланди.

Институтда онлайн психолог хизматини ташкиллаштириш, руҳшунос (психолог)лар томонидан ёшлар билан индивидуал суҳбатлар, мулоқотлар олиб борилиши Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими томонидан назорат қилиниб келинмоқда.

## 6. ТАЛАБАЛАР ОТА-ОНАЛАРИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР

Ҳисобот даврида институтда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш борасида таълим муассасалари, ота-оналар, маҳаллалар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Факультета профессор-ўқитувчилари, талабалар, шунингдек, талабаларнинг ота-оналари мурожаатлари билан ишлаш мақсадида учун институт ректорининг виртуал қабулхонаси ишга туширилди.

Институт ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, 2021 йилга тайёрлаш, талабалар орасидан шижоатли, ғайратли, етакчилик қобилиятига эга бўлганларини аниқлаш мақсадида масофадан туриб янги ўқув йили учун етакчиларни демократик тамойилларга асосланган ҳолда сайловла ўтказилди.

“Янгича Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остида Юнусобод ҳамда Мирзо Улуғбек туманида жойлашган ўрта мактабларда ҳамда Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида жойлаган 1 ва 2-секторга тегишли маҳаллалардаги мактаблар ва маҳаллаларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. тарғибот тадбирлари олиб борилди.

Институтга туташ ҳудудларда жойлашган Лашкарбеги, Дархон, Ҳамид Олимжон, Оққўрғон, Мирзакалон Исмоилий, Оқибат, Мустақиллик, Нур, Буюк ипак йўли, Асака, каби 15 та маҳалладаги 590 нафардан ортиқ ёшлар, хусусан, уюшмаган ёшларни илм ва касбга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий ҳолатини яхшилаш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этилди, мазкур маҳаллаларга шахсан кафедра мудирлари бириктирилган ҳолда ишлар ташкил қилинди.

Жумладан, институтнинг моддий техника базасидан фойдаланган ҳолда 200 нафар ёшларни спорт тўгаракларига, 150 нафарини инглиз тили 100 нафарини компьютер саводхонлиги тўгаракларига, 140 нафари бадиий ижодкорлик тўгаракларига жалб этилди.

Шунингдек, институт жойлашган ҳудудда яшовчи “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ҳамда “Аёллар дафтари” га кирган оилаларнинг 100 нафар фарзандлари ҳамда ёшларни тадбиркорлик ва касбий кўникмаларни шакллантириш курсларига жалб этиш ишлари давом этмоқда.

## 7. ЁШЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ, УРФ-ОДАТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ АНЪАНАЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ҲАМДА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ЎЗАРО МЕҲР-ОҚИБАТ МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

Институтда ҳар йили миллий байрамларимиз ва муҳим саналар тантанали равишда нишонланиб келинмоқда. Шуниндек, Республика ва вилоят миқёсида ўтказиладиган байрам тантаналарида ҳам университет жамоаси фаол иштирок этмоқда.

Институтиммизда анъанавий равишда Мустақиллик байрами, Конституция, Давлат мадҳияси қабул қилинган кун, Байроқ қабул қилинган кун, Ватан ҳимоячилари куни, 8-март халқаро хотин-қизлар куни, Қишлоқ хўжалигиг ходимлари куни, Халқаро ер куни, Халқаро сув куни каби байрамлар тантанали нишонлаб келинади.

Шу билан бирга, ўзининг закоси билан миллатимиз тарихи ва маданиятидан ўрин эгаллаган аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Абдулла Орипов, Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовларнинг таваллуд кунлари кенг нишонланди.

2021 йилнинг 10 февраль куни институт санъат саройида Ҳазрат Навоийнинг 580 йиллигига бағишлаб маданирят саройидамаънавий - маърифий тадбир ўтказилди.

2021 йил 15 февраль куни институт Маданият саройида Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси, шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан адабий - бадиий кеча ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 3514 - сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички трузимни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора - тадбирлар режаси” ижросини таъминлаш бўйича Назорат режасининг 27 - бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида март-апрель ойи давомида 20 га яқин гуруҳ мураббийи раҳбарлигида гуруҳлар Самарқанд шаҳрига турли сайёҳатлар уюштиришди. Саёҳатчи талабалар Регистон майдонида бўлиб, Улуғбек, Шердор, Тиллакори Мир Шоҳи Зинда мадрасаларини зиёрат қилишди ва Ўзбекистон

Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

2020 йилнинг ноябрь ойидан 2021 йилнинг апрель ойи охирига қадар Тошкент шаҳрида жойлашган музейларга талабаларнинг ташрифи амалга оширилди. Жами бўлиб ташрифлар сони институт бўйича 3500 ни ташкил этади.

## 8.ЎЗБЕКИТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИНИ ТАРҒИБ ЭТИШГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг топшириғи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ Ўзбекитон Халқ шоири Абдулла Орипов ижодини кенг тарғиб этиш институтимизга бириктирилди.

Аввало, шоир Абдулла Орипов ижодини кенг ўрганиш бўйича Адиблар хиёбонида жойлашган шоир ҳайкали пойида ҳар бир гуруҳлар кесимида 2020 йилнинг апрель ойидан то ҳозирги кунга қадар 150 дан ортиқ маърифий тадбирлар ва учрашувлар, адабий кечалар ташкил этилди.

Профессор ўқитувчилар ва талабалар Адиблар хиёбонида буюк ва суюк адибимиз Абдулла Орипов сиймоси акс этган ҳайкал қошида "Жўш урган улуғ халқ кудратининг куйчиси" номи остида ёд этиш мазмунида маънавий-маърифий тадбир ўтказилиб бунда, шоирнинг оила аъзолари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Сирожиддин Саидов, истеъдодли шоир Рустам Мусурмон, истеъдодли шоир Бобур Бобомурод, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессори Нурбой Жабборовлар иштирок этди.

Шунингдек, карантин даврида яъни 2020 йилнинг 12 июнь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга бағишланган **“УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОННИ КУЙЛАГАН ШОИР”** мавзусида **“ZOOM” платформаси** орқали онлайн – форум ўтказилди. Мазкур форумда давлат ва жамоат вакиллари, атоқли шоир ва ёзувчилар, адабиёт ихлосмандлари жами бўлиб 500 дан ортиқ киши иштирок этди.

Институтда Абдулла Орипов ижодини янада оммалаштириш ва тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида телеграмм ижтимоий тармоғида https://t.me/tiiame_abdulla_oripov канали ташкил этилган бўлиб талаба-ёшлар мазкур платформадан ҳам бевосита фойдаланишмоқда.

Абдулла Орипов ижодини оммалаштириш бўйича йўл харита ишлаб чиқилиб, бунга мувофиқ март ойи институтда Абдулла Орипов ойлиги деб эълон қилинди. 2021 йилнинг 10 февралидан бошлаб 15 мартига қадар Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижоди, шеърлари ва асарларини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича институт талабалари ўртасида **“Улар шеъри учди кўп йироқ”** мавзусида турли хилдаги танловлар жумладан, иншолар, видеороликлар, шеърлар,расмлар танлови ўтказилди..

Шунингдек, Абдулла Ориповнинг шеърларини ўрганиш, ёд олиш ва тарғиб этиш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали**(шеър челендж)** ўтказиш

амалга оширилди. Видеороликлар тайёрлаб, институт сайти ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилинди.

Жорий йил вевраль ойининг 21 куни институт Хотин-қизлари жамоаси Абдулла Ориповнинг уйига бориб, оила аъзолари билан учрашув ўтказиб қайтишди.

Ҳар ойда режа асосида Адиблар хиёбонида институт жамоасининг ташрифи белгиланган. 2021 йил 3 февраль куни ер ресурсларини бошқариш факультети шоир ҳайкали қошида тадбир ташкил этди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан институт талаба ёшлари ўртасида 4-5 март кунлари спортнинг миллий кураш тури бўйича институт биринчилиги ўтказилди. Март ойининг иккинчи 10 кунлигида шахмат бўйича мусобақа ўтказилди.

Талабалар турар жойларида тарбиячи педагоглар томонидан адиб ижодига бағишланган тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

2021 йилнинг 29 март куни институтда Абдулла Орипов таваллудига 80 йил тўлиши муносабати билан шоир номидаги **Ёшлар боғи** очилиб талабалар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, институтда шоирга аталган музей ташкил этилди. Институт маданият саройида юбилей тантаналари кенг нишонланди.

## 9. ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, УЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

Ҳисобот даврида институтда бир қатор ижтимоий ҳимоя тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, институт профессор-ўқитувчилари, ишчи-хизматчилари ва талабалар турар жойларида ёрдамга муҳтож ногиронлар, маҳалладаги ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар, кам таъминланган оилалар ҳамда “Меҳрибонлик” уйига, шунингдек, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва кексаларга ёрдам бериб келмоқдалар.

Шу билан бирга, 2020 йил карантин даврида касаба уюшмаси ташаббуси билан турли ижтимоий ҳимоя тарбирлари – хайрия тадбирлари, 1 июнь болаларни ҳимоя қилиш куни муносабабти билан “Болаларга беринг Дунёни” тадбири, 9-май муносабати билан “Хотира ва қадрлаш куни тадбири”, институтда кўп йиллар меҳнат фаолияти билан шуғулланган кишиларнинг ҳолидан хабар олиш каби хайрия ишлари амалга оширилди.

Пандемия даврида институтда таҳсил олаётган чин-етимларларнинг шартнома пуллари ҳомийлар ҳисобидан тўлаб берилди ҳамда уларга карантин даврида моддий ёрдам пуллари ажратиб турилди.

Шунингдек, 2021 йилда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан институтда таҳсил олувчи чин етим, ногирон, боқувчисини йўқотган, оиласи темир дафтарда рўйхатда турувчи ҳамда жамоатчилик ишларида фаол талабаларни бир марталик моддий рағбатлантириш бўйича ишлар амалга оширилиб 107 нафар юқоридаги тоифага кирувчи талабаларга моддий ёрдам ажратилди.

Талабалар турар жойида истиқомат қилувчи қизларнинг 80 нафарига институт ҳисобидан текин спорт кийимлари ҳамда тадбирларда кийиш учун мўлжалланган адрас матосидан кўйлаклар тикиб берилди.

## 10. ИНСТИТУТДА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Барчамизна маълумки коронавирус барчамизни синовдан ўтказди. Пандемия даврида барча соҳалар каби олий таълим муассасалари ҳам масофавий кўринишга ўтиб маънавий-маърифий ишлар ҳам тўхтаб қолгани йўқ.

Энг аввало, пандемия шароити даврида институт кириш жойларига пункт ташкил этилиб профессор-ўқитувчиларни текин тиббиёт ниқоби билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Пандемия шароитида институт р аҳбарияти ва кафедра томонидан кўп йиллар педагоглик фаолияти билан шуғулланган 63 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимлар ҳолидан хабар олинди

Шу билан бирга карантин даврида муҳтож талабаларга моддий ёрдам пуллари ажратилди.

Коронавирусга билан оғриган профессор-ўқитувчиларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатилди.

Институтимиз ректори ҳамда Институт касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан COVID-19 пандемияси вақтида институтимизнинг профессор-ўқитувчи ва ишчи ходимларини ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида институт тиббиёт бўлимига 4 дона сунъий нафас олиш (кислород концентратор) воситалари келтирилди.

## 11. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ

Институтда республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали, хусусан, телевидение, радио, газета ва журналларда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида таълим соҳасидаги ислоҳотларга бағишланган профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, тадқиқотчилар ҳамда талабаларнинг чиқишлари ташкил этиб келинмоқда

Институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи”, ”Маҳалла”, “Ёшлар”, “Ўзбекистон 24” каналлари орқали намойиш этиладиган кўрсатувлар, турли хил ток-шоуларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Айниқса таниқли журналист Қуддус Аъзамовнинг “Муносабат” ток-шоусида талабаларимиз ва институтимиз жамоасининг иштироки ошди.

Институт профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳамда талабалари томонидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар сони:и

телевидение – 247 марта, радио – 53 марта, интернет ижтимоий ва тармоқларда – 801 марта.

## VI. ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ЯШОВЧИ ҲАМДА ИЖАРАДА ТУРУВЧИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

Институтда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил мақсадида Миллий кураш, волейбол, баскетбол, бадминтон, шахмат, шашка, фитнесс, стол тенниси каби спорт тўгараклари, “Қувноқлар ва Зукколар”, КВН, бўлиб

ўтди. Бундан ташқари, институт маданият саройи қошида Вокал, Миллий ва анъанавий рақс, КВН (рус гуруҳлар учун), Театр студияси тўгараги, Миллий урма чолғу тўгараги, TIIAME-BAND эстрада ижрочилиги, Сухандонлик, Илҳом булоқлари каби тўгараклари фаолият юритиб келмоқда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган илмий-ижодий марказлар билан ҳам ҳамкорлик мустаҳкамланиб, талабаларнинг фаол иштироки учун шароит яратилган.

Талабалар турар жойида фаолият олиб бораётган тарбиячи-педагоглар томонидан ҳам режа асосида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳам институтимизда қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

2020 йил ноябрь-2021 йил апрель ҳолати

| № | ТТЖлар | Жами ўтказилган тадбирлар сони | Шундан | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Маънавий, маърифий | Хуқуқий тарғиботга қаратилган | Умуммил лий байрамларга бағишланган | Талаба қизлар билан ўтказилган | Талаба йигитлар билан ўтказилган | Спорт тадбирлар | Интеллектуал тадбирлар |
| **1** | 1 ТТЖ | 12 | 2 | 2 | 2 | - | 3 | 3 | - |
| **2** | 2 ТТЖ | 15 | 4 | 2 | 3 | 3 | 1 | 2 | - |
| **3** | 3 ТТЖ | 37 | 10 | 2 | 7 | 4 | 6 | 6 | 2 |
| **4** | 4 ТТЖ | 24 | 5 | 3 | 3 | 4 | 4 | 4 | 1 |
| | Жами | 85 | 21 | 9 | 15 | 11 | 14 | 15 | 3 |

**2-жадвал.** ТТЖда тарбиячилар ўтказган тадбирлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 87 - 04 – 20- ХФУ - сонли хатида институт профессор-ўқитувчи ва талаба-ёшлар бўш вақтларида Тошкент шахридаги театр музей ва маданият масканларига ташрифини уюштириш белгиланган. Бунга кўра 7 та театр ва 14 та музей, кинопрокат билан шартнома йўлга қўйилган. Булар Ўзбекистон давлат мусиқали комедия(оперетта) театри, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар, театри А.Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Муқумий номидаги  Ўзбекистон давлат мусиқали театри, Ўзбекистон давлат драма театри, Ўзбекистон давлат сатира театри, киносаройлар - А.Навоий номидаги киносарой, Институт маданият саройи зали, музейлар - Шон-шараф давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Тошкент тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Олимпия шон-шухрат музейи, Давлат геология музейи, Қуролли кучлар тарихи давлат музейи,

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи Соғлиқни сақлаш музейи Ўзбекистон амалий саньат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси Ўзбекистон давлат табиат музейи Комолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи Тошкент Политехника музейи Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.

## 2021-2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА МАЗКУР ЙЎНАЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

2020-2021 йилда ҳам институтимизда талаба – ёшларнинг маънавий-аҳлоқий дунёқарашини янада ошириш юзасидан кўплаб истиқболдаги вазифаларни белгилаб олинди.

1. Ўзингизга маълум янги йилдан барча курслар учун анънавий дарслар бошланди. Шу муносабат билан институтда Ўзбекистон Республикаси Президенти 5 муҳим ташаббуси асосида маънавий-маърифий ишлар янада жонлантирилади ва тадбирлар ранг – баранглиги оширилади.
2. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини асраш йили”да институт ёшлар иттифоқи фаолиятини янада кенгайтириш, етакчиларни ҳақиқий лидерларга айлантириш бўйича ишлар такомиллаштирилади.
3. “Янги Ўзбекистон остонаси – мактабдан бошланади” шоири остида мактаблар билан ҳамкорликни кучайтириб уларни ҳар томонлама қўллаб-қўвватлаш ишлари амалга оширилади.
4. Институтда ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида ўз-ўзини бошқарувчи **“Student union”** талабалар уюшмаси ташкил этилади. Бундан мақсад ёшларимиз мустақил фикрларини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан муносабатини билдира олиш кўникмаларни ривожлантиришдир. Шунингдек, институтда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилари янги таркиби ҳам шакллантирилади.
5. Институтда гуруҳ билан ишлашни такомиллаштириш мақсадида гуруҳ мураббийи ўрнига тюторлик лавозимини жорий этиш.
6. Аҳлоқий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш мақсадида мураббийлар учун мураббийлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида "Тарбиявий иш методикаси" ўқув қўлланмаси, “Институт мураббийлари учун методлик қўлланма”, Талаба-қизларни турмушга тайёрлаш ва бахтли яшаш сирларини ўргатиш мақсадида "Бахтли яшаш сири" қўлланмасини тайёрлаш, "Хотин-қизлар билан маънавий-маърифий ишларни олиб бориш"бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш,, "Хотин-қизлар билан оилавий спортни такомиллаштириш" каби услубий қўлланмалар тайёрланиб ҳар бир мураббийга етказиш.
7. 2020-2021 ўқув йилида олий таълим муассасалари ўртасида талабалар театр жамоалари ҳамда Тафаккур синовлдар кўрик-танловларида муносиб иштирок этиб ғолибликни қўлга киритиш.
8. Бешта муҳим ташаббус доирасида ташкил этилган тўгараклар фаолиятини қўллаб-қувватлаб, уларнинг фаолият юритишида барча шароитларни яратиб талабаларимизнинг мунтазам шуғулланишлари учун замин яратиш

9. Ҳар йили анъанавий тарзда нишонланадиган байрамларимиз ва таваллуд саналар мавжуд. 2021 йилда ҳам Мустақиллик байрами, Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун, Конституция байрами, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар кунларини институтда кенг тантаналар билан нишонлаш.

10. Бу йилда институтнинг 30 нафар ижодкор ёшлари ижод намуналарини китоб ҳолида чоп эттириш ва тақдимотини Мустақилликнинг 30 йиллиги байрами арафасида ўтказиш..

11. 2021 йилнинг апрель ойи охири ҳамда май ойи бошида институтда "Санъат ва маданият декадаси" фестивали ойлигини ўтказамиз. Мазкур ижодий жараёнда нафақат талабалар, қолаверса профессор-ўқитувчиларнинг ҳам ҳамжиҳатликда иштирокини таъминлаш.

12. Институтда маънавий-маърифий ишларни янада ранг-баранглигини ошириш мақсадида мазкур йилда "Энг яхши гуруҳ мураббийи" кўрик-танловини ўтказиш.

13. Ижарада яшайдиган талабалар билан индивидуал ишлашнинг янгича, яъни ҳар бир талабагача етиб бориш механизми яратилади.

14. Институтда профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш юзасидан мунтазам равишда тадбирларни амалга оширамиз ҳамда режа асосида мусобақалар ташкил этиш бўйича мунтазам ишлар олиб борамиз. Ёшларимизни республика ва халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб юқори ўринларни эгаллашларида амалий ҳаракатлар олиб борилади.

15. Бугунги кунда жамиятимиздаги иллатлардан бири ҳисобланган коррупцияга қарши қаттиқ ва аёвсиз кураш олиб бориш. Жумладан:

- 2021 йилда олий таълим муассасаларида йўл қўйилган коррупция ҳолатлари ва у келтириб чиқараётган оқибатлар тўғрисидаги хужжатли фильмлар намойиши орқали ҳар бир профессор-ўқитувчилар онгига таъсир этиш механизмини йўлга қўямиз.
- Институтда коррупциоген ҳаракатларни аниқлаш ва профилактикаси борасида талабалар орасида турли сўровномалар ўтказамиз.
- Институтда ишга туширилган комплайнс-назорат тизими орқали коррупция ҳолатлари аниқланиб таҳлил қилиб борилади ҳамда ҳар бир факультет кесимида профессор-ўқитувчилар орасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари йўлга қўйилади.

16. Албатта, ташкил этиладиган тадбирларни анъанавий кўринишда ўтказиш билан параллел равишда масофадан туриб амалга оширилади.

## 2. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

***2.1. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ДТСлари, ўқув режалар ва дастурлар билан таъминланганлиги ва улар асосида ишчи ўқув режалар ва ишчи дастурларининг ишлаб чиқилганлиги ва ижроси.***

***Институтда :***

5111013 - Касб таълими:(5450200 - Сув хўжалиги ва мелиорация)

5450200 - Сув хужалиги ва мелиорация

5141100 - Гидрология (сув омборларида)

5141200 - Дарё ва сув омборлари гидрологияси

5450700 - Сув таъминоти муҳандислик тизимлари

5450800 - Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш

5450500 - Мелиоратив гидрогеология

5111000 - Касб таълими: (5450400- Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш)

5450600 - Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари

5450100 - Ирригация тармоклари сув энергиясидан фойдаланиш

5450400 - Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш

5340700- Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)

5111020 - Касб таълими: (5430100 - Кишлок хужалигини механизациялаштириш)

5430100 - Кишлок хужалигини механизациялаштириш

5430300-Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис

5430400-Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш

5430300 - Қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалари техник сервиси

5450300- Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

5640200-Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги

5640100- Хаётий фаолият хавфсизлиги

5111021 - Касб таълими: (5430200- Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш)

5430200 - Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш

5310200- Электр энергетикаси (сув хўжалигида)

5430600-Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти

5311000- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (сув хўжалигида)

5313200 - Техника ва технологиялар техник экспертизаси ва маркетинги (кишлок ва сув хўжалигида)

5111013 - Касб таълими: (5410700- Ер тузиш ва ер кадастри)

5313100 - Геодезия ва  геоинформатика

5412000 - Ер кадастри ва ердан фойдаланиш

5311500- Геодезия, картография ва кадастр (сув хўжалигида)

5410700- Ер тузиш ва ер кадастри
5230100- Иқтисодиёт (сув хўжалигида)
5230200- Менежмент (сув хўжалигида)
5232400-Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш
5230900- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув хўжалигида)
5630100 - Экология ва атроф муҳит муҳофазаси(сув хўжалигида)
5630200-Сув хўжалигида экология хавфсизлиги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.

***Магистратура мутахассисликлари:***

| | |
|---|---|
| 5A232401 | Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш |
| 5A311001 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (сув хўжалигида) |
| 5A313101 | Геодезия ва геоинформатика |
| 5A410701 | Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш |
| 5A430101 | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш |
| 5A430601 | Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти |
| 5A430602 | Сув хўжалигида Smart (интеллектуал) ўлчаш тизимлари ва асбоблари |
| 5A450202 | Мелиорация ва суғорма деҳқончилик |
| 5A450205 | Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш |
| 5A450206 | Сув тежамкор суғориш технологиялари |
| 5A450207 | Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва бошқариш |
| 5A450301 | Гидромелиоратив ишларини механизациялаш |
| 5A450401 | Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлиги |
| 5A450402 | Насос станцияларидан ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси |
| 5A630201 | Сув хўжалигида экология хавфсизлиги |
| 5A430503 | Интеллектуал датчиклар ва технологиялар |
| 5A450208 | Сув сифатини бошқариш |
| 5A630101 | Атроф муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлар) |
| 5A630101 | Атроф муҳит муҳофазаси (Халқаро ер ва сув ресурсларини бошқариш) |
| 5A630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (масофадан зондлаш) |
| 5A630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (атроф мухит менеджменти) |
| 5A630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ ва сув хўжалиги) |

бўйича магистрантлар тайёрланмоқда.

Институт таянч бўлган ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича талабаларда амалий кўникмани тўла шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 6 июлдаги «Олий таълим йўналишлари бўйича ва мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги 87-02-1379-сонли модемаграммасига асосан малака талаблари ва Ўқув режаларининг янги авлоди яратилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2016 йил 21 августдаги 303- сонли буйруғи билан тасдиқланди.

Намунавий ўқув режалар асосида ҳар бир бакалавриат таълим йўналишлари учун мос равишда ишчи ўқув режалари яратилган ва институтнинг 2017 йил 27 августдаги 336 А/Ф сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Институтдаги барча фанлар бўйича намунавий фан дастурлари тузилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб таълими илмий-услубий ва ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорлари билан тасдиққа тавсия қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 21 августдаги 303 - сонли буйруғи билан тасдиқланди. Уларга мос равишда ишчи фан дастурлари яратилди ва тасдиқланди.

Магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари, Ўқув режалари ва фан дастурларининг янги авлоди яратилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича барча фанлардан ишчи фан дастурлари тайёрланди ва белгиланган тартибда тасдиқланди.

***2.2. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилиши, бажарилиши ва унинг услубий таъминоти.***

Институтда талабалар билимини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 декабрь 470-сонлибуйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом» асосида жорий этилган.

Юқоридаги ҳужжат асосида институт ректорининг 2014 йил 9 январь куни «Институтда талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 11 А/Ф - сонли буйруғи чиқарилди ва ТИКХММИда ўқув жараёнини ташкил қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда институт Низоми ишлаб чиқилди. Низомга кўра, 1, 2, 3 ва 4- курс талабаларининг фан бўйича тўпланган рейтингини фанга ажратилган умумий ўқув юкламасидан аниқланди.

Рейтинг тизимидаги баҳолаш босқичларини ўтказиш муддатлари институтнинг 2020-2021 ўқув йили Ўқув жараёни графигига киритилди. Институтда талабалар билимининг ўзлаштириш кўрсаткичлари фанга ажратилган ўқув юкламасидан катъий назар, рейтинг натижаларини таҳлил этишни соддалаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда давоматни ва ўзлаштиришни ошириш мақсадида барча фанлар бўйича рейтинг баллари институтнинг 2014 йил 29 августдаги 365 А/Ф–сонли буйруғи асосида тақсимланди.

Ушбу масала бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди ва ҳар бир талабага «Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Эслатма» (Ўзбек ва рус тилида) тарқатилди.

Институтда «Якуний назорат» (ЯН) асосан ёзма иш усулида

ўтказилди. Уни амалга ошириш учун ёзма иш саволлари тўплами ишлаб чиқилди. Саволлар тўплами кафедраларнинг эълонлар тахтасига илиб қўйилди. Талабаларга қайси фандан ЯН ёзма иш шаклида ўтказилиши семестр бошида етказилди.

«Жорий назорат» (ЖН) ёзма иш, оғзаки, тест компьютер қабули шаклларида ўтказилди. Семестр бошида ЖН бўйича қўйиладиган талаблар талабаларга билдирилди. Саволлар тўплами, уйда бажариладиган ишлар, оғзаки саволлар, ёзма саволлар тўплами билан талабалар аввалдан таъминландилар.

«Оралиқ назорат» (ОН) ёзма иш, оғзаки, компьютер тести, ёзма тест усулларида ўтказилди. Талабалар ўқув йили бошида саволлар тўплами ва усуллари билан олидиндан таништирилди.

Талаба ўқитувчи томонидан баҳоланганидан сўнг кафедранинг рейтинг ойнасига ёки журналига ёзиб қўйилди. Кафедра бўйича рейтинг натижалари тўпланиб бўлинганидан сўнг, кафедра мажлисида натижалар муҳокама қилинди. Кейин кафедралар бўйича баҳолаш натижалари деканатларда тўпланди.

Факультетларда жамоатчилик асосида рейтинг тизими мониторингини олиб борувчи декан ўринбосари ва алоҳида мониторинг хонаси мавжуд бўлиб, барча маълумотлар компьютерга киритилди ва факультет бўйича натижалар факультет илмий кенгашида мунтазам таҳлил қилиниб келинди.

Ўқитувчиларнинг рейтинг тизимини назоратини ташкил қилиш, ўтказиш ва баҳолаш тартиби кафедра мудири томонидан назорат қилинди.

Факультет миқёсида эса факультет декани ва унинг муовинлари назоратида амалга оширилди.

Ўқув-услубий бошқармаси томонидан институтда жорий этилган талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими бажарилиши ва унинг услубий таъминоти доимо назорат қилинди. Аввало баҳолашларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун уларни ўтказилиш муддати институт ўқув жараёни графигига киритилди. Институт локал тармоғи орқали жамланган баҳолаш турлари бўйича маълумотлар Ўқув услубий бошқармаси томонидан умумлаштирилди, натижалар институт Илмий кенгашида таҳлил қилинди ва ўзлаштиришни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

***2.3. Талабаларнинг давомати ва ўзлаштириши, уларни яхшилашга қаратилган тадбирлар ва тадбирларнинг натижалари.***

Институт талабаларининг давомати ва ўзлаштириши доимий равишда раҳбарият, Ички назорат ва мониторинг бўлими, Ўқув–методика бўлими, факультетлар деканлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда гуруҳларнинг устозлари назоратида бўлди.

Давоматни кўтаришда асосан тарбиявий ва тушунтириш ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” қарори ҳамда институт ички-тартиб қоидалари асосида олиб борилди.

Институтда сабабсиз 30 соат дарс қолдирган талабаларга «ҳайфсан», 45 соат дарс қолдирганларга эса «қатъий ҳайфсан» эълон қилиниб, ота-оналари хат орқали чақиртирилди ҳамда махсус «Ота-оналар журнали»да қайд қилиниб, улардан тушунтириш олинди. 74 соатдан ортиқ сабабсиз дарс қолдирган талабалар ректор буйруғи билан талабалар сафидан чиқарилди.

Талабаларнинг ўзлаштиришини ошириш мақсадида уларга барча шароитлар яратилишига ҳаракат қилинди: консултациялар ташкил қилиниши, маъруза матнлари электрон версияси банкининг яратилиши, ётоқхоналарда компьютер синфлари ва кутубхоналар ташкил қилиниши, таътил даврларида ҳам ўқитувчиларнинг навбатчилигини ташкил қилиниши шулар жумласидандир.

Талабаларнинг давомати ҳар куни назорат қилинди, ўзлаштиришлари эса институт Илмий Кенгаши қарори билан белгиланган муддатларда факультет мониторинг бўлимида жамланди ва таҳлил қилинди Натижада ўртача давомат 94- 95 % ва ўзлаштириш 95- 96 % ни ташкил этди.

### *2.4. Янги педагогик ва ахборот технологияларнинг жорий этилиши, натижалари.*

Институтда янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялари: электрон дарслик, дарсларни тақдимот шаклида, тарқатма материаллар ёрдамида, видеофильмлар орқали, маъруза матнларининг электрон версиялари ёрдамида, интерактив очиқ мулоқот шаклларида жорий этилган. Жумладан, очиқ лекцияларнинг барчаси янги педагогик ва ахборот технологиялари бўйича ўтилди.

Институтда янги педагогик технологиялар бўйича ўқув жараёнини фаол ташкил қилган кафедралар Гидравлика, Гидрология ва гидрогеология, Гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш, Ирригация ва мелиорация, Экология ва сув ресурсларини бошқариш, Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси, Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари, Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш, Назарий ва қурилиш механикаси, Гидромелиоратив ишларни механизациялаш, Сув хўжалигида электр таъминоти ва электр жихозлардан фойдаланиш, Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш, Умум техник фанлар, Ердан фойдаланиш ва ер кадастри, Геодезия ва ер кадастри, Олий математика, “Иқтисод”, “Менежмент” кафедралари бўлиб, бу кафедраларда электрон дарслик, дарсларни тақдимот шаклида, тарқатма материаллар ёрдамида, видеофильмлар орқали, маъруза матнларининг электрон версиялари ёрдамида очиқ мулоқот шаклида олиб борилди.

Гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш факультетида Гидротехник иншоотлар макетлари, уларни компьютерлашган моделларидан фойдаланиб, муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг талабаларни ақлий фаолиятини жадаллаштириш каби интерактив янги педагогик усуллардан фойдаланиб маърузалар ўқилди ва амалий дарслар олиб борилди. Жумладан, очиқ лекцияларнинг барчаси янги педагогик ва ахборот технологиялари бўйича ўтилди.

### *2.6. Кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашга қаратилган фаолият.*

**I. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим тизимига оид Фармон ва қарорлари ҳамда юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 2021 йилда ўтказиладиган “Олий таълим муассасалари, академик лицей раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси ва тингловчилар контингентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 670 - сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

**II. Таълим дастурлари, ўқув-методик таъминот.** Барча малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишлари (“Сув хўжалиги ва мелиорация”, “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш”, “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш”, “Ер тузиш ва ер кадастри”, “Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш”, “Ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш” ва “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш”, “Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис”, ”Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш”, “Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш” ва “Ирригация тизимларида гидротехника объектлари”) бўйича ўқув режа ва дастурларга мос келувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг 43 та мутахассис фанлар модуллари бўйича ўқув-услубий мажмуалар тайёрланди. Уларнинг мазмуни, назарий ва амалий машғулотлар материаллари, мустақил таълим мавзулари ва кейслар ушбу модулларнинг номланишига, уларнинг мақсад ва вазифаларига мос келади, тингловчиларнинг мазкур модуллар бўйича билим, кўникма, малакаларини (компетенцияларини) оширишга хизмат қилади. Фойдаланилган адабиётлар, жумладан хорижий адабиётлар ўқув-услубий мажмуалар мазмунида ўз ифодасини топган. Маъруза матнлари ва тарқатма материаллар мавжуд. Малака ошириш жараёнига замонавий педагогик технологиялари жорий этилди. Ҳар бир йўналишлар бўйича битирув ишлари мавзулари банки тайёрланиб, тасдиқланди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ҳар бир махсус фан модули учун 100 тадан тест саволлари жами 4300 тадан кўпроқ тест саволларини қамраб олган тестлар базаси яратилди. Тест саволлари ўқув режа

ва дастурлар мазмунига мос келади. Ҳар бир модул учун тайёрланган тест саволларига тегишли мутахассислар томонидан эксперт хулосалари олинди.

Марказда **10 та** қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Марказнинг йиллик режаси **86 нафар** бўлиб, бугунги кунга қадар **87 нафар** тингловчи малака оширди. Ярим йиллик режанинг бажарилиши **101 фоизни** ташкил этмоқда. Малака ошириш курсларида дарс бериш учун **34 нафар** педагог кадрлар жалб этилган бўлиб, уларнинг **5 нафари** фан доктори, профессор, **26 нафари** фан номзоди, доцент ҳамда **3 нафари** катта ўқитувчилар. Барчаси профессор-ўқитувчилар соатбай асосида фаолият юритмоқда. Илмий салоҳият **91 фоизни** ташкил этади. Тингловчиларнинг кўчма ва амалий машғулотларини ўтказиш учун **2 та** илмий-тадқиқот муассасаси ҳамда **5 та** ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўқув машғулотларини олиб бориш учун **5 та** аудитория, **2 та** компьютер хонаси, **5 та** видеопроектор, **2 та** электрон доска ажратилган.

**Курсларнинг ўқув жараёнига хорижий мутахассисларнинг жалб этилганлиги.**

| № | Хорижий мутахассислар иштирокидаги дарслар | Америка | Европа | Осиё | МДҲ | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ташриф буюрган | - | - | - | - | - |
| 2. | Онлайн жалб этилган | - | 2 | 2 | 3 | 7 |
| | **Жами** | **-** | **2** | **2** | **3** | **7** |

**Масофавий курсларда онлайн машғулотларни ташкил этилганлиги.**

| № | Онлайн машғулотларни олиб борганлар | Ўтказилган вақти | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Февраль | Март | Апрель | Май-июнь | Жами |
| 1. | Хорижий мутахассислар | 1 | 2 | 2 | 2 | 7 |
| 2. | Профессор-ўқитувчилар | - | - | - | - | - |
| | **Жами** | **1** | **2** | **2** | **2** | **7** |

## III. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини ташкил этиш

2021 йил январь ойида “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш” йўналиши бўйича режада 16 нафар профессор-ўқитувчидан 16 нафар, февраль ойида “Сув хўжалиги ва мелиорация” йўналиши бўйича режада 17 нафар профессор-ўқитувчидан 17 нафар ва “Кишлок хужалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” йўналиши бўйича режада 8 нафар профессор-ўқитувчидан 8 нафар, март ойида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналиши бўйича режада 29 нафар профессор-ўқитувчидан 26 нафар, апрель ойида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналиши бўйича режада 11 нафар профессор-ўқитувчидан 16 нафар ва “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш” йўналиши бўйича режада 4 нафар профессор-ўқитувчидан 4 нафар, июнь ойида “Сув хўжалигни ташкил этиш ва бошқариш” йўналиши

бўйича режада 9 нафар профессор-ўқитувчидан 9 нафар, 2021 ярим йилда режа бўйича 95 нафар тингловчидан 96 нафар (101%)и қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида қатнашди (1-илова).

**IV. Маънавий-маърифий ишлар** Тингловчиларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш мақсадида марказ раҳбарияти бошчилигида ҳар бир курс тингловчилари билан институтда ташкил қилинадиган маънавий-маърифий тадбирларда, учрашувларда, марказ томонидан ўтказиладиган тадбирларда доимий иштироки таъминлаб келинмоқда.

Тармоқ марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг олий таълим масалаларига оид қарор, фармон, фармойиш ва нутқларининг мазмун-моҳиятини тингловчиларга етказишга қаратилган туркум тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Чора-тадбирлар режаси тармоқ маркази касаба уюшма ташкилоти билан бирга ишлаб чиқилди, Тармоқ маркази ишчи-ходимлари ва тингловчилар билан давра суҳбатлари ўтказилди ва белгиланган топшириқлар бажарилди.

Тармоқ марказида маънавият-маърифат хонаси мавжуд ва қуйидаги жиҳозлар билан таъминлаган: аудио-видео техника, доска, мебел, минбар, ижтимоий-сиёсий саводхонликни оширишга доир адабиётлар, бадиий ва тарихий асарлардан намуналар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маънавий-маърифий тарғибот материаллари ва адабиётлари, ҳамда ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий йўналишга оид газета ва журналлар алоҳида жавонларга жойлаштирилган.

Шунингдек, маънавият-маърифат хонасидаги компьютер техникаси маълумотлар базасида соҳага оид ҳамда маънавий-маърифий йўналишларга доир бадиий адабиётларнинг электрон шакллари мавжуд. Улардан, тингловчилар ва Тармоқ маркази маънавият-маърифат хонасига ташриф буюрган талаба-ёшлар фойдаланиб келмоқдалар.

**V. Халқаро ҳамкорлик ва илмий-тадқиқот ишлари**

**1.** Жорий йилни 12 феврал куни соат 10:00 да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Россия Федерациясининг Ерни Бошқариш Давлат Университети (Государственный Университет по землеустройству) Профессор академики, Хлстун Виктор Николаевич иштирокида **“Землеустройство как один из основных институтов управления земельными ресурсами”** мавзусида тингловчиларга ва талабаларга онлайн семинар ташкил этилди.

**2.** Жорий йилни 17 март куни соат 11:00 да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Хитойнинг “**Hohai university**” нинг **“College of Hydrology and water resources”** факултети профессори Zhou Jianxu томонидан

**“Hydroelectric Engineering”** мавзусида Voov меетинг дастури орқали ўқитувчиларга ва халқаро талабаларга онлине семинар ташкил етилди.

**3.** Жорий йилни 19 март куни соат 11:00 да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Хитойнинг “**Hohai university**” нинг **“College of Hydroelectric Engineering ”** факултети профессори （周建旭）Zhou Jianxu томонидан **“Hydropower Intake”** мавзусида Voov меетинг дастури орқали ўқитувчиларга ва халқаро талабаларга онлайн семинар ташкил этилди.

**4.** Жорий йилнинг 3 апрель куни Тошкент вақти билан соат 13:00да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Швеция давлатининг Линкöпинг коммунидаги Ер тузиш корхонаси ер тузувчи мутахассиси (лантмäтаре) Жамшид Журабойев томонидан **"Ер тузишда географик ахборот тизими (ГАТ)дан фойдаланиш - Швеция мисолида"** мавзусида ЗООМ дастури орқали тингловчиларга ва талабаларга онлине вебинар ташкил этилди.

**5.** Жорий йилнинг 21 апрел куни Тошкент вақти билан соат 13:00да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Россия Федерациясининг Россия Давлат Аграр Университети т.ф.д. профессори Виктор Балабанов томонидан **“Қишлоқ ва сув хўжалигида робот тизимларининг ривожланиш босқичлари”** (Этапы развития роботизированных систем в сельском и водном хозяйствах) мавзусида Зоом дастури орқали тингловчиларга ва талабаларга онлайн вебинар ташкил этилди.

**6.** Жорий йилнинг 17 май куни Тошкент вақти билан соат 11:00да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Лейда университети профессори Ф.Сабате томонидан **“Ознакомление заинтересованных сторон Узбекистана с подходами по развитию биоэкономики в Латвии, Литве и Финляндии”** мавзусида Зоом дастури орқали тингловчиларга ва талабаларга онлайн семинар ташкил етилди.

**7.** 2021 йил 18 июн куни соатни 13:00 да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида «**Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш**» йўналиши қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчилари учун Қозоғистон

Республикасининг Тараз Давлат Университети доценти, PhD докторанти Жамалхан Изтелеуович Минарбеков иштирокида **«Сув хўжалиги менежменти»** мавзусида онлайн вебинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) ўртасида Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) билан ҳамкорликда "Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш (Хазорбоғ-Оққапчиғай канал тизимини реконструкция қилиш)" лойиҳаси доирасида Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси салоҳиятини ошириш мақсадида амалга ошириш режалаштирилган ўқув курсларини ташкил этиш бўйича 2021 йил 15 январда IWRMISR/01 – сонли шартнома имзоланган бўлиб, тармоқ маркази томонидан ушбу малака ошириш ўқув тренинг курслари бўйича Сурхондарё вилоятида 29 мартдан 1 майга қадар 160 нафар тингловчиларининг малакаси оширилди ва Тошкент шаҳрида 14 июнидан 26 июнга қадар Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари мутахассис (42 нафар тингловчи)ларини малакаси оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 11 июндаги null – 02789 – сонли хатига мувофиқ тармоқ марказида жорий йилнинг 28 июнидан масъул вазирликлар ва идораларнинг давлат кадастрларини юритишга масъул ходимлари учун “Давлат кадастрлари ва геоахборот технологиялари” йўналиши бўйича 40 соат ҳажмда малака ошириш курсларини ташкил элиши келишиб олиниб, режага мувофиқ жорий йилнинг июнь ойида 24 нафар, июль ойида 103 нафар ва август ойида 64 нафар жами 191 нафар ходимларни малака ошириш курсларининг белгиланган муддатларида иштирок этишларини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

2021 йил 19 мартда Вазирлар Маҳкамасини томонидан 150 – сонли қарори тасдиқланиб, жорий йилнинг сентябр ойидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар раҳбар ходимларининг тармоқ марказида 350 нафари малака ошириши режалаштирилган.

## VI. Тармоқ марказининг моддий-техник базасини ривожлантириш

2021 йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини юқори савияда ташкил этиш учун 44 та интернет тизимига уланган замонавий компьютерлар ва видеопроектор билан жиҳозланган 2 та компьютер хоналари, видеопроектор ва электрон доскалар билан жиҳозланган 2 та ўқув аудиторияларидан фойдаланилди. Тармоқ марказининг 4 та хонасига

замонавий 4 та видекамера ўрнатилиб, дарслар таҳлил қилиш учун қулай шароит яратилди

**ТИҚХММИ ҳузуридаги тармоқ марказида 2021 ярим йилда педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш режасининг бажарилиши**

| ТИҚХММИ | | Бошқа ОТМлар | | 2021 йил июн ҳолати | |
|---|---|---|---|---|---|
| Режа | Амалда | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| 51 | 53 | 44 | 43 | 95 | 96 |

***2.7. Малакавий амалиётларнинг ташкил этилиши.***

Институт талабаларининг малакавий амалиётлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 ноябрь 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида Низом”га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июнь 07-03-15-23-сонли баённомаси ҳамда институт ректорининг 2014 йил 28 июндаги 283 - А/Ф сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосан ташкил этилади. Дастурга асосан жорий ўқув йилида институтда бажариладиган ишлар режаси тузилган. Режага асосан малакавий амалиётларни ўтиш жадвали тузилган ва тасдиқланган.

Институт бўйича 36 та кафедрадан 20 тасида малакавий амалиётлар ўтказилади. Яъни 18 та таълим йўналиши бўйича 28 та ўқув амалиёти, 18 та малакавий ишлаб чиқариш амалиётлари ва 18 та БМИ олди амалиёти шартнома асосида корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади. Бунда амалиёт бошланишидан олдин талабалар амалиётини ўтказиш дастури ва календарь жадвали амалиёт объектлари билан келишилди.

Амалиёт раҳбарлари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайинланди. Фан, техника ва маданиятнинг энг янги ютуқлари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, уни илмий ташкил этиш, бошқариш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича амалиёт объектлари маъмурияти билан биргаликда мутахассисларнинг маърузалари ташкил этилди. Талабалар ва амалиёт объектлари дастурлар билан таъминланди. Объектлардаги талабалар амалиётининг ташкил этиш тартиби ва ўтказилиши ҳамда амалиёт муддати ва мазмунига риоя қилиниши назорат қилинди. Барча бакалавриатура йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида малакавий амалиётлар икки хил мақсад - маълум йўналиш бўйича талабанинг ишлаб чиқариш тўғрисидаги кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда малака–битирув иши ва магистрлик диссертацияларига материаллар йиғиш учун ташкил қилинди. Малакавий амалиётларни ташкил қилишда албатта, талаба бажарадиган

малака битирув иши ҳамда магистрлик диссертацияларининг мавзуларини ҳисобга олган ҳолда амалиёт объекти танланди.

### *2.8. Мониторинг ва ички назорат бўлимининг фаолияти*

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқ ва Ҳайъат қарорлари ва Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид таҳлилий мониторинг маълумот. (2021 йил 1-январдан 20-сентябргача) 1-жадвал

1. 2021 йилнинг 1 - январдан 20 - сентябргача бўлган муддатда институтга Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, фармойишлари, қарорлари ва кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, топшириқлари, вазирликларнинг буйруқлари ва кўрсатмаларидан жами бўлиб 1274 та ҳужжатлар кирим қилинган.

Шулардан асосийлари:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига оид ОЎМТВ буйруқлари - 5 та;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорларига оид ОЎМТВ буйруқлари -15 та;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига оид ОЎМТВ буйруқлари –26 та;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари- 81та, Ҳайъат Қарорлари – 9та, модемномалари ва хатлари –1042 та;
- Бошқа ташкилотлардан келган ҳужжатлар – 96 та.

| № | Ҳужжатлар юборган ташкилотлар номи | Келиб тушган ҳужжатлар жами | | Шу жумладан | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Муддатда бажарилгани | | Муддатидан кечикиб бажарилгани | | Ҳозирча бажарилмаган | |
| | | сони | % | Сони | % | сони | % | сони | % |
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари | 20 | 100 | 20 | 100 | | | | |
| 2. | Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари | 37 | 100 | 26 | 100 | | | | |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарори, буйруғи, хати, модемномаси | 1132 | 100 | 1009 | 93 | 80 | 4 | 8 | 0,3 % |
| 4. | Бошқа ташкилотлардан келган хатлар | 96 | 100 | 44 | 100 | | | | |
| **ЖАМИ** | | **1274** | **100** | **793** | **97%** | **14** | **2%** | **6** | **0.8 %** |

**Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқ ва Ҳайъат қарорларига оид таҳлилий мониторинг маълумот.**

**(2021 йил 1–январдан 20 – сентябргача) 2-жадвал**

| № | Бўлимлар | Келиб тушган хужжатлар | | Муддатда бажарилгани | | Муддатидан кечикиб бажарилгани | | Ҳозирча бажарилмаган | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | % | сони | % | сони | % | сони | % |
| 1 | Биринчи проректор | 477 | 100% | 477 | 100% | | | | |
| 2 | Ўкув ишлари бўйича проректор | 226 | 100% | 226 | 100% | | | | |
| 3 | Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор | 218 | 100% | 205 | 94% | 10 | 2,8% | 3 | 2,8% |
| 4 | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор | 173 | 100% | 116 | 100% | | | | |
| 5 | Халқаро хамкорлик бўйича проректор | 95 | 100% | 89 | 93,7% | 4 | 4,7% | 1 | 1,6% |
| 6 | Молия-иқтисодиёт ишлари бўйича проректор | 46 | 100% | 44 | 94% | 1 | 3% | 1 | 3% |
| 7 | Ахборот ресурс маркази | 4 | 100% | 4 | 100% | | | | |
| 8 | Кадрлар бўлими | 7 | 100% | 7 | 100% | | | | |
| 9 | Бошқа бўлимлар | 28 | 100% | 20 | 70% | 8 | 30% | | |
| **Жами** | | **1274** | **100%** | **1235** | **97%** | **30** | **0.2%** | **9** | **0.1%** |

2021 йил **январь-сентябрь** ойларида жисмоний ва юридик шахслар томонидан жами **141 та** мурожаат келиб тушди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали жами **27 та** мурожаат келиб тушди. Шунингдек, ёзма мурожаатлар **15 та**, институт вертуал қабулхонасига келиб тушган электрон мурожаатлар **73 тани** ташкил қилди. Ушбу мурожаатларда кўрсатиб ўтилган масалалар институт ишчи гуруҳи томонидан батафсил ўрганиб чиқилиб, натижаси бўйича мурожаатчиларга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ёзма равишда жавоб хати йўлланди.

Кўрмасдан қолдирилган мурожаатлар мавжуд эмас. **6 та** Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаат ва 2 **та** институт вертуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар ўрганиш жараёнида. 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида институтга келиб тушган мурожаатларнинг асосий қисми ётоқхона, ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳамда суперконтрактга оид бўлган мурожаатлардир.

Бундан ташқари бўлимда охирги ойларда қилинган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари ҳамда таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни электрон хужжатлар алмашинуви тизимида http://interaktiv.tiiame.uz мунтазам назорат қилиб борилди.

2.Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 139-сонли буйруғтга асосан ҳамда 2021 йил 25 мартдаги 87-01-334 хатига асосан институтимиз 1-апрелдан **Ijro.gov.uz** идоралараро ягона электрон хужжат айланиш тизимида мунтазам назорат қилиб борилди.

3.Бўлимда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан иш юритиш ва ижро назорати таъминланди.

4. 1-босқич талабалар ўртасида ўтказилаётган якуний назоартларни холислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини назорат қилиниб, маълумот Ўқув ишлари бўйича проректор Б.Худаяровга етказилди.

5. Бўлимга кирувчи ва чиқувчи хат-ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва рўйхатдан ўтказиш.

6. 2021-2022 ўқув йили учун институтда ташкил қилинган “Call center” ҳамда “Консультация хонаси”ни ташкил этиш ва иш жараёни давомли назорат қилиниб борилмоқда.

7. Ҳисоб палатасига жўнатилиш керак бўлган жадвалнинг 3-иловасидаги 2017/2018 - 2018/2019 ўқув йилларида оширилган тўлов-контракт асосида

ўқишга қабул қилинган талабалар тўғрисида маълумот рўйхат шакллантирилди ва хар битта буйруқ билан мослигини текшириб чиқиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

8. 2021/2022 ўқув йили олий таълим муассасаларига кириш тест синовларида иштирок этадиган гуруҳ назоратчи номзодлар ҳақида ДТМ томонидан юборилган охирги бухгалтерия жадвали шакллантирилди ҳамда Паспорт копия, ИНН ва ИНПС маълумотларининг pdf варианти илова қилининиб кўрсатилган манзилга жўнатилди.

9. Институтда ташкил этилган ПЎларни вакцинация олиш бўйича маълумотлар кафедралар ва бўлимлар кесимида шакллантирилди.

10. 2021 йил 10 июндаги институт Виртуал қабулхонасига фуқаро Қурбанова Лейладан келиб тушган 632/21-сонли мурожаат юзасидан жавоб хати тайёрланиб Д.Юлчиевга етказилди.

11. 2021 йил 14 июндаги 19/ф фармойишига кўра Институт профессор-ўқитувчиларининг 2020/2021 ўқув йили 14,15,16,17 бандлари натижалари таҳлил қилинмоқда.

*2.9. Давлат аттестация комиссияси фаолияти, натижалари.*

Жорий 2020-2021 ўқув йилида, институт ректори ва Илмий кенгашининг тавсияларига биноан битирувчиларнинг битирув малакавий ишлари мавзуларининг долзарблигига, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги муаммолари билан боғлиқлигига алоҳида эътибор берилди.

Битирув ишларини бажаришда раҳбарлик этувчи кафедралар томонидан тавсия этилган битирув малакавий ишлар мавзулари институт факультетлари Услубий кенгашларининг махсус мажлисларида кўриб чиқилди.

Ушбу муҳокамада Давлат аттестация комиссиясининг раислари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг бўлим бошлиқлари иштирок этиб, БМИлар мавзуларининг долзарблигини эътироф этдилар.

Бундан кейин институт ректорининг буйруғи билан битирув малакавий ишларининг мавзулари, иш раҳбарлари 4 курс талабаларига бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 апрелдаги 365-сонли буйруғи ҳамда институтнинг 2021 йил 26 апрелдаги 396 - сонли буйруқларига асосан барча ДАКлар ўз муддатида ўтказилди. ДАК ҳисоботлари йиғилди ва институт илмий кенгашида кўриб чиқилди.

1) 2020-2021 ўқув йилида Институтда фаолият кўрсатган ДАКлар тўғрисида институт ректорининг буйруғига асосан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги «Низом» га асосан ташкил этилган. 2020-2021 ўқув йилида институтда жами 48 та ДАК фоолият кўрсатган.

Шу жумладан, бакалавриат таълим йўналишларида 23 та, магистратура мутахассисликларида 25 та. Шунингдек, бакалавриат йўналишларида тарих ва чет тили фанлари бўйича якуний аттестация синовларини қабул қилиш учун 2

та ДАК ва битирув малакавий ишлар химояси учун 21 та ДАК, магистратура мутахассисликларида гуманитар фанлар бўйича 2 та ДАК, магистрлик диссертациялари ҳимояси бўйича 23 та ДАК фаолият кўрсатганлар.

2) 2020-2021 ўқув йилида фаолият кўрсатган барча ДАК таркиблари институт ректори буйруқлари билан тасдиқланган.

ДАК ҳисоботларидаги ҳимоя қилган талабалар таркиби, институт ректори буйруғи билан тасдиқланган таркибга асосан мос келади. Аммо ДАК ҳисоботларида институт буйруғига нисбатан фарқлар аниқланди.

3) ДАКлар фаолият кўрсатган барча бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича 28-шаклдаги баённома журналлари мавжуд, улар талаб даражасида юритилган ва расмийлаштирилган. ДАК ҳисоботлари асосан ушбу баённомаларга мос равишда тузилган.

4) БМИ ва МД расмий ҳимояларидан олдин дастлабки ҳимоялар деканатлар фармойишлари асосида ташкил этилган ва баённомалар билан расмийлаштирилган.

5) ДАК ҳисоботлари тегишли факультетлар Илмий Кенгашларида муҳокамадан ўтказилган ва баённомалар расмийлаштириб қўйилган,

6) Бошқа институтлардан таклиф этилган профессор-ўқитувчилар учун соатбай ҳисобида маош тўланган.

# 3. ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИШЛАР

*3.1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг янги авлод дарсликлар, ўқув қўлланмалар билан таъминланганлиги.*

Ҳозирги кунда институтда 18 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 15 та мутахассислик бўйича магистрлар таълим олмоқда. Фанларнинг бакалавриат йўналишлари бўйича янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси институт бўйича ўзбек тилида кирилл алифбосида 100 %, лотин алифбосида 100 % ҳамда рус тилида 100 % ни ташкил этади. Шу билан бирга ушбу кўрсаткичлар магистратура мутахассисликларида мос равишда 100 %, 100 % ва 100 % га тенг.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликларини дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлоди билан таъминлаш борасида институт профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув адабиётлари тайёрланиб келинмоқда.

Институтда кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича экспертиза ўтказилиб, етишмаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда методик қўлланма ва методик кўрсатмалар аниқланади. Шу асосда институт бўйича нашр учун тайёрланадиган ўқув-методик ишлар режаси ишлаб чиқилади.

Ҳар бир кварталда бир марта ўқув адабиётларнинг муаллифлари билан учрашув ўтказилиб, режанинг бажарилиш ҳолати бўйича мониторинг ўтказилиб борилади.

*3.3. Компьютер ўқитув дарслари, электрон ўқув қўлланмалар яратиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш.*

Институтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 10 февралдаги 23–сонли буйруғи билан қабул қилинган дастурга мувофиқ электрон ахборот–таълим ресурслари мажмуасини яратиш кенг йўлга қўйилган. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан «Электрон ахборот таълим ресурслари» мажмуаси фан дастурлари асосида тайёрланиб, институт илмий-методик кенгашининг қарорига биноан Ziyo-Net тармоғига жойлаштирилди.

Ҳозирги кунда 346 дан ортиқ электрон ахборот таълим ресурслари мажмуасини Ziyo-Net тармоғига жойлаштириш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилди.

Электрон дарсликлар ва компьютер ўқув дастурини ўқув жараёнига тадбиқ этиш борасида институтда бугунга қадар ТИКХММИ кутубхонасида 1000 номдан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалар рақамлаштирилиб талабаларга фойдаланиш учун ҳавола этилмоқда.

*3.4. Лаборатория-амалий машғулотларнинг, курс ишлари ва лойихаларининг, битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертациялар ва малакавий амалиётларининг услубий таъминоти.*

Институтда барча таълим йўналишлари бўйича жами 140 та фандан лаборатория ва тажриба ишлари мавжуд бўлиб, уларнинг моддий-техника таъминоти ҳамда услубий таъминоти 100 % ни ташкил этади. 169 та фандан курс иши ва лойиҳалари мавжуд бўлиб, уларнинг услубий таъминоти 100 %

ни ташкил этди. Институтда мавжуд барча таълим йўналишларида битирув малакавий ишлари бажарилиб, малакавий амалиётлар ўтказилди. Уларнинг услубий таъминоти 100 % ни ташкил этади. Институтда мавжуд магистратура мутахассисликлари бўйича магистрлик диссертациялар ёзилиб, уларнинг услубий таъминоти эса 100% ни ташкил этади.

*3.5. Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш ва унинг услубий таъминоти.*

Талабаларнинг мустақил ишлари «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома»га асосан ташкил этилган.

Ушбу йўриқнома асосида институт ректорининг 2009 йил 10 октябрь 241А/Ф сонли буйруғи чиқарилган. Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фан хусусиятларини, шунингдек, хар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини хисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланилди: айрим назарий мавзуларни ўқув ва илмий адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш, хисоб-график ишларини бажариш, назарий билимларини амалиётда қўллаш ечимини топиш, илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш. Талабалар мустақил ишни бажариши учун услубий манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қилди. Институтда талабаларга мустақил ишларни ўз вақтида бажариши учун компьютер техникаси ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар мавжуд.

***3.6. Ахборот – ресурс маркази фаолияти. Ахборот-ресурс маркази ва ўқув залларини замонавий техникалар билан жихозлаш ва уларнинг самарадорлиги.***

Ахборот-ресурс марказининг 2021-2022 ўқув йилидаги асосий вазифалари :  - Ахборот технологиялари ёрдамида фойдаланувчи талабаларга мунтазам таълим олишларида кўмаклашиш;

- миллий, маънавий-маърифий бойликларнинг кенг тарғиботини олиб бориш, баркамол ва маънавий бой ёшларни ижодий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш;
- фойдаланувчи талабаларга, профессор-ўқитувчиларга ва бошқа тоифадаги китобхонларга интернет ва ахборот - кутубхона хизматларини замонавий ахборот технологиялари асосида кўрсатиш;
- барча фойдаланувчилар учун кўп тармоқли ахборотни шакллантириш ва маълумот-ахборот захира, маълумотлар базаси ҳамда бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган талабларини эътиборга олган ҳолда кутубхона-ахборот фондини шакллантириш;
- турли ташкилотлар билан ҳамкорлик асосида АРМ ишини такомиллаштириш;

- режалаштирилган кўрсаткичларни бажаришдан иборат бўлди.

## 2. Ахборот - ресурс марказининг фонди:

**2021 йил ҳолатига 86631 номда 639066 нусха** босма нашрларни ташкил этди. Жорий йил давомида АРМ ўз фондини **1650 нусхадаги** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб - ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, нашриётлар, китоб савдо магазинлари, ТИҚХММИ профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилиб, институт босмахонасида нашр этилган адабиётлар ҳисобига тўлдириб борди.

## 3. Ахборот - ресурс марказидан фойдаланиш кўрсаткичлари 2021 йилда:

**Фойдаланувчилар сони - 7243**

**Йиллик давомат (ташрифлар) сони - 278.870**

**Китоб берилиши - 484.796 ташкил этди.**

Шу билан бир қаторда Ахборот-ресурс маркази томонидан маҳаллий аҳоли жумладан, Қуролли кучлар академияси, Тошкент давлат транспорт университети талабалари, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали ўқитувчилари, “Уздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Бухоро давлат университети, Қорақалпоқистон давлат университети ва бошқа мустақил изланувчи (фойдаланувчилар)га ҳам ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилди.

## 4. Фондни шакллантириш ва ҳисобга олиш кўрсаткичлари

АРМ нинг китоб фонди - 639066 нусха

Шу жумладан ўқув адабиётлар - 288051 нусха

Тўлиқ матнга эга ресурслар – 36729

Бибилиографик ёзувларнинг умумий сони - 103. 325 улардан электрон каталог хажми - 55.188 ни ташкил этди.

## Ахборот-ресурс марказининг бўлимлари томонидан бажарилган ишлар

Ахборот –кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлимининг 2021-2022 ўқув йилидаги асосий вазифаларидан бири:

- институтнинг ва маҳаллий аҳолининг барча турдаги фойдаланувчиларига хизмат кўрсатиш;
- 1-босқич талабалари ва магистрларини ҳамда янги келган талаба, профессор-ўқитувчиларни кутубхонага аъзо қилиш;
- уларнинг анъанавий ва электрон шаклдаги адабиётларга, даврий нашрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини бажаришдан иборат бўлди.

2021 йилда АРМнинг фойдаланувчилари сони **7243** - ташкил этиб, уларга жами **484796** нусха анъанавий ва электрон шаклдаги адабиётлар ҳамда даврий нашрлар билан хизмат кўрсатилди. АРМнинг Талабалар ўқув зали, Профессор-ўқитувчилар ўқув зали, Электрон ўқув зали, 1- ва 2- ўқув кутубхоналари, Талабалар турар жойидаги ўқув залларига фойдаланувчиларнинг қатнови (давомат) кўрсаткичлари **278870 -** ташкил этди.

## 2. Фойдаланувчиларни АРМга жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича тадбирлар

Фойдаланувчи талабалар, профессор-ўқитувчиларнинг маънавий эҳтиёж-ларини анъанавий шаклда қондириш билан бир қаторда, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда талабаларнинг мустақил билим олишларига, ўз устида ишлашларига, маънавий савиялари ва мутолаа маданиятларини оширишларига ёрдам бериш мақсадида:

- ўзбек маданияти, аҳлоқи руҳида тарбиялашни, маънавий ва аҳлоқий қадриятларни кенг тарғиб этувчи;
- халқни маданий-тарихий меросидан баҳраманд қилувчи мавзули адабиётлар кўргазмалари;
- йил давомида кутубхона фондига олинган барча турдаги янги адабиётлар ва даврий нашрларнинг кўргазмалари ташкил қилинди.

**3. Илмий-услубий ва ахборот-маълумот (даврий нашрлар) бўлимининг жорий йилдаги асосий вазифалари:**

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий нашрлари, ТИҚХММИ раҳбариятининг буйруқлари, фармойишлари ва бошқа меъёрий хужжат-ларнинг электрон каталогини шакллантириб бориш;
- фойдаланувчи профессор-ўқитувчилар таркиби, докторантлар ва магистрларнинг қизиқишини библиографик жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда маълумотларни оғзаки ва ёзма шаклда тақдим этиш;
- АРМ фойдаланувчиларига тўлиқ, тезкор ахборот хизматини кўр-сатишни такомиллаштириб бориш;
- вақтли матбуот нашрларини қабул қилиб олиш, шу билан бир қаторда АРМда мавжуд ИРБИС тизими асосида даврий нашрларнинг, шу жумладан даврий нашр мақолаларининг тўлиқ матнли электрон маълумотлар базаларини юритиб бориш;
- институтнинг таълим-тарбиявий жараёнини ва илмий изланишларини илмий-услубий, ахборот-маълумот хизмати билан таъминлашдан иборат бўлди.

2021 йилда **41 номда /162** нусха журналларнинг тавсифлари электрон каталогга киритилди. Илмий-услубий ва ахборот-маълумот (даврий нашрлар) бўлими томонидан журналлардаги куннинг долзарб масалаларига оид **2364 та мақолалари** рақамлаштирилиб, электрон каталогнинг тўлиқ матнли маълумотлар базасига бириктирилди. ТИҚХММИнинг профессор-ўқитув-чилари таркиби учун **243 та тематик сўровномалар** бажарилди. Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва магистрларининг даврий нашрларда чоп этиладиган илмий мақолаларига **469 та УДК индекслари** қўйилиб, **1158 та** библиографик маълумотномалар бажарилди.

**Электрон ахборот ресурслари бўлимининг 2021 йилдаги асосий вазифалари:**

- замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда таълим муассасасининг фойдаланувчи талабаларига ва кенг аҳоли қатламларига мустақил билим олишлари ва ўз устида ишлашларига кўмаклашиш;

- нашр ва хужжатларнинг электрон ва бошқа шаклдаги мавжуд бўлган ахбороти билан (тўлиқ матнларни эътиборга олган ҳолда) хизмат кўрсатиш;

- АРМ фойдаланувчиларига тўлиқ, тезкор ахборот хизматини кўрсатишни такомиллаштириш;

- таълим олувчиларда ахборот маданияти, кутубхонада замонавий технологиялар асосида ишлаш кўникмаларини яратиб бориш;

- институт профессор-ўқитувчилари томонидан ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертациялари, шунингдек, магистрлик диссертациялари, дарслик, ўқув қўлланмаларнинг библиографик ва тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш ва жорий этиш;

- АРМ фондларини Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган соҳавий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида рақамлаштириш ва каталоглаштиришдан иборат бўлди.

2021 йил давомида "ИРБИС" дастурининг "Каталогизатор" маълумотлар базасининг хажми 55.188 номни, тўлиқ матнли маълумотлар базаси эса 36.729 - ташкил этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда институтимиз Ахборот – ресурс марказида ИНТЕРНЕТ тармоқ тизими муҳитида электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда Ахборот – ресурс марказининг **library.tiiame.uz сайтидаги** электрон дастурига **4454 номдан** зиёд тўлиқ матнга эга ўқув адабиётлари жойлаштирилиб, **4948 – фойдаланувчи талабаларнинг** аъзолиги уюштирилди ва ушбу ишлар доимий равишда бажарилмоқда.

Институт сайтидаги https://t.me/TIQXMMIkutubxona номли телеграмм каналида Ахборот-ресурс марказининг "Электрон кутубхонаси" жойлаштирилган. Ушбу "Электрон кутубхона"дан 1711 номда ўқув, ўқув - услубий, илмий ва бадиий адабиётлар жой олган. Ҳозирда АРМ фондига олинган янги адабиётларни рақамлаштириш ва телеграмм каналдаги "Электрон кутубхона"га ҳамда ИРБИС тизимига жойлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

## 4. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ (ИТИ)

### *4.1. Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларининг бажарилиши ва улардан олинган илмий ва амалий натижа:*

Ҳисобот йилида институт кафедраларида Давлат бюджети асосидаги жами 63 та мавзудаги илмий тадқиқот ишлари бажарилди. Илмий тадқиқот ишларининг 35 таси якуний ҳисоботлар, 28 таси оралиқ ҳисоботлар билан якунланди.

***4.2. Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларининг бажарилиши ва эришилган илмий натижалар:***

Фундаментал, амалий, инновация лойиҳалари бўйича олиб борилган тадқиқотлардан қуйидаги натижаларга эришилди:

1 та фундаментал, 17 та амалий ва 1 та инновация давлат грантлари асосидаги ташаббускор илмий ишлар бажарилди. Давлат илмий-техник дастурлар доирасида-17 та амалий грантлар - умумий қиймати 3012,71 млн.сўм, 1 та фундаментал грант - умумий қиймати 100,979 млн.сўм, 1 та инновацион грант - умумий қиймати – 131,940 млн.сўм, жами 19 та 3245,629 млн.сўмлик илмий ишлар бажарилган.

**ФУНДАМЕНТАЛ ЛОЙИҲАЛАР:**

**1. ТА-КХФ-5-001-1** “Ирригация насос станцияларида сувнинг бетурғун ҳаракатини бошқариш технологиясининг меъёрий қийматларини аниқлаш” лойиҳа раҳбари т.ф.д., доцент, Эргашев Р.Р

**Тадқиқот натижасида:**

Қарши магистрал, Аму-Бухоро машина каналлари Жиззах насос станциялари тизимида сувнинг беқарор ва барқарор харакатланиш ҳолатлари ўрганилиб, сувнинг таркибидаги лойқани насос станциясига кириб келишини камайтиш бўйича илмий асосланган ечимлар ишлаб чиқилди. Насос қурилмалари сўрувчи қувурлари олдида сув ўрамаларининг ҳосил бўлиш ҳолатлари ўрганилиб, уларни бартарф этиш бўйича техник ечимлар шакллантирилди. Олинган натижалар бўйича мавзулар бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахасисларининг фан дастурларига киритилди ва битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини бажаришда фойдаланилди.

**АМАЛИЙ ЛОЙИҲАЛАР:**

**1. MB-ATEX-2018-145** “Ўзгарувчан режимдаги суғориш каналларидан фойдаланиш самарадорлиги ва эксплуатацион ишончлилигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш” – лойиҳа раҳбари т.ф.д. А.Фатхуллоев

**Тадқиқоқ натижасида:**

Суғориш каналларининг гидравлик самадорлиги ва эксплуатацион ишончлилигини таъминловчи параметрларни асосида каналларининг гидравлик элементларни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган; Очиқ ўзанларда илк бор доплер ва ViewArgonaut, Intelligent Flow дастурий воситалар ёрдамида оқимнинг кинематик ва морфометрик тавсифлари 3D форматда баҳолашга эришилди, сув ресурсларини ҳисобга олишда стандарт сув ўтказгичлар учун мобил илова ишлаб чиқилди.

**2. MRB-OT-2019-19** “Картошкаларни йиғиштириш ва қайта ишлов беришда картошка туганакларини тош ва кесаклардан ажратишнинг илғор технологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш”-лойиҳа раҳбари т.ф.н., доцент А.Дускулов

**Тадқиқот натижасида:**

Картошкаларни йиғиштириш жараёнида кавланган картошка аралашмасидан тош ва кесак ажраткич қурилманинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди ва технологик жараёни асосланди. Тош ва кесак ажраткич қурилма билант жиҳозланган картошка кавлагичнинг қурилмалари икки томонда жойлашган ҳаракат узатиш механизмининг математик модели ишлаб чиқилди. Картошка кавлагичнинг янги конструктив схемаси. Тош ва кесак ажраткич билан жиҳозланган картошка кавлагичнинг конструктив схемаси.

**3. ПЗ-20170929209** “Аграр соҳани модернизациялашда қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигини шакллантириш ва ривожлантириш” - лойиҳа раҳбари и.ф.д., профессор Ў.П.Умурзаков

**Тадқиқотлар натижасида:**

Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликнинг методологик, ташкилий-ҳуқуқий асослари тизимлаштирилди ва хорижий давлатлар тажрибаларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик моделлари ва механизмларини шакллантириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**4. ПЗ-20170930170** “Ўзбекистонда сувга муносабати, халқимизнинг экологик ва ижтимоий тафаккурининг янгиланиш механизмларини такомиллаштириш”-лойиҳа раҳбари ф.ф.д., профессор Х.Хамидов

**Тадқиқот натижасида:**

***2018 йилда:***

“Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари тарихидан” номли илмий рисоласи ва “Экологик маданият ва маънавият” номли услубий қўлланма нашр этилди.

***2019 йилда:***

“Етук кадрлар тайёрлаш маскани” ва “Тараққиёт стратегияси ва баркамол авлод тарбияси” номли 2 та рисола ҳамда “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” номли ўқув қўлланма нашр этилди.

***2020 йилда:***

“Сувга муносабат ва экологик тафаккурнинг такомиллашиш тамойиллари” номли монография нашр этилди.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти – 85 йил” номли 1 та монография ҳамда муаллифлар гуруҳи томонидан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти – 85 йил” номли китоб-альбоми тайёрланиб, нашриётга тақдим этилди.

**5. ПЗ-20170929275-** “Мамлакатнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилашда балиқчилик тармоғининг иқтисодий асосларини такомиллаштириш”- лойиҳа раҳбари и.ф.н., доцент У.Сангирова

**Тадқиқот натижасида:**

- баликчилик тармоғининг макро, мезо ва микродаражада самарадорлик кўрсаткичлари тизимлаштирилди;
- соҳа ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди ва омиллар бир тизимга келтирилди;
- баликчиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажрибалар аҳамиятли жиҳатлари таҳлил қилиниб, мамлакатимизда татбиқ этиш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- баликчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлаш тизимини ривожлантириш йўналишлари таклиф қилинди ва озуқа учун қўшимча ер ажратиш бўича мезонлар асосланди;
- балиқ ва балиқ маҳсулотлари сотиш тизимида маркетинг усуллари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, балиқ етиштириш ва сотиш занжирида 3-босқичда нархни шаклланиши асослаб берилди;
- балиқ етиштириш учун талаб этиладиган моддий ва меҳнат ресурслари сарфи меъёрларига асосланган ҳолда технологик харита ишлаб чиқилди.
- аквакультурани ривожлантириш ташкилий-иқтисодий рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- баликчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг концептуал ёндошувлари ҳамда уларни амалга ошириш дастаклари асослаб берилди;
- баликчиликда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш асосида меҳнат сарфи, озуқа, минерал ўғит ва энергия сарфи камайиши кўрсаткичлари асослаб берилди;
- баликчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлашни давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилди;
- баликчилик тармоғини интенсив технологиялар асосида ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўллари ишлаб чиқилди.

**6. ҚХ-Атех-2018-69** “Ўзанларда эрозион ва аккумулятив жараёнларни баҳолаш технологиясини геоахборот тизимларидан (ГАТ) фойдаланиб ишлаб чиқиш”- лойиҳа раҳбари т.ф.д., А.Арифжанов

**Тадқиқот натижасида:**

ГАТ технологияларидан фойдаланиб, ўзанларда эрозия ва аккумуляция жараёнларини баҳолаш технологияси ишлаб чиқилди. Ўзанларда эрозион ва аккумулятив жараёнларни баҳолаш учун маълумотлар базаси ишлаб чиқилди. (BGU00405). Ишлаб чиқилган маълумотлар базаси асосида масофавий бошқариш имконини беради. Бунинг натижасида ўзанда ювилиш ёки лойқа чўкиндиларни босиш ҳолатларини тезкор аниқлаш ва объект бўйича маълумотлар базаларини шакллантирилади.

**7. ҚХ-Атех-2018-229** “Чўл яйловларини таназзулдан ҳимоялаш ва маҳсулдорлигини оширишнинг самарали техник ечимларини ишлаб чиқиш” - лойиҳа раҳбари т.ф.н., катта илмий ходим А.Садиров

**Тадқиқот натижасида:**

Чўл яйловларини бута ва чалабута ихотазорлар асосида яхшилайдиган юқори унумли энергия тежамкор технология ишлаб чиқилган.Технологияни амлга оширувчи бир ўтишда тупроққа тор тасмали (25 см) ишлов бериб, уруғларни агротехник талабларига лоиқ саёз экиб, кўмиб кетадиган комбинациялашган агрегат такомиллаштирилган.

Чўл яйлов ўсимликларининг юқори унувчан уруғларини етиштириш технологияси ишлаб чиқилган ва ТИИҚХММИ да ишлаб чиқилган дастлабки талаб асосида “БМКБ-Агромаш” АЖ уруғ йиғгич машинасини ишлаб чиққан.

**8. ҚХ-А-ҚХ-2018-294** “Бир жинсли бўлмаган структурали гидротехник иншоотларни динамик мустахкамликка баҳолаш ва уларни назарий асосларини ишлаб чиқиш” - лойиҳа раҳбари т.ф.д., профессор Т.Мавланов

**Тадқиқот натижасида:**

Гидротехника иншоотларининг кўп боғламли структуравий бир жинсли бўлмаган элементларини, моделлаштириш асосида мустахкамликка хисоблаш услублари ўрганилиб, ҳисоблаш алгоритмлар яратилди. Математик моделлар умумий ҳолда қурилди, алгоритмлар ишлаб чиқилди, сонли натижалар олинди ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишга қабул қилинди.

**9. МВ-Атех-2018-193** “40 о.к. тракторга боғ тупроғларига ишлов берадиган қуроллар комплектини (эгатсиз текис шудгорлайдиган плуг, плуг-юмшатгич, чизель-культиватор) ишлаб чиқиш” - лойиҳа раҳбари т.ф.д., профессор Б.С.Мирзаев

**Тадқиқот натижасида:**

40 о.к. тракторлар учун ПР-2 қия тутқичли плуг-юмшатгичга ишлаб чиқилган дастлабки талаблар ва техник топшириқлар келишилди ва тасдиқланди, АО “BMKB-Agromash”да тажриба намунаси ясалган 40 о.к. тракторлар учун ПР-2 қия тутқичли плуг-юмшатгич Қашқадарё вилояти шароитида синаб кўрилди. Синовлар натижасида сифат ва энергетик ҳамда техник-иқтисодий кўрсатгичлари аниқланди. Қўллаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Илмий изланишлар асосида жорий йилда жами 23 та мақола, шундан Хорижий журналларда 4 та, Хорижда ўтказилган анжуманларда (WoS) 4 та, Маҳаллий журналларда 11 та, Республикада ўтказилган анжуманларда 4 та мақолалар чоп этилди, 1 та патент олинди.

**10. ВА-ҚХФ-2-005** “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш мисолида)” - лойиҳа раҳбари т.ф.д., профессор А.Раджабов

**Тадқиқот натижасида:**

Энерготехнологик жараёнлар параметрлари ва энергия истеъмоли режимлари тадқиқ қилинди (узум ва мева қуритишни энергиятежамкор электротехнологияси мисолида);

ҚТЭМларга асосланган локал энергия таъминот тизимини (ЛЭТТ) шакллантириш принциплари ишлаб чиқилди;

Энерготехнологик жараёнлар ва истеъмолчиларда ҚТЭМ дан фойдаланишни энергетик самарадорлигини, маҳсулотни “нисбий энергия сиғими” орқали бахолаш методикаси ишлаб чиқилди;

ҚТЭМ лардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва амалий ечимлари бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва натижалари асосида комплекс электр таъминот тизимларда ҚТЭМ дан фойдаланиш даражасини ва қопланган энергия улушини бахолаш учун “энергия таъминлаш коэффициенти” (коэффициент обеспечения) ($К_{об}$) ва “алмашиниш коэффициенти” дан (f) фойдаланиш таклиф этилди;

Гелио- ва шамол энергетик қурилмалари ва локал энергия таъминот тизимини асосий режимлари сувни қиздириш ва уни аккумуляторда сақлаш жараёнлари мисолида имитацион моделлар ёрдамида ўрганилди ва ($К_{об}$), (f) коэфициентлар қийматлари аниқланди;

Қишлоқ хўжалиги энерготехнологик жараёнлари локал энергия таъминот тизимини шакллантиришнинг илмий методологик асослари ишлаб чиқилди;

Муайян бир худудда қайта тикланувчи энергия ресурслари потенциали ва истеъмолчиларни ҳисобий қувватини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди;

Локал энергия таъминот тизимида қайта тикланувчи энергия ресурслари рационал улушини аниқлаш принциплари ва шартлари шакллантирилди;

Дала шароитида ГШЭҚ макети синаб кўрилди ва у орқали истеъмолчиларни энергия билан таъминлаш даражаси ва ҚТЭМ лар улуши аниқланди. Аниқ бир қишлоқ хўжалиги объекти учун оптимал энергетик комплекси лойиҳаси таклиф қилинди;

ҚТЭМ лардан фойдаланиш технологияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**11. ҚХ-А-ҚХ-2018-529** “Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида эгат кўндаланг кесимининг турғун профилини ва лойиҳавий нишаблигини таъминловчи янги технология ва техник воситани яратиш” - лойиҳа раҳбари қ.х.ф.д., доцент Б.Матякубов

**Тадқиқот натижасида:**

1. Эгат кўндаланг кесимининг барқарор профилини ва лойихавий нишаблигини таъминловчи янги технология ва техник восита яратилди.

2. Енгил механик таркибли нишаблиги 0,0001 дан кичик бўлган суғориладиган ерларда яратилган технология ва техник восита қўллаш натижасида суғориш суви 10-13 фоизгача иқтисод қилинди хамда ғўзадан 15 фоизгача юқори ва сифатли ҳосил олинди.

3. Ўрта механик таркибли нишаблиги 0,0001 дан кичик бўлган суғориладиган ерларда яратилган технология ва техник восита қўллаш натижасида суғориш суви 12-15 фоизгача иқтисод қилиши хамда ғўзадан 14-18 фоизгача юқори ва сифатли ҳосил олинди.

4. Оғир механик таркибли нишаблиги 0,0001 дан кичик бўлган суғориладиган ерларда яратилган технология ва техник восита қўллаш натижасида суғориш суви 13-20 фоизгача иқтисод қилиши хамда ғўзадан 15-20 фоизгача юқори ва сифатли ҳосил олинди.

5. Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганилди ҳамда сув ресурсларини тежаш ва сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтиришга эришилди.

**12. ҚХ-А-ҚХ-2018-297** “Хоразм воҳаси (Хоразм вилояти ва ҚҚР нинг жанубий туманлари)нинг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш ва ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш” - лойиҳа раҳбари қ.х.ф.д., профессор М.Х.Хамидов

**Тадқиқотлар натижасида:**

1.Илк бор замонавий ГАТ технологиясидан фойдаланиб, Хоразм воҳасини суғориладиган ерларини туманлар кесимида гидромодуль районларининг электрон хариталари тузилди.

2. Хоразм вилояти умумий майдоннинг 24.18 % и VII, 23.44 % и VIII ва 38.28 % и IX гидромодуль районларга, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманлари умумий майдонининг 25,78 % и VII, 34,37 % и VIII ва 21,86 % и IX гидромодуль районларга мансубдир.

3.Асосий: VII, VIII ва IX гидромодуль районлари бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиблари бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- VII гидромодуль районда ғўзадан 35,0-36,0 ц/га пахта ҳосили олиш учун ғўзани суғоришдан олдинги тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % да ушлаб туриб, 600-630 м$^3$/га суғориш меъёри билан 6 марта 1-4-1 схемада суғориш, бунда мавсумий суғориш меъёри 3750-3850 м$^3$/га бўлиши;
- VIII гидромодуль районда ғўзадан 38,0-39,0 ц/га пахта ҳосили олиш учун ғўзани суғоришдан олдинги тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % да ушлаб туриб, 620-700 м$^3$/га суғориш меъёри билан 4 марта 1-2-1 схемада суғориш, бунда мавсумий суғориш меъёри 2800-2900 м$^3$/га бўлиши;
- IX гидромодуль районда ғўзадан 40,0 ц/га пахта ҳосили олиш учун ғўзани суғоришдан олдинги тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % да ушлаб туриб, 710-800 м$^3$/га суғориш меъёри билан 3 марта 0-3-0 схемада суғориш, бунда мавсумий суғориш меъёри 2200-2300 м$^3$/га бўлиши тавсия этилади.

**13. ҚХ-А-ҚХ-2018-298** “Амударё ҳавзасининг ўзлаштирилган ерларида мелиоратив ҳолат кўрсаткичини ғўза баргидаги туз ионлари миқдори асосида тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш” - лойиҳа раҳбари қ.х.ф.д., доцент С.Х.Исаев

**Тадқиқотлар натижасида:**

Хоразм вилоятининг Хива туманидаги “Қиётли Асадбек Асалай” ф/х кам, Қўшкўпир туманидаги “Хўжа Рахимбой” ф/х ўртача ва Шовот туманидаги “Матюсуф Аноргул” ф/х кучли шўрланган майдонларда

мелиоратив ҳолат кўрсаткичини ғўза баргларидаги анион ва катионлар миқдорлари аниқланди. Ғўза баргларидаги ва тупроқ таркибидаги анион ва катионлар орасидаги боғлиқлик чизиқли тенглама ишлаб чиқилди ва корреляцион коэффициент ҳисобланди. Натижада ғўза баргидаги туз ионлари миқдори асосида тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш услуби ишлаб чиқилди. Олинган натижалар асосида ТИҚХММИнинг бакалавр ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ва фан дастуриларига ҳамда ўқув ва ишлаб чиқаришга, Хоразм ва Сирдарё вилоятларининг гидромелиорация эспедициясига далолатномалар жорий этилди. 2020 йилда 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 3 та республика, 7 та хорижий журналларда мақоллар чоп этилган.

**14. ҚХ-А-ҚХ-2018-302** "Ўзбекистон шароитида иқлим ўзгаришининг сув ресурслари потенциалига таъсирини баҳолаш ва унга мослашиш тадбирларини ишлаб чиқиш" - лойиҳа раҳбари т.ф.д., профессор А.Т.Салохиддинов

**Тадқиқотлар натижасида:**

Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг таъсири хусусиятлари ҳамда натижасида сув ресурслари салоҳиятининг ўзгариши тенденциялари аниқланди.

Иқлим ўзгаришининг йил давомида ва географик зоналар бўйича тарқалиши қонуниятлари ҳамда таъсири механизмлари аниқланди.

Иқлим ўзгаришига самарали мослашув тадбирларига асос бўлувчи таъсирларнинг тарқалиши харитаси ишлаб чиқилди.

**15. ҚХ-А-ҚХ-2018-403** "Тупроқнинг фаол қатламидаги ва ўсимликдаги сув-туз ва озуқа тарқалиши тизими параметрларини радиоизотоп усули билан тадқиқ этиш ва оптималлаштириш" - лойиҳа раҳбари т.ф.д., доцент А.Г.Шеров

**Тадқиқотлар натижасида:**

Ғўза экинини коллектор-зовур ва дарё сувларини қўшиб ўзгарувчан оқимларда эгатлаб суғоришда 0,003 нишабликда 150 эгат узунлиги ва 0,9 метр оралиғида 1,0/0,6 ўзгарувчан сув сарфларини беришда бир текисда намланиш 0,89 га тенг бўлди ва натижада вегетацияда назоратга нисбатан 567 м$^3$/га сув тежалди ва ҳосилдорлик назоратга нисбатан 4,68 ц/га юқори бўлиши таъминланди.

**16. ҚХ-А-ҚХ-2018-300** "Ҳудудларнинг тупроқ қопламини комплекс ўрганиш, деградацияга учраган ерларни аниқлаш, уларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашга, унумдорлигини тиклашга ҳамда қишлоқ хўжалик экинларни жойлаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш" - лойиҳа раҳбари қ.х.ф.д., профессор А.Рамазанов

**Тадқиқотлар натижасида:**

В процессе исследования получены количественные показатели характеризующие:

-состояние и трансформацию орошаемых земель при диверсификации сельскохозяйственного производства;

-объёмы распологаемых водных ресурсов и пути их увеличения за счет внутренних ресурсов;

-состояние использования водных ресурсов при существующем уровне эксплуатационно-ирригационных систем;

-современные методы и приемы водосбережения при дефицитном водопользовании;

-современные методы определения суммарного водопотребления;

-сущность и необходимость оперативного планирования водопотребления с учетом водности основных водотоков;

-направления и динамику засоления, осолонцевания коллекторно-дренажных вод;

-агромелиоративные и агробиологические аспекты использования коллекторно-дренажных вод;

-производительную способность орошаемых почв при существующем уровне водообеспеченности территории, ведение орошаемого земледелия, эксплуатацию ирригационных и гидроммелиоративных систем.

**17. ҚХ-Атех-2018-198** “Шўрланган ва ботқоқланган ерларда тупроқни сақловчи ресурстежамкор қатламлаб юмшатиш технологиясини асослаш ва уни амалга оширувчи қуролни ясаш” - лойиҳа раҳбари т.ф.д. Б.Худаяров

**Тадқиқотлар натижасида:**

Шўрланиш ва ботқоқланишга мойил бўлган ерларда қаторлар оралиғида 60 см ва 90 см қатламларни юмшатишнинг ва тупроқни ҳимоя қилувчи ресурсларни тежаш технологиясини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Дастлабки талаблар (ДТ), техник топшириқлар (ТП), лойиҳалаш ҳужжатларини (ЛҲ) ишлаб чиқиш ва шўрланиш ва ботқоқланишга мойил бўлган ерларда қатлам-қатлам юмшатиш учун воситалар ишлаб чиқарилди. Тузланиш ва ботқоқланишга учраган ерларда дастлабки синовлар ўтказилди.

60 см ва 90 см пахта оралиғида қатламма-қатлам юмшатишни тавсия етилаётган тупроқни ҳимоя қилиш усулини агротехник ва иқтисодий баҳолаш амалга оширилди.

## ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАР

**1. И-ОТ-2019-30** «Янги қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатишнинг замонавий усулларини докторантлар, магистрантлар ва бакалаврларга ўқитишнинг методологик асослари ва дастурларини ишлаб чиқиш» лойиҳа раҳбари т.ф.д., профессор Б.С.Мирзаев

**Тадқиқотлар натижасида:**

Илғор хорижий тажрибалар ва энг йирик кадрлар буюртмачилар талаблари асосида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги машиналари ва улардан фойдаланиш ҳамда сервис хизмати кўрсатиш бўйича бакалавр, магистр ва илмий даражали кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати, улар учун ишлаб

чиқилган давлат таълим стандарти ва малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари, ўтиладиган фанлар такомиллаштирилиб, қайта ишлаб чиқилди.

***Шунингдек, 2021 йилда Давлат илмий-техник дастурлар доирасида-3 та амалий грантлар - умумий қиймати 906,889 млн.сўм, 4 та фундаментал грант - умумий қиймати 1162,154 млн.сўм, 3 та инновацион грант - умумий қиймати – 1048,378 млн.сўм, жами 10 та 3117,421 млн.сўмлик илмий ишлар бажарилмоқда.***

***4.3. Хўжалик шартнома бўйича илмий тадқиқот ишларининг бажарилиш натижаси ва самарадорлиги:***

Жорий йилда институтда жами 12 та бошқа ташкилотлар билан тузилган хўжалик шартномалари (умумий қиймати – 488,91 млн.сўм.) асосидаги илмий-тадқиқотлар бажарилди.

Жумладан, бошқа ташкилотлар билан олиб борилган хўжалик шартномалари бўйича тадқиқотлардан қуйидаги натижаларга эришилди:

***1.*** “Магистрал каналларда лойқа чўкиндиларни тозалашда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш” - шартнома раҳбари т.ф.д., проф. А.Арифжанов

**Олинган натижалар:**

Тадқиқотлар асосида Миришкор каналининг ПК - 1040 даги гидроузели шароитида тавсия этилган қурилманинг фойдаланиш бўйича лойиҳа–конструкторлик чизмалари бажарилди. Табий дала шароитида тўпланган маълумотлар тавсия асосида амалга ошириш мумкин. Ҳар бир қаралаётган объект учун гидроэлеватор ишчи графиги ишлаб чиқилди ва графикдан фойдаланиб каналдаги сув сарфига қараб, сув ости гидроэлеваторининг иш режими белгиланди.

Лойиҳа мавзуси бўйича жами 10 та иш нашр этилди, шундан 9та мақола илмий журнал ва ҳлқаро конференцияларда (5 таси чет элда (Scopuc), 4 та маҳаллий илмий журналларда), 1 та Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (№FAP 00937). Тадқиқот натижаларидан фойдаланганлиги бўйича 1 та далолатнома олинди, 1 та тавсиянома ишлаб чиқилди.

***2. 22/2020 -*** “Тошкент вилояти шароитида ғўзани парваришида томчилатиб суғориш усулида суғориш тартибини ишлаб чиқиш” - шартнома раҳбари қ/х.ф.д. Б.Матякубов

**Олинган натижалар:**

Томчилатиб суғориш усулини қўллаш орқали ананавий суғориш усулига нисбатан суғориш сувини 40 фоизгача, ғўза ҳосилини 25 фоизгача ошириш мумкинлиги бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди ва Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этилди.

***3.*** “Туямуюн гидроузели Ўнг қирғоқ канали экслуатацион режимини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” - шартнома раҳбари т.ф.д., профессор М.Бакиев

**Олинган натижалар:**

Ўзан сув омбори лойқага тўлиши сабабли сув омбори ва Ўнг қирғоқ канали эксплуатацион режимларни янги шароитга мос келадиган қилиб қайтадан ишлаб чиқиш, канал бош қисмида тиндиргич қуриш хамда каналли чўкиндилардан механик усулда тозалаш тавсия қилинган. Тавсиялар ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, тозалаш ишлари бошлаб юборилган.

**4.** “Насос станцияси электр ускуналарида электр энергиясини тежаш самарадорлигини оширишнинг инновацион услубларини илмий асослаш ва тадбиқ этиш методикаларини ишлаб чиқиш (Самарканд ва Қашқадарё вилояти мисолида)” шартнома раҳбари т.ф.д., профессор А.Исаков

**Олинган натижалар:**

Насос станцияларида энергия ва ресурс тежамкорликни таъминлашга имкон берувчи инновацион усуллар илмий асосланиб, электр ускуналарнинг рационал иш режимларини тадбиқ этиш натижасида йиллик электр энергия сарфи 10-15% га тежалди. Шу билан биргаликда ресурс тежаш, электр ускуналар ишдан чиқишининг олдини олиш ва эксплуатация самарадорлигини ошириш имкониятлари яратилди. «Тезлик ўзгартиргичи – мотор – марказдан қочма насос – босимли узатувчи қувур» тизимининг математик модели ҳисобга олиш натижасида кўп боғланишли тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни ростлаш каналлари орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланади. Тезлиги ростланувчи электр юритма асосида насос агрегатини ишга тушириш режимини бошқариш тизими насос станциясининг насос агрегатида электр энергиясини тежаш, йилига 18 612 000 сўм иқтисодий самара олиш ва суғориш сувини 10 фоизгача тежаш имконини беради.

**5.** ***15/2020 -*** “Насос станцияларида электр истеъмолчиларининг юкламаси пик даражага етганда насос агрегатларини самарали ишлатиш графикларини ишлаб чиқиш, қувват коэффициентларини мувофиқлаштириш орқали ишдан чиқиш ҳолатларини олдини олиш ва электр энергияси ҳамда маблағ тежамкорлигига эришиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” шартнома раҳбари т.ф.н., доцент Н.Тошпўлатов

**Олинган натижалар:**

Насос станцияларининг электр таъминот линиялари, трансформатор подстанциялари, тарқатиш ва тақсимлаш қурилмалари, электр двигателлар ва насос агрегатларидан фойдаланиш вақти ва иш графиклари, электр двигателларда пик юклама ҳолатини юзага келиши сабаблари ўрганилди. Насос станцияларининг инженер-техник ходимларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш, техник эксплуатация талабларига амал қилган ҳолда ускуналарни бошқариш бўйича маслаҳатлар берилди.

**6.** “Насос станцияларида электр энергияси сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” шартнома раҳбари Ph.D.доц. Д.Қодиров

**Олинган натижалар:**

Насос станцияларда истеъмол қилинаётган электр энергия сифат кўрсаткичлари параметрларини халқаро стандартлар бўйича белгиланган талабларга мувофиқлигини илмий асослаш орқали насос қурилмалари ҳамда электр двигателлар даврий ўтказиладиган таъмирлаш ишларига сарф этиладиган маблағларни тежалиши илмий асосланди ҳамда насос станциясидаги электр энергиясини тежаш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**7. 18/2020 –** “Қарши Магистрал канали насос станциясига сув олиб келиш соҳасидаги ўзандаги жараёнларини ростлаш ҳамда земснарядларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган” шартнома раҳбари т.ф.д., профессор Д.Р.Базаров

**Олинган натижалар:**

Ўзанда земснарядларни оптимал жойлаштириш схемалари ишлаб чиқилди. Оқимни ростлаш орқали лойқа чўкишини камайтириш, қирғоқ ювилиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлари ҳамда сув ўтказиш каналида содир бўладиган салбий жараёнлар аниқланиб, бартараф этиш, бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида ҚМК бош қисмига керакли миқдордаги сув олишни яхшилаш имкониятларини яратиш ҳамда земснарядларни ишлатишнинг самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**8. 19/2020 –** “Аму-Бухоро машина каналига тўғонсиз сув олиш соҳасидаги ўзандаги жараёнларни ростлаш ҳамда бош иншоотнинг ишлаш шароитини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” шартнома раҳбари т.ф.д., профессор Д.Р.Базаров

**Олинган натижалар:**

Ўзанда земснарядларни оптимал жойлаштириш схемалари ишлаб чиқилди. Оқимни ростлаш орқали лойқа чўкишини камайиши, қирғоқ ювилиши эҳтимоллиги юқори бўлган ҳудудлари ҳамда сув ўтказиш каналида содир бўладиган салбий жараёнлар аниқланиб, бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида АБМК бош қисмига керакли миқдордаги сув олишни яхшилаш имкониятларини яратиш ҳамда земснарядларни ишлатишнинг самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**9.** ***1/2020 -*** “Каналлар эксплуатацияси тартиб-қоидаларини лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш” - шартнома раҳбари т.ф.н., доцент Ф.Гаппаров

**Олинган натижалар:**

Эксплуатация хизматини ташкил этиш. Каналларнинг самарали иш режимини ишлаб чиқилди. Фавқулодда ҳолатларда каналдан фойдаланиш. Каналда сув муҳофазаси тадбирлари. Иншоотлар ва жиҳозларнинг техник ҳолати баҳоланди. Марказий ўнг ва чап тармоқ каналлари эксплуатацияси янги таҳрирдаги тартиб-қоидалари ишлаб чиқилди.

**10.** “Мирзаобод тумани балиқчилик кўллари батқоқ шароитлари учун, класслари бўйича Хитой давлатида ва UZXCMG MChJ да ишлаб чиқарилган махсус мелиоратив техникаларни солиштирма қиёслаш бўйича экспертлар хулосасини тайёрлаш” - шартнома раҳбари т.ф.н., доцент А.Муратов

**Олинган натижалар:**

Балиқчилик хўжаликларида кўллар, каналлар гидротехник иншоотларни қуришда, таъмирлаш-тиклаш ишларини бир чўмичли гидравлик JY623F (кенгайтирилган гусеницали) Мирзаобод тумани балиқчилик хўжалиги томонидан Хитой давлати “URUMQI HALIKALA TRADE CO., LTD” компаниясидан сотиб олинган экскаваторларни қўллаб механизациялашган усулда ташкил қилиш ва бажариш технологияси ўзига хос жиҳатларга эга, шунинг учун асосий мезонлар Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро стандартларга таяниб экспертлар хулосалари тайёрланди. Бунда асосан Урганчдаги UzXCMG MChJ қўшма корхонасида ишлаб чиқариладиган XE230C ВА XE260CLL маркали тескари чўмичли гидравлик экскаваторлар, Хитой давлатида ишлаб чиқарилган, класслар бўйича бир хилдаги JY623F экскаватор билан Мирзаобод тумани ботқоқ кўл шароитида ўтувчанлиги, кўллар тубида сув бўлганда ишлаш қобилияти, иш унумдорликларини солиштириш орқали, экспертлар илмий асосланган илмий асосланган хулосасини тайёрлаш масалалари ечилди.

**11.** ***26/2020*** **-** “Қурилишда қўлланиладиган пайвандлаш режимларини такомиллаштириш” - шартнома раҳбари т.ф.н., доцент Х.И.Туркменов

**Олинган натижалар:**

Аниқ металл конструкциялари яратиш жараёнида пайвандлаш ишларини унумли ташкиллаштирилиши, пайванд электродларни ва режимларни тўғри ҳисоблаш ва танлаш пайвандлаш ишларини давомийлигини 20... 30% га камайтириши, сифатни ўсишига олиб келиши аниқланди.

**12.** “Катта токларни контактсиз кенгдиапазонли ўзгарткичларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш” - шартнома раҳбари т.ф.д., профессор А.Плахтиев

**Олинган натижалар:**

Проанализированы существующие и разработаны новые патентоспособные конструкции неразрушающих бесконтактных измерительных преобразователей больших токов, их теория с учетом нелинейности кривой намагничивания и распределенных магнитных параметров, а также и их оптимальная конструкция для современных систем контроля и управления в агроэнергетике.

***Шунингдек, 2021 йилда 19 та умумий қиймати - 962,5 млн.сўм. бўлган бошқа ташкилотлар билан тузилган хўжалик шартномалари асосидаги илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.***

***4.4. Халқаро ҳамкорлик ва чет давлатлар билан илмий алоқа ва унинг натижалари.***

Институтда сўнги йилларда чет эл грантларини олиш ва улар билан ишлаш яхши йўлга қўйиб борилмоқда. Институтда чет эл грантлари бўйича бугунда амалда бўлган жами **21 та** лойиҳа бажарилиб, бу лойиҳалар бўйича қуйида маълумотлар келтирилган:

- Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида Олий таълимда салоҳиятни ошириш бўйича "Биоиқтисодиёт магистратура дастурини жорий қилиш (BioEcUz)" лойиҳаси (2020-2024 й.й.), лойиҳа координатори – *Ш.Рахмонов, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи.*

- Испаниянинг Кастилья Ла Манча университети ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси, 2020-2023й.й.), лойиҳа координатори – *Ш.Рахмонов, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи.*

- Хитойнинг Huawei компанияси ҳамкорлигида "Smart Agriculture and Water Resources" лойиҳаси, 2021 йил), лойиҳа координатори – *Ш.Рахмонов, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи.*

- Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида Олий таълимда салоҳиятни ошириш бўйича "DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура" лойиҳаси (2017-2021 й.й.), лойиҳа координатори – *И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.*

- Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида Олий таълимда салоҳиятни ошириш бўйича NICoPA: New and Innovative Courses for Precision Agriculture (Аниқ (координатали) қишлоқ хўжалиги учун янги ва инновацион курслар) лойиҳаси (2018-2021й.й.), лойиҳа координатори – *И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.*

- Германиянинг Гумбольдт университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2017-2022 йй.), лойиҳа координатори – *И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.*

- Германиянинг Вайнштефан-Триздорф университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2017-2021 йй.), лойиҳа координатори – *И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.*

- Германиянинг Кассэл университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2019-2022 йй.), лойиҳа координатори – *Ж.Ишчанов "Ирригация ва мелиорация" кафедраси доценти.*

- Испаниянинг Гранада университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2019-2022 йй.), лойиҳа координатори – *Б.Пулатов ЭкоГАТ маркази докторанти.*

- Австриянинг Зальцбург университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2017-2021 йй.), лойиҳа координатори – *И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.*

- Польшанинг Краков Технология университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2019-2022 йй.), лойиҳа координатори – *О.Турсунов.*

- POWERCHINA компанияси томонидан молиялаштириладиган ТИҚХММИ ва Хитойнинг Хохай универститети ўртасида академик алмашинув дастури (2018-2022 йй.), лойиҳа координатори – *А.Салоҳиддинов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор*.

- Германиянинг Лейбниц Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш институти (IAMO) билан SUSADICA: "Sustainable Agricultural Development in Central Asia" ("Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш"да докторлик (PhD) ихтисослиги бўйича икки томонлама диплом дастури 2018-2021й.й.), лойиҳа координатори – *Ш.Хасанов, Илмий лойиҳа катта илмий ходими.*

- Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш, (2019-2021й.й.), лойиҳа координатори – *Б.Мирзаев, Биринчи проректор, М.Аманов*

- "Аграр инновациялар ва ресурслар" дисциплинар лабораториясини яратиш (2019-2021й.й.), лойиҳа координатори – *У.Сангирова, Иқтисодиёт кафедраси доценти*.

- SDGnexus тармоғи - Олий таълим, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа "2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор Тараққиёт Кун тартиби" ни амалга оширишга хайрихох бўлган манфаатдор томонларнинг олий таълим муассалари салохиятини ривожлантириш бўйича глобал ҳамжамияти лойиҳаси (2020-2024 й.й.), лойиҳа координатори – *А.Салоҳиддинов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор*.

- Япониянинг JICA ва JSD ҳамкорликдаги SATREPS лойиҳаси (2020-2025 й.й.), лойиҳа координатори – *А.Салоҳиддинов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор*.

- Словакиянинг Нитра шаҳридаги Словакия қишлоқ хўжалиги университети (ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси,

2019-2022й.й.), лойиҳа координатори – *Ш.Акмалов, Гидравлика ва гидроинформатика кафедраси доценти.*

- Руминиянинг Орадеа университети (ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси, 2020-2023 й.й.), лойиҳа координатори – *А.Арифжанов, Гидравлика ва гидроинформатика кафедраси профессори.*

- Европа Хамжамиятининг Horizon-2020 Илмий ва инновацион доиравий дастури доирасида "Hydro4U лойихаси" лойиҳаси (2021-2025 й.й.), лойиҳа координатори - *Б.Каримов, "Экология ва сув ресурсларини бошқариш" кафедра доценти.*

- Хорватиянинг Шимолий университети (ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси, 2020-2023 й.й.), лойиҳа координатори – *И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти*.

- Институтда сўнги йилларда чет эл грантларини олиш ва улар билан ишлаш яхши йўлга қўйиб борилмоқда. Институтда чет эл грантлари бўйича бугунда амалда бўлган жами 21 та лойиҳа бажарилиб, бу лойиҳалар бўйича қуйида маълумотлар келтирилган:

- Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида Олий таълимда салоҳиятни ошириш бўйича "Биоиқтисодиёт магистратура дастурини жорий қилиш (BioEcUz)" лойиҳаси (2020-2024 й.й.), лойиҳа координатори – Ш.Рахмонов, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи.

- Испаниянинг Кастилья Ла Манча университети ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси, 2020-2023й.й.), лойиҳа координатори – Ш.Рахмонов, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи.

- Хитойнинг Huawei компанияси ҳамкорлигида "Smart Agriculture and Water Resources" лойиҳаси, 2021 йил), лойиҳа координатори – Ш.Рахмонов, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи.

- Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида Олий таълимда салоҳиятни ошириш бўйича "DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура" лойиҳаси (2017-2021 й.й.), лойиҳа координатори – И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.

- Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида Олий таълимда салоҳиятни ошириш бўйича NICoPA: New and Innovative Courses for Precision Agriculture (Аниқ (координатали) қишлоқ хўжалиги учун янги ва инновацион курслар) лойиҳаси (2018-2021й.й.), лойиҳа координатори – И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.

- Германиянинг Гумбольдт университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2017-2022 йй.), лойиҳа координатори – И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.

- Германиянинг Вайнштефан-Триздорф университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2017-2021 йй.), лойиҳа координатори – И.Абдурахманов, “Ердан фойдаланиш” кафедраси таянч докторанти.
- Германиянинг Кассэл университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2019-2022 йй.), лойиҳа координатори – Ж.Ишчанов “Ирригация ва мелиорация” кафедраси доценти.
- Испаниянинг Гранада университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2019-2022 йй.), лойиҳа координатори – Б.Пулатов ЭкоГАТ маркази докторанти.
- Австриянинг Зальцбург университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2017-2021 йй.), лойиҳа координатори – И.Абдурахманов, “Ердан фойдаланиш” кафедраси таянч докторанти.
- Польшанинг Краков Технология университети билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ кредит мобиллик лойиҳаси (2019-2022 йй.), лойиҳа координатори – О.Турсунов.
- POWERCHINA компанияси томонидан молиялаштириладиган ТИҚХММИ ва Хитойнинг Хохай универститети ўртасида академик алмашинув дастури (2018-2022 йй.), лойиҳа координатори – А.Салоҳиддинов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор.
- Германиянинг Лейбниц Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш институти (IAMO) билан SUSADICA: "Sustainable Agricultural Development in Central Asia" (“Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш”да докторлик (PhD) ихтисослиги бўйича икки томонлама диплом дастури 2018-2021й.й.), лойиҳа координатори – Ш.Хасанов, Илмий лойиҳа катта илмий ходими.
- Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш, (2019-2021й.й.), лойиҳа координатори – Б.Мирзаев, Биринчи проректор, М.Аманов
- “Аграр инновациялар ва ресурслар” дисциплинар лабораториясини яратиш (2019-2021й.й.), лойиҳа координатори – У.Сангирова, Иқтисодиёт кафедраси доценти.
- SDGnexus тармоғи - Олий таълим, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа “2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор Тараққиёт Кун тартиби” ни амалга оширишга хайрихох бўлган манфаатдор томонларнинг олий таълим муассалари салохиятини ривожлантириш бўйича глобал

ҳамжамияти лойиҳаси (2020-2024 й.й.), лойиҳа координатори – А.Салоҳиддинов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор.

- Япониянинг JICA ва JSD ҳамкорликдаги SATREPS лойиҳаси (2020-2025 й.й.), лойиҳа координатори – А.Салоҳиддинов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор.

- Словакиянинг Нитра шаҳридаги Словакия қишлоқ хўжалиги университети (ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси, 2019-2022й.й.), лойиҳа координатори – Ш.Акмалов, Гидравлика ва гидроинформатика кафедраси доценти.

- Руминиянинг Орадеа университети (ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси, 2020-2023 й.й.), лойиҳа координатори – А.Арифжанов, Гидравлика ва гидроинформатика кафедраси профессори.

- Европа Хамжамиятининг Horizon-2020 Илмий ва инновацион доиравий дастури доирасида "Hydro4U лойиҳаси" лойиҳаси (2021-2025 й.й.), лойиҳа координатори - Б.Каримов, "Экология ва сув ресурсларини бошқариш" кафедра доценти.

- Хорватиянинг Шимолий университети (ERASMUS + дастурининг Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси, 2020-2023 й.й.), лойиҳа координатори – И.Абдурахманов, "Ердан фойдаланиш" кафедраси таянч докторанти.

2020 йилда бажарилган халқаро грантлар асосида институт профессор – ўқитувчилари, талаба ва магистрантларининг хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказларида малака оширишлари, ўқишларини амалга ошириш йўлга қўйилди. 19 нафар профессор-ўқитувчилар, 3 нафар катта илмий ҳодим-изланувчиларни Европа университетларида малака оширишга, 5 нафар магистрантлар хорижий университетларга ўқишга юборилди.

### *4.5.Илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш самарадорлиги.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-4958-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сонли қарорлари ижроси юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Ҳисобот йили бўйича жами – 87 та фан доктори (DSc) ва фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация ишлари мавзуси институт илмий кенгашларида кўриб чиқилиб, тасдиқлаб берилди ва ўрнатилган тартиблар асосида ЎзР ОАКнинг веб-сайтларида рўйхатдан ўтказилди.

- Докторлик диссертацияларини сифатини ўрнатилган талабларга мувофиқлиги, уларни муддатида ҳимоясини таъминлаш юзасидан илмий маслаҳатчиларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида институтда Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ҳузурида фаолият

кўрсатаётган Илмий Фаолият Кенгашида йилида 4 марта апробациядан ўтказиш йўлга қўйилган.

Институтда илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасида қуйидаги илмий мактаблар яратилган ва бир қатор ижобий натижаларга эришилган:

| **Факультет** | **Ихтисослик** | **Ихтисослик коди** | **Сохадаги фаол олимлар (1-4 кишигача)** |
|---|---|---|---|
| Гидротехника қурилиши | Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси. | 01.02.03 | М.Мирсаидов<br>К.Султанов<br>Т.Султанов |
| Гидротехника қурилиши | Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси. | 01.02.04 | М.Мирсаидов<br>К.Султанов<br>М.Мавлянов<br>Т.Султанов |
| Гидромелиорация | Суюқлик ва газ механикаси. | 01.02.05 | А.Арифжанов<br>Д.Базаров<br>А.Фатхуллаев |
| Гидромелиорация | Экология. | 03.00.10 | А.Салохиддинов<br>Б.Каримов<br>А.Пулатов |
| Гидротехника қурилиши | Муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси.Аудио ва видиотехнологиялари. | 05.01.01 | Д.Кучкарова |
| Ер ресурсларини бошқариш | Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи. | 05.01.07 | Б.Худояров<br>Д.Ходжаев |
| Қишлоқ хўжалигини механизациялаш | Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари. | 05.05.06 | Ш.Имомов |
| Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти | Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар | 05.05.07 | А.Раджабов<br>А.Исаков<br>П.Каландаров<br>Ш.Музафаров |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалигини механизациялаш Гидромелиоратив ишларни механизациялаш | Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш. | 05.07.01 | Б.Мирзаев К.Астанакулов Б.Шаймардонов М.Шоумарова |
| Қишлоқ хўжалигини механизациялаш Гидромелиоратив ишларни механизациялаш | Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш. | 05.07.02 | Ш.Юлдошев Б.Мирзаев Ли А.С. |
| Гидромелиораци я | Сув таъминоти. Канализация. Сув ҳавзаларини муҳофазаловчи қурилиш тизимлари. | 05.09.04 | А.Салохиддино в |
| Гидротехника қурилиши | Гидротехника ва мелиорация қурилиши. | 05.09.06 | М.Бакиев М.Мирсаидов Т.Султанов А.Янгиев |
| Гидромелиораци я | Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси. | 05.09.07 | А.Арифжанов Д.Базаров А.Фатхуллаев |
| Гидромелиораци я | Мелиорация ва суғорма деҳқончилик. | 06.01.02 | М.Хамидов А.Салохиддино в С.Исаев А.Шеров |
| Ер ресурсларини бошқариш | Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги | 06.01.10 | С.Авезбаев А.Алтиев К.Рахмонов |
| Гуманитар фанлар | Ўзбекистон тарихи. | 07.00.01 | Х.Хамидов Ш.Улжаева |
| Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш | Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти | 08.00.04 | У.Умурзаков С.Умаров У.Сангирова |
| Гидромелиораци я | Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. | 11.00.05 | А.Салохидднов Б.Каримов А.Пулатов |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Гидромелиораци я | Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси. | 13.00.05 | З.Исмаилова |

2020 йилда 59 нафар таянч докторант, 6 нафар докторант ва 65 нафар мустақил тадқиқотчилар фаолият олиб бордилар.

2020 йилда 08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ихтисослиги 2 йил докторанти Эшматов Сирожиддин Келдиярович Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Президенти стипендияси соҳиби бўлди.

2021 йилда 11.00.07-“Геоинформатика” ихтисослиги 2 йил докторанти Абдурахманов Илхом Исакович Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Президенти стипендияси соҳиби бўлди.

“Ердан фойдаланиш” кафедраси таянч докторанти И.Абдурахманов Эрасмуз+ “DSinGIS” лойихаси доирасида докторантура бўйича қисқа муддатли курсларда иштирок этиш учун 1 февралдан 1 апрелгача Австрия давлатига юборилди.

***Мустақил изланувчилик асосида илмий-педагог кадрлар тайёрлаш***

2020 йилда мустақил тадқиқотчиликда 31 нафар ходимлар фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация химояларини қилишди.

Шунингдек ҳар бир кафедрада фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятлари, фаолликлари йил давомида мониторинг қилиб борилди. 106 нафардан ортиқ “ҳаракатдаги” ўқитувчилар билан 2020 йилнинг 22 февралида институт ректори бошчилигида алоҳида учрашув ўтказилиб, уларни фалсафа доктори, фан доктори диссертация ишларининг ҳолати ва ҳимояси бўйича йўл харитаси баённома билан тасдиқланди.

***4.6. Ихтисослашган кенгашнинг самарадорлиги.***

**I.** Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2020 йил 30 январдаги 275/2-сонли қарори ҳамда ОАК раисининг 2020 йил 30 январдаги 13-сонли “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги **DSc.03/30.01.2020.I.10.03** рақамли илмий кенгаш тузилди. Илмий кенгашга иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи қуйидаги:

*08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти;*

*06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари)* ихтисосликлари бўйича ҳимояларни ўтказишга рухсат берилган.

Мазкур рақамли илмий кенгашда:

- Рашидов Раҳматулло Аъложонович – “Пахтачиликда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш йўллари”;
- Юнусов Искандар Орифович – “Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари”;

- Султанов Баходир Файзуллаевич – “Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш”;

- Хамраева Сайёра Насимовна – “Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш йўналишлари”;

- Қўччиев Улуғбек Мирзамашрабович - “Чорвачилик хўжаликларига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш”;

- Рустамова Ирода Бахрамжановна - “Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари”;

- Муродов Шерзод Мурод ўғли - “Мева-сабзавот муҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш”;

- Садуллаев Улуғбек Норқулович - “Гўшт ва сут етиштириш соҳасини модернизациялашни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари”;

- Таджиев Абдусаме Абдухамидович - “Ер-сув ислоҳотлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро кооперация муносабатларини иқтисодий баҳолаш (Самарқанд вилояти мисолида)”;

- Джураев Бекзод Бекматович - “Қишлоқ хўжалигида маркетинг тизимидан фойдаланишнинг такомиллаштириш йўллари”;

- Саидахмедова Нодира Илхомовна - “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари” мавзуларида 08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва 08.00.01-“Иқтисодиёт назарияси” ихтисосликлари бўйича фалсафа фанлари доктори 6 нафар (PhD) ва фан доктори 5 нафар (DSc) диссертация ишларини ҳимоя қилдилар.

**II.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг 2019 йил 30 декабрдаг 273/2-сонли қарори ҳамда ОАКнинг 2019 йил 27 декабрдаг 309-сонли “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузурида **DSc.03/30.19.2019.T.10.01** рақамли илмий кенгаш тузилди. Илмий кенгашга техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи қуйидаги ихтисосликлар бўйича:

*05.07.01 – қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш;*

*05.07.02 – қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш* химояларни ўтказишга рухсат берилган.

*05.05.07 - Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар;*

Мазкур рақамли илмий кенгашда:

-Махмудов Хусанбой Султонхўжаевич - «Картошка экиш машинаси миқдорлагичининг параметрларини асослаш»;

-Пиримов Одил Жўраевич - «Уруғли чигитни ўта юқори частотали электромагнит майдони ёрдамида экологик соф зарарсизлантириш учун электр технологияларни яратишнинг илмий – технологик асослари»;

-Қузиев Улуғбек Таджиевич - «Боғ дарахтлари илдизи тизимига суюлтирилган ўғитларни қуядигин ишчи қисм параметрларини асослаш»;

-Равшанов Ҳамроқул Амирқулович - «Тупроқни такрорий экинлар экишга тайёрлайдиган техник воситаларни ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари»;

-Саломов Мурадилла Неъматович - «Узум қуритишда қуёш-ҳаво технологиясининг энергия самарадорлигини ошириш»;

-Матчонов Ойбек Қўчқорович - «Пахта техник чигити намлигини камайтириш жараёнини энергетик самарадорлигини ошириш»;

-Қосимов Каримжон - «Қишлоқ хўжалиги техникалари ресурсини оширишнинг технология ва воситаларини такомиллаштириш»;

-Турдиев Абдували Абдужалилович - «Техник чигитдан пахта мойи олишнинг энергия самарадор электротехнологияси»;

-Абдурахмонов Шавкатжон Хасановичнинг - «Роторли дон майдалагичнинг параметрларини асослаш»;

-Ирисов Хусниддин Дониёрович - «Турбилизаторли тўзиткичнинг параметр ва иш режимларини асослаш» мавзуларида 05.05.07 – “Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар”; 05.07.01 – “қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш”, 05.07.02 – “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш” ихтисосликлари бўйича фалсафа фанлари доктори 7 нафар (PhD) ва фан доктори 3 нафар (DSc) диссертация ишларини ҳимоя қилдилар.

**III.** Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 30 декабрдаги 273/2-сонли қарори ҳамда ОАКнинг 2019 йил 30 декабрдаги 310-сонли “Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш ҳақида”ги қарори ва Институт ректорининг 2020 йил “15” январдаги 55А/Ф-сонли буйруғига асосан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc.03/30.12.2019.T.10.02** рақамли Илмий Кенгаш тузилди. Илмий Кенгашга техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи қуйидаги ихтисосликлар бўйича:

*05.09.06 – гидротехника ва мелиорация қурилиши;*

*05.09.07 - гидравлика ва муҳандислик гидрологияси;*

*06.01.02 - мелиорация ва суғорма деҳқончилик;*

*06.01.10 - ер тузилиши, кадастр ва ер мониторинги (техника фанлари бўйича)* химояларни ўтказишга рухсат берилган.

- мазкур илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш асосида қуйидаги ихтисосликлар бўйича илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш тузишга рухсат берилган:

*13.00.02 – "Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (техника фанлари бўйича);*

*05.09.04 - сув таъминоти. Канализация. Сув ҳавзаларини муҳофазаловчи қурилиш тизимлари (қишлоқ сув таъминоти ва канализацияси йўналиши бўйича);*

*11.00.03 - қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё (техника фанлари бўйича);*

*11.00.05 - атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш (техника фанлари бўйича);*

*11.00.06 – "Геодезия. Картография" (техника фанлари бўйича);*

*11.07.07 – "Геоинформатика" (техника фанлари бўйича).*

Мазкур рақамли Илмий Кенгашда 2020 йилда қуйидаги ҳимоялар ўтказилди:

- Байматов Шахриддин – "Анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун фильтраияни хисобаш усулларини тавомиллаштириш" мавзусидаги 05.09.06 – "Гидротехника ва мелиорация қурилиши" ихтисослиги бўйича (PhD);

- Хўжақулов Рустам - "Фойдаланиш даврида чўкувчан грунтлардаги ирригация тизимлари гидротехника иншоотлари ишончлмлмгм ва хавфсизлигини ошириш" мавзусидаги 05.09.06 – "Гидротехника ва мелиорация қурилиши" ихтисослиги бўйича (DSc);

- Ғуломов Сардор - "Боғларда паст босимли томчилатиб суғориш технолгиясини такомиллашириш" мавзусида 06.01.02 – "Мелиорация ва суғорма деҳқончилик" ихтисослиги бўйича (PhD);

- Абдурахмонов Сарвар - "Геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида минтақавий демографик жараёнларни тадқиқ қилиш (Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси мисолида)" мавзусида 11.00.06 – "Геодезия. Картография" (техника фанлари бўйича) ихтисослиги бўйича (PhD);

- Ишчанов Жовлонбек – "Хоразм вилояти ерларини мелиоратив холати табиий иқлим шароитлари ўзгаришининг таъсири, таҳлили ва башорати" мавзусида 06.01.02 – "Мелиорация ва суғорма деҳқончилик" ихтисослиги бўйича (PhD);

- Артикбекова Фотима – "Насос станцияларининг эксплуатацион хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзан шароитларни баҳолаш" мавзусидаги 05.09.07 – "Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси" ихтисослиги бўйича (PhD);

- Назаров Комил – "Тош-тупроқ тўғонларнинг йирик синқи тошли таянч призмасимустахкамлиги ва деформацияси" мавзусидаги 05.09.06 – "Гидротехника ва мелиорация қурилиши" ихтисослиги бўйича (PhD);

- Хазратов Алишер -" Грунт ўзанли суғориш каналларининггидравлик ҳисобини такомиллашириш" 05.09.07 – "Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси" ихтисослиги бўйича (PhD);

- Гаппаров Фуркат - “Сув омборларидан фойдаланишнинг гидравлик ва гидрологик режимини такомиллаштириш” 05.09.07 – “Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси” ихтисослиги бўйича (DSc);

- Шакиров Бахтиёр – “Насос станцияларининг ўзгарувчан поғонали сув узатишда оқим тақсимланишини мақбуллаштирувчи аванкамеранинг назарий ва амалий ҳисоблаш усулари” мавзусидаги 05.09.06 – “Гидротехника ва мелиорация қурилиши” ихтисослиги бўйича (DSc);

- Аджимуратов Дилмурат -“ Юқори босимли сув омборли гидроузеллар сув ташлама иншоотларида оқим энергиясини сўндириш даражаси ва хавф тоифаси нормасини баҳолаш” мавзусидаги 05.09.06 – “Гидротехника ва мелиорация қурилиши” ихтисослиги бўйича (PhD);

- Казаков Эргаш - “Магистрал каналларда сув оқимини бошқаришнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш (Катта Наманган канали мисолида)” 05.09.07 – “Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси” ихтисослиги бўйича (PhD);

- Петров Андрей – “Совершенствование методов повышения эксплуатационной надежности бетонных гидротехнических сооружений”, мавзусидаги 05.09.06 – “Гидротехника ва мелиорация қурилиши” ихтисослиги бўйича (PhD);

- Жовлиев Ўктам – “Юқори босимли сув оқимларнинг хавфсизлик параметрларини аниқлашнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги 05.09.07 – “Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси” ихтисослиги бўйича (PhD).

Мазкур йилда жами фалсафа доктори 11 нафар (PhD) ва фан доктори 3 нафар (DSc) диссертация ишларини ҳимоя қилдилар.

### *4.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва бошқа номли давлат стипендиялари танлови натижалари*

Қобилиятли ёшларни рағбатлантириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчиларни, талабаларни қўллаб қувватлашга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари ҳамда номли Давлат стипендияларига номзодларни саралаш жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226–сон қарорига асосан талабгорларни саралашнинг 1-босқичи ўтказилди.

2020 - 2021 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳамда номли (И.Каримов, Беруний ва Навоий) Давлат стипендиялари танловига факультетлардан жами 25 нафар талаба ва магистрантлар онлайн шаклда ҳужжат топширдилар. Барча ҳужжатлар Ишчи комиссия томонидан ўрганилиб, 13 нафар талабанинг ҳужжатлари институт Илмий кенгашида кўриб чиқиш учун саралаб олинди ҳамда Илмий кенгаш

томонидан тасдиқланиб Давлат стипендиялари танловининг Республика босқичига тавсия этилди. Танловдан муваффақиятли ўтган талабалар, магистрантлар ҳамда докторантларнинг маълумотлари киритилган делолари (йиғма жилдлари) тўпланди ҳамда институт Илмий кенгашининг тавсиясига кўра ОЎМТВга тақдим этилди.

Танлов якуни бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига:***

***Магистратура бўйича:***

<u>*Техника ва информатика йўналиши:*</u>

Акбаров Дилмурод Махаммад ўғли - 5А430501 - "Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти" мутахассислиги 1 босқич магистранти.

***Бакалавриатура бўйича:***

<u>*Қишлоқ хўжалиги йўналиши:*</u>

Йигиталиева Рухшона - "ҚХМ" факультети 3 босқич талабаси.

***Беруний Давлат стипендиясига:***

Шарипов Лазиз - "ҚХМ" факультети 3 босқич талабаси.

***Навоий Давлат стипендиясига:***

Халилова Мафтуна - "СХТЭваБ" факультети 3 босқич талабаси;

***4.8. 2020 йилда онлайн шаклда ўтказилган Республика фан олимпиадалари***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 майдаги 275-сонли буйруғи ва институт ректорининг 2020 йил 2 майдаги 304 а/ф буйруғига биноан институтда Талабалар Республика фан олимпиадасини онлайн тест шаклда 1-босқичда ташкил этиш ва ўтказиш учун ташкилий қўмита таркиби тузилди. 21 - майдан 11 - июнгача бўлган муддатларда "Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадасини онлайн шаклда ўтказиш тартиби тўғрисида Муваққат Низом"га асосан фан олимпиадалари ўтказилди.

Бундай фан олимпиадаларинг 7 таси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан ўтказилди. Жумладан,

- Автоматлаштиришнинг техник воситалари;
- Давлат кадастрлари;
- Инженерлик гидрологияси ва гидрометрия;
- Гидравлика;
- Ирригация ва мелиорация;
- Қишлоқ хўжалиги гидротехник мелиорацияси;
- Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари конструкцияси.

2019-2020 ўқув йилида институтдан Республика фан олимпиадаларида 10 та фандан 77 талаба иштирок этиб жами 27 нафар талабаларимиз 1, 2 ва 3 ўринларни эгаллашди.

Факультетлар кесимида улар қуйидагича:

| | |
|---|---|
| Ер ресурсларини бошқариш | - 7 нафар |
| Қишлоқ хўжалигини механизациялаш | - 3 нафар |
| Гидромелиорация | - 8 нафар |
| Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти | - 7 нафар |
| Гидротехника қурилиши | - 2 нафар |

Фан олимпиадаси натижаларига кўра институтимиз талабаларидан 11 нафари (Инженерлик гидрологияси ва гидрометрия, Гидравлика, Ирригация ва мелиорация, Автоматлаштиришнинг техник воситалари, Электротехниканинг назарий асослари, Давлат кадастрлари, Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари конструкцияси фанларидан) 1- ўринни, 10 нафари (Инженерлик гидрологияси ва гидрометрия, Гидравлика, Автоматлаштиришнинг техник воситалари, Давлат кадастрлари, Техник механика, Қишлоқ хўжалиги гидротехник мелиорацияси фанларидан) 2-ўринни, 6 нафари (Гидравлика, Ирригация ва мелиорация, Материаллар қаршилиги, Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари конструкцияси, Автоматлаштиришнинг техник воситалари фанларидан) 3-ўринни эгаллашди.

2020-2021 ўқув йилида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021-йил 31-мартдаги 159-сонли "Олий таълим муассасалари талабалари Республика онлайн фан олимпиадасини 2021 йилда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги буйруқ асосида Республика онлайн фан олимпиадаси ўтказилди. Онлайн Фан олимпиадаси натижаларига кўра институтимиз талабаларидан 6 нафари (Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси, Геология, Ирригация ва мелиорация, Автоматлаштиришнинг техник воситалари, Насос ва насос станциялари, Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш фанларидан) 1-ўринни, 8 нафари (Қишлоқ хўжалиги гидротехник мелиорацияси, Гидравлика, Геология, Геодезия, Ирригация ва мелиорация, Автоматлаштиришнинг техник воситалари, Насос ва насос станциялари, Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш фанларидан) 2-ўринни, 3 нафари (Гидравлика, Кўтариш-ташиш, йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозлари, Назарий электроника фанларидан) 3-ўринни эгаллашди.

### *4.9. Институтда ўтказилган хорижий, республика илмий-амалий анжуманлар*

Ҳисобот йилида институтда 6 та халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этилиб, ўтказилди. Жумладан:

**1.** Жорий йилнинг **23-25 апрель кунлари** институтда **“Қурилиш, гидротехника, сув ресурслари” - Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering (CONMECHYDRO-2020)** мавзусидаги Халқаро илмий конференция ўтказилди. Конференциянинг уч кунлик фаолияти давомида жами 329 та мақола масофадан туриб, онлайн тарзда 4 та шўъбада муҳоқамадан ўтказилди. Халқаро экспертларнинг атрофлича чуқур таҳлиллари ва муҳоқамаларининг натижаси ўларок, жами 256 та мақола чоп этишга тавсия қилинди. Илмий натижаларни Ўрта Осиё, Кавказ, Сурия ва Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда қўллаш ёқи тадқиқотларни давом эттириш бўйича ташкилотлардан берилган таклифлар сони тўққизта бўлгани ҳам аҳамиятлидир. Ушбу илмий 24 та мамлакат вакиллари иштирок этдилар. Жумладан, Ўзбекистон. Россия, Арманистон, Австралия, Белорусия, Болгария, Хитой, Чехословакия, Франция, Грузия, Германия, Эрон, Қозоғистон, Литва, Монголия, Полша, Португалия, Сурия, Тожикистон, Украина, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Ветнам мамлакатларидир. Муҳокамадан ўтган илмий мақолаларнинг Scopus, Web of Science халқаро базалар рўйхатидаги нуфузли илмий-техник журналларда чоп этилиши ҳам алоҳида қийматга эга.

**2. 1-2 июнь кунлари** Erasmus+ DSinGIS лойиҳаси доирасида Геоинформатика бўйича Халқаро **GISCA 2020** конференцияси онлайн шаклда ташкил этилди.

**3. 23-24 сентябрь кунлари** Миллий тадқиқотлар Москва давлат қурилиш университети (НИУ МГСУ), Ханой шаҳар Миллий қурилиш университети (NUCE), Хо Ши Мин шаҳар Архитектура университети, Ханой Архитектура университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) ҳамкорлигида XXIII Қурилиш - ҳаётий фаолиятни таъминлаш муҳитидир **«Construction the formation of living environment 2020» (FORM-2020)** халқаро илмий конференция;

**4. 14-16 октябрь кунлари** Польшанинг “Краков технология университети”, Туркия давлатининг “Карабук” университетлари билан ҳамкорликда **“1st International Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering 2020”** халқаро конференция ўтказилди. Мазкур конференцияга энергетика, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро ҳамда юртимиз олимларининг илмий-амалий ишлари акс этган 230 дан зиёд юқори савиядаги илмий мақолалар келиб тушган бўлиб, улардан 170 таси саралаб олинди. Жумладан, Германия, Польша, Сингапур, Малайзия, Туркия, Нигерия, Бразилия, Хорватия, Ироқ, Перу, Кипр, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Бангладеш, Покистон каби 20 дан ортиқ давлатлардан мақолалар келиб тушган.

**5.** Институтимизда жорий йилнинг **11-12 ноябрь кунлари** Миллий Тадқиқотлар Москва давлат қурилиш университети, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қозоғистон - немец университети билан ҳамкорликда «Қурилиш илмида ва таълимида инновация,

интеграция ва ҳамкорлик; Интеграция, партнёрство и инновации в строительной науке и образовании; Integration, partnership and innovations inconstructions cience and education (IPICSE-2020)» мавзусида VII - халқаро илмий конференция ўтказилди. Конференция фаолиятида АҚШ, Франция, Германия, Канада, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Ветнам, Жанубий Корея каби давлатлардан 300 дан ортиқ олимлар ва илмий изланувчилар онлайн тарзда иштирок этдилар. Муҳокамадан ўтган илмий мақолалар SCOPUS, WEB OF SCIENCE халқаро базалар рўйхатидаги нуфузли илмий-техник журналларда чоп этилди.

**6. 10-11 декабрь кунлари** Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ мамлакатларини ривожлантириш бўйича қишлоқ хўжалик университетлари консорсиуми (КАСКАД)нинг 10 йиллигига бағишланган **“Марказий Осиё ва Кавказда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш (CASCADE 2020)”** биринчи халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилди. Тадбирнинг очилишида 20 дан ортиқ мамлакат (Арманистон, Австрия, Озарбайжон, Хитой, Коста-Рика, Грузия, Гана, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Португалия, Франция, Тожикистон, Туркманистон, Украина, Ўзбекистон) ларнинг олимлари, профессор-ўқитувчилари, докторантлари онлайн иштирок этдилар.

2021 йилда эса 15 та мана шундай халқаро илмий конференциялар ўтказилиши режалаштирилган ва ўтказиб келинмоқда.

***4.10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа институт ва корхоналар билан биргаликда олиб борилган ишлар ҳақида маълумотнома.***

“Олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича тадбирлар режаси” асосида институтнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бунда:

1. Институт мутахассислари Фанлар академияси билан ҳамкорликда “Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги мавжуд паст босимли сув оқимлари ва насос станцияларнинг сув ташлаш ҳовузларида кичик қувватли микрогидроэлектростанция ишлаб чиқиш ва ўрнатишда (Фарғона вилояти)”қурилма иш режимларини лаборатория шароитида текшириш ва синовдан ўтказиш мақсадида математик моделлаш асосида паст босимли сув оқимларида ишловчи микрогидроэлектростанциянинг такомиллаштирилган дастлабки кичик модели ишлаб чиқилган ва синовдан муваффақиятли ўтказилган. Синов натижалари назарий жиҳатдан асосланиб, микрогидро-электростанциянинг катта ҳажмдаги синов-тажриба намунасини ишлаб чиқиш имкони яратилди. Реактив гидравлик турбинанинг янги конструкцияси таклиф этилди. Унинг тажриба нусҳаси ишлаб чиқилди.

2. “Талимаржон сув омборининг фойдали иш ҳажми динамикасини аниқлаш” асосида Талимаржон сув омборининг фойдали иш ҳажмини аниқлаш учун сув омборга чўкинди чўкиши жараёнини ўрганилди тадқиқотлар бўйича назарий ва дала изланишлар олиб борилди. Сув омбори

косасининг кўндаланг кесим юзаси бўйича механик лот ёрдамида чуқурликлар аниқланди. Чуқурлик ва кенглик маълумотларига асосланиб, сув омборининг кўндаланг кесим юзаси хисобланди. Географик ахборот тизимлари ёрдамида сув омборини фойдали ҳажмини аниқлашда Trimble GPS таҳлилчиси ArcGIS, ArcGIS 3D таҳлилчиси, ArcGIS Survey таҳлилчиси, ArcGIS кузатув таҳлилчиси, ArcGIS схемаларидан фойдаланилиб, сув омборининг ишга туширилгандан лойқа тўпланиш ҳажми (98,54 млн м3) ҳисоблаб чиқилди.

3. “Улуғнор тумани баликчилик кўллари батқоқ шароитлари учун, класслари бўйича Хитойда ва UZXCMG MChJда ишлаб чиқарилган махсус мелиоратив техникаларни солиштирма қиёслаш бўйича экспертлар хулосасини тайёрлаш”да баликчилик хўжалликларида кўллар, каналлар гидротехник иншоотларни қуришда, таъмирлаш-тиклаш ишларини механизациялашган усулда ташкил қилиш ва бажариш технологияси ўзига хос жихатларга эга, шунинг учун асосий мезонлар Ўзбекистон аъзо бўлган ҳалқаро стандартларга (ГОСТ, ИКН, ИСО, ТУ ва ҳ.о.) таяниб UzXCMJ қўшма кархонасида ишлаб чиқариладиган тескари чўмичли гидравлик экскаваторлар ва булдозерлар, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган, класслари бўйича бир хилдагилари билан батқоқ кўл шароитида ўтувчанлиги (проходимость), кўллар тубида сув бўлганда ҳам ишлаш қобиляти, иш унумдорликларини солиштириш орқали, илмий асосланган экспертлар хулосаси тайёрланди.

4. Институтда мутахассис чиқарувчи кафедраларда етук профессор-ўқитувчи, иқтидорли талабалар ва тегишли ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари таркибидан иборат инновацион гуруҳлар шакллантирилди ва ишлаб чиқариш корхоналари билан икки томонлама шартномалар тузилиб уларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

5. Инновацион гуруҳлар томонидан кафедралар ихтисослашувига мос замонавий корхоналар тўғрисида маълумотлар банки шакллантирилди.

6. Институт кафедраларида инновацион гуруҳлар томонидан шакллантирилган ягона ахборот базаси асосида битирув малакавий ишлари, магистрлик, докторлик диссертациялари мавзуларини шакллантирилиб, корхона манфаатига мувофиқ хўжалик шартномалари асосида изланишлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларининг институт илмий-педагогик салохиятини оширишдаги роли каттадир. Институтда ўқув жараёнини ривожлантириш ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларининг илмий ходимлари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. ЎзФАнинг «Энергетика ва автоматика» институтлари, Ўсимлик моддалар кимёси ИТИ, «Узбекэнерго» ДАК, тармоқ илмий тадқиқот институтларидан ПСУЕАИТИ, «Ўздавмелиосувлойиха», «Ўздаверлойиҳа» лойиҳалаш институтлари, Бозор ислоҳатлари ИТИ, Ўзбекистон Миллий Университети, Гидрометеорология Илмий тадқиқот институти, «Сувсоз» давлат унитар корхонаси шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқариш ташкилотлари билан 150 дан ортиқ, илмий текшириш ва лойиҳа институтлари билан 50 дан ортиқ ташкилотлар қамраб олинган.

Талабалар бажарган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертация ишлари мавзулари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ўтказилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, фан-техника соҳалардаги илғор ва долзарб масалаларга бағишланган бўлиб, Республика сув хўжалиги ва мелиорацияси, гидротехника иншоотлари, насос станциялари ва ГЭСлар, сув омборларининг ишларини такомиллаштириш ва уларнинг муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги иқтисодини ривожлантириш, гидромелиоратив ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш каби долзарб муаммолар бўйича илмий асосланган ечимларни топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган. Институтда замонавий электрон ахборот-таълим ресурслари яратилди ҳамда уларни ZiyoNet ахборот-таълим тармоғига жойлаштирилиб ўқув таълим жараёнига жорий этиш мониторинг қилиб борилмоқда.

***Ташкил этилган халқаро учрашув, тренингларни ташкил қилиш бўйича:***

Жорий йилнинг 2020 йил биринчи ярим йили давомида давомида ОТМга ташриф буюрган хорижий расмий делегациялар сони **18 та** ни ташкил этди. Жумладан:

Жорий йилнинг 13.03.2020 куни Қирғизистон Республикасининг Сув хўжалиги вазирлигидан ташриф буюрган бир гуруҳ мутахассислар “Гидравлика ва гидроинформатика” кафедрасининг ўқув лабораторияси билан танишиш мақсадида ТИҚХММИга ташриф буюрдилар.

10.02.2020-11.02.2020 кунлари АҚШнинг Миссисипи штати университети халқаро лойиҳалар бўлими бошлиғи **Брайн Фаррел** «Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш» мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида учрашув олиб бориш учун ТИҚХММИга ташриф буйурди.

17.02.2020 куни Озарбайжон дипломатия академияси (АДА) талабаларни қабул қилиш бўлими менежери **Айтекин Гусейнова** ва **Гейдар Алиев** номидаги Озарбайжон маданият маркази бошлиғи **Юсиф Мамедов** Икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида ТИҚХММИга ташриф буйурдилар.

14.02.2020 кунлари Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Евросиё маркази катта илмий ходими **Конюшкова М.** "Sustainable soil management and digital agriculture" (Барқарор тупроқ менежменти ва рақамли қишлоқ хўжалигини

бошқариш) мавзусидаги маърузаси ташкил этиш учун ТИҚХММИга ташриф буйурди.

02.03.2020 кунлари Вайнштефан-Триздорф номидаги амалий фанлар университети профессори **Ёханнэс Холзнер (Johannes Holzner)** Икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш учун ТИҚХММИга ташриф буйурди.

25.06.2020 кунлари Исроил давлатининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси жаноб **Эдди Шапира** ва унинг делегацияси икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш учун ТИҚХММИга ташриф буйурдилар.

12.08.2020 куни Жаҳон банкининг етакчи олимлари, жумладан **Уильям Янг** (CAWEP раҳбари), **Азад Абдухамид** (сув ресурсларини бошқариш бўйича етакчи мутахассис), **Хайри Аль-Джамал** (сув ресурсларини бошқариш бўйича етакчи мутахассис), **Шавкат Рахматуллаев** (сув ресурсларини бошқариш бўйича бош мутахассис), **Тогжан Алибекова** (сув ресурсларини бошқариш бўйича мутахассис) билан "Марказий Осиёда сув-энергетика дастури доирасида сув ресурслари хавфсизлигини ошириш ва иқлим ўзгаришига мослашишга оид масалалар бўйича вакиллар билан фикр-мулоҳазалар алмашиш" мавзусида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

17.08.2020 куни АҚШнинг Ўзбекистондаги мухтор ва фавқулодда элчиси **Дэниел Розенблюм**, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг ўринбосари **В.Ахмаджонов**, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари **У.Бегимкулов**, Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ижрочи директори **З.Махмудовлар** билан Халқаро ёзги мактабни очилишига бағишланган тантанали тадбири ўтказилди.

27.08.2020 куни Ўзбекистонинг Япониядаги Элчиси **Ғайрат Фозилов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари **Юсупбек Казбеков**, Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари **Азимжон Назиров**, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Халқаро бўлим бошлиғи **Ибраим Ходжаев**, International Fund for Saving Aral Sea (IFAS) раҳбари **Вадим Соколов**, International Innovation Center for Aral Sea Basin (IICAS) раҳбари **Мурат Ганиев**, UzGIP бош мутахассиси **Гулчеҳра Хасанханова**, Узгидромет директори **Бахриддин Нишонов**, "Панаев фарм" хўжалиги мутахассиси **Қурбонов Алишер**, Балиқ Нукус фермер хўжалиги раҳбари **Калибек Премseason**, Тадбиркор аёллар ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари **Элибоева Назира** ҳамда Япония томонидан JICAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари **Казуко Такабатакэ** ва **Фарход Қурбонов**, Киото университетидан проф. **Танака Кенджи**, Др.**Тимур Хужаназаров**, проф. **Осаму Казан**, Тохоку университетидан др. **Ёшия**

**Тууже**, Китакиюшу университетидан проф. **Ясуи Хидинари**, Мие университетидан проф. **Мацуо Наоко**, Чиба университетидан проф. **Хигучи Ацуши**, Кобе университетидан проф. **Нагано Уки**, Тоттори университетидан проф. **Кристина Тодеричлар** билан Япония ва Ўзбекистоннинг нуфузли университетлари ва ташкилотлари томонидан Япониянинг SATREPS доирасида қўлга киритилган "Орол олди минтақасида ерлар шўрланишини камайтириш ва маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган сувдан фойдаланиш ва мониторингини олиб боришнинг янги технологиясини ривожлантириш" мавзусидаги лойиҳа "Орол олди минтақасида ерлар шўрланишини камайтириш ва маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган сувдан фойдаланиш ва мониторингини олиб боришнинг янги технологиясини ривожлантириш" мавзусидаги лойиҳа фаолиятини ташкил этиш ва унинг дастурининг муҳокамаси онлайн тарзда бўлиб ўтди.

07.09.2020 куни Иқтисодиёт ва Менежмент бўйича КАСКАД халқаро мактаби иш бошлади. Учрашувда Озарбайжон давлат аграр университети ректори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **Ибрагим Джафаров**, Жангир Хон номидаги Ғарбий Қозоғистон аграр-техника университети кенгаши раиси - ректори, ветеринария фанлари доктори, профессор **Асқар Наметов**, К.И.Скрябин номидаги Қирғиз миллий аграр университети ректори, ветеринария фанлари доктори, профессор, Қирғизистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси **Ризқбек Нургазиев**, Ширишоҳ Шотемур номидаги Тожикистон аграр университети ректори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **Усмон Маҳмадёрзода** ва Самарқанд давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенатори **Рустам Холмуродов**лар иштирок этдилар. 15 ҳафтага мўлжалланган мактаб, КАСКАДда жамланган университетлар етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан иқтисодиёт бўйича онлайн дарслар ташкил этилди.

09.09.2020 куни Озарбайжон давлат аграр университети ректори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **Ибрагим Джафаров**, Жангир Хон номидаги Ғарбий Қозоғистон аграр-техника университети кенгаши раиси - ректори, ветеринария фанлари доктори, профессор **Асқар Наметов**, К.И.Скрябин номидаги Қирғиз миллий аграр университети ректори, ветеринария фанлари доктори, профессор, Қирғизистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси **Ризқбек Нургазиев**, Ширишоҳ Шотемур номидаги Тожикистон аграр университети ректори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **Усмон Маҳмадёрзода** ва Самарқанд давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг сенатори **Рустам Холмуродовлар** билан Иқтисодиёт ва Менежмент бўйича КАСКАД халқаро мактаби иш бошлади.

22.09.2020 куни Халқаро илмий конфереция FORM-2020 очилиш маросими бўлиб ўтди. Мажлисда ҳамкор университетларнинг раҳбарлари **Pham Duy Hoa, Акимов Павл, Vu Ngoc Anh**, ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим кенгаши раиси, институтимиз ректори **Уктам Умурзаков** иштирок этишди.

10.10.2020 куни Финляндиянинг Латвиянинг ҳаётий фанлар ва технологиялар университетидан ректори **Ирина Пилвере, Ирина Кулитане**, Ювискалье амалий фанлар университетидан **Кирси Кнууттила**, Литванинг Витаутас Магнус университетидан **Вилия Алекневичин**, **Сандия Зеверте-Ривза**, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан **Улуғбек Ходиев**, Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан **Хусниддин Мардонов**, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидан **Шерзод Рахмонов**, Тошкент давлат аграр университетидан **Санжар Адилов**, Бухоро давлат университетидан проректор **Аброр Жўраев**, Ўзбекистон Агро-ахборот ва инновациялар марказидан **Мирзохид Йўлдошев** иштирокида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

14.10.2020 куни “1st International Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering 2020”халқаро конференцияси ўз ишини бошлади. Конферецияда ТИҚХММИ ректори, Республика Олий таълим кенгаши раиси **Ў.Умурзаков**, Краков технология университети проректори **Дариузс Богдал**, Карабук университети проректори **Мустафо Яшар**лар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари **У.Бегимкулов**, Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари **А.Назаров**, Сув хўжалиги Вазир ўринбосари **А.Мирзаев**лар иштирок этишди.

27.10.2020 куни Москвалик профессор билан ҳамкорликдаги вебинар ташкил этилди. Унда Москва давлат ер тузиш университети Ер тузиш факультети декани, профессор **Т.В.Папаскири** ва “Ўздаверлойиҳа” илмий-лойиҳалаш институти бош муҳандиси **Обид Давронов**лар иштирок этишди.

14.11.2020 куни Германиянинг Гиссен университети профессори Проф. **Мартин Петрик** иштирокида SUSADICA докторантлари хисоботига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

11.11.2020 куни “Қурилиш илмида ва таълимида инновация, интеграция ва ҳамкорлик; Integration, partnership and innovations inconstructions cience and education (IPICSE-2020)” мавзусидаги VII - халқаро илмий конференция ўз фаолиятини бошлади. Унда Миллий Тадқиқотлар Москва давлат қурилиш университети ректори в.б. **Павел Алексеевич Акимов**, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг фан ва инноватсиялар

бўйича ўринбосари **Бегимкулов Узокбой Шоимкулович**, Ўзбекистон Республикаси олий таълим Кенгаши раиси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори **Ўктам Пардаевич Умурзоқов**, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори **Базаров Орифжан Шадиевич**, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори **Ахмедов Султан Илясович**, Қозоғистон-немец университетининг халқаро алоқалар бўйича проректори **Барбара Януш-Паулетти**, "Гидропроект" Акциядорлик Жамиати бош директори **Ахмедов Алибек Илхомович**лар иштирок этишди.

25.11.2020 куни "Барқарор ривожланиш бўйича инновация ва илмий тадқиқотлар Кластери"га Швейцария давлатининг ADED-Барқарор ривожланиш ассоциациясининг раҳбари ҳамда асосчиси **Жан-Марк Варидел** ҳамда "Schoolwater" лойиҳасининг координатори **Мартон Бенче Красзнаи** ТИҚХММИга ташриф буюришди.

05.12.2020 куни Москва давлат Ер тузиш университетининг Халқаро алоқалар проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор **Василий Иванович Нилиповский** иштирокида "Россияда ер ресурсларини бошқариш ва ер тузиш тизими" мавзусида вебинар ташкил этилди.

Жорий йилнинг 20-27 январ кунлари "Инглиз тили" кафедраси катта ўқитувчиси **Г.Эшчанова** Ковентри шахридаги Варвик университетига Касбий ривожлантириш курсида иштирок этиш мақсадида Буюк Британияга хизмат сафарига юборилди.

Институтнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори **А.Салохиддинов** 2020 йил 22-24 январ кунлари "Марказий Осиёда сув, таълим ва ҳамкорлик" лойиҳасининг йиғилишида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикасига хизмат сафарига юборилди.

Менежмент кафедраси мудири **Ли Марина** 25-январдан 2 февралгача ўқув тренингда иштирок этиш учун Россия Федерациясига юборилди.

Институтнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори **А.Салохиддинов** ва ПКҚТУМОТМ директори **Ғ.Бекмирзаев** 4-5 феврал кунлари Қозоғистон Республикасига юборилди.

"ЭкоГАМ" маркази ассистенти **Ж.Герц** 15 февраль – 15 март кунлари Инновацион ривожланиш вазирлиги стажировка лойиҳаси доирасида Нидерландия давлатига хизмат сафарига юборилди.

ЭкоГАМ маркази докторанти **Б.Пулатов**, ассистенти **С.Хамидов** ва стажёр-ўқитувчиси **У.Ўзбеков** халқаро семинарда иштирок этиш мақсадида 13-22 февраль кунлари Япония давлатига хизмат сафарига юборилди.

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси мудири **А.Каримов** 16-20 февраль кунлари SUSADICA лойиҳаси доирасида Германия давлатига хизмат сафарига юборилди.

“Энергия таъминоти ва қайта тикланувчи энерния манбалари” кафедраси мудири **Д.Қодиров** ва профессор **О.Турсунов**ни 28 февралдан 8 мартгаца Польша давтига илмий конференцияда иштирок этиш учун юборилди.

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси профессори **Б.Каримов** 2-4 март кунлари халқаро семинарда иштирок этиш учун Қозоғистон Республикасига юборилди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи **Р.Джуманиязов** 22-29 февраль кунлари Испания давлатига юборилди.

Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси **Н.Насирова** 12-14евраль кунлари семинар курсда иштирок этиш учун Австрия давлатига юборилди.

“ЭТЭЖФ” кафедраси мудири **А.Бердишев** 11-20 март кунлари “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни бажариш учун Қозоғистон Республикасига юборилди.

Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи **Ш.Рахмоновни** 7 мартдан 21 апрелгача илмий стажеровка ўташ учун АҚШ хизмат сафарига юборилди.

“Давлат кадастрлари” кафедраси таянч докторанти **М.Абдурахимова** Зальцбург университетига 15 февралдан 15 июнгача Австрия давлатига хизмат сафарига юборилди.

“Ердан фойдаланиш” кафедраси таянч докторанти **И.Абдурахманов** Эрасмуз+ “DSinGIS” лойихаси доирасида докторантура бўйича қисқа муддатли курсларда иштирок этиш учун 1 февральдан 1 апрельгача Австрия давлатига юборилди.

ГИМ факультети талабаси **Ж.Фахрутдинов** 7-16 февраль кунлари Москва шаҳрига халқаро кўргазмада иштирок этиш мақадида Россияга жўнатилди.

***4.11. Илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлик баҳоси. Республикада ва жаҳонда тан олинган илмий натижалар.***

Институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режасида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг 1 та фундаментал, 17 та амалий ҳамда 1 та инновацион грант лойиҳалари, 12 та бошқа ташкилотлар билан тузилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ҳамда хўжалик шартномалари, 63 та Давлат бюджети асосидаги ташаббускор илмий ишлар бажарилди. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этилиши - Давлат илмий-техник дастурлар доирасида-17 та амалий грантлар - умумий қиймати 3012,71 млн.сўм, 1 та фундаментал грант - умумий қиймати 100,979 млн.сўм, 1 та инновацион грант - умумий қиймати – 131,940 млн.сўм, 12 та бошқа

ташкилотлар билан тузилган хўжалик шартномалари (умумий қиймати – 488,91 млн.сўм.) асосида 3734,539 млн.сўмлик илмий ишлар бажарилган.

Институтда чет эл грантлари бўйича 8 та илмий лойиҳа амалга оширилди. Жумладан:

“Гидравлика ва гидроинформатика” кафедрасида Исследование водного баланса и анализ тенденций в Республике Каракалпакстан (А.Арифжанов, Ш.Акмалов – 18 000$) Хитой. 2019-2021 й.;

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедрасида 3 та:

- Марказий Осиёда сув, таълим ва ҳамкорлик -Smart Waters (CAREC, USAID)- (А.Салоҳидднов – 110 000 $) 2017-2020 й.;

- SDG Nexus Network (Германия), (А.Салоҳидднов – 24 000 Евро) 2020-2024 й.

- Германия қишлоқ хўжалиги сиёсати ва маркетинг тадқиқотлари институти ва Гиссен университети (А.Каримов – 800 Евро) 2020 й.

“Назарий ва қурилиш механикаси” кафедрасида Ўзбекистон қишлоқ жойларида сув ресурсларини барқарор бошқариш: техник салоҳиятни мустаҳкамлаш (Т.Султанов – 10 000$) UNDP. 2020 й.

“Тракторлар ва автомобиллар” кафедрасида Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш (Б.Мирзаев, М.Амонов – 3500 $) Жаҳон банки. 2019-2021й.

“Ердан фойдаланиш” кафедрасида Эрасмус+ “DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура” (И.Абдурахмонов – 2450 Евро) Венгрия. 2017-2021 й.

“Иқтисодиёт” кафедрасида SUSADICA: Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш” докторантура (PhD) мактаби лойиҳаси (Н.Мухамедова – 109 400 Евро) Германия. 2019-2023 й.

Ҳисобот йилида институтда 3 нафар фан доктори (DSc) ва 30 нафар фалсафа фанлари доктори (PhD) жами 33 нафар тадқиқотчиларнинг диссертация ишлари асосий ҳимояси ўтказилди.

Республика фан олимпиада 2-тур (республика босқичи) натижалари бўйича
2020 йилда 27 нафар, 2021 йилда 17 нафар талабалар нуфузли 1,2,3-ўрин соҳиби бўлишди.

Халқаро рейтинг фаолияти бўйича

➢ 2020 йилнинг 22 апрель санасида *Times Higher Education* компанияси ўзининг 2020 йилги *Impact Rankings* рейтингини эълон қилди. Натижаларга кўра Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 2 ривожланиш йўналишларида рейтингдан жой олди:

- “Тоза сув ва санитария” йўналишида - 201-300;
- “Ердаги хаёт” йўналишида - 201+;

➢ 2020 йил август – QS нинг QS-GEN (Global Education News) хабарномасининг 1 сонида “TIIAME only Uzbek institution represented in QS EECA rankings” сарлавҳаси остида мақола чоп этилди.

➢ 2020 йилнинг 7 декабрь - Индонезия университети томонидан ҳар йилда эълон қилиб келинадиган - 2020 йилги UI GreenMetric Дунё университетлари рейтингида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 621 ўринда қайд этилди.

➢ 2020 йил декабрь - ТИҚХММИ эришилаётган натижалар QS-GEN “Глобал таълим янгиликлари (Global Education News)” хабарномасининг 2020 йилги 2 сонида *“Making history TIIAME in 2022”* сарлавҳаси остидаги мақола чоп этилди.

➢ 2020 йилнинг 16 декабрь - *Quacquarelli Symonds Ltd (QS)* халқаро рейтинг агентлигининг “Ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё давлатлари олий таълим муассаларининг (QS World University Rankings: Emerging Europe and Central Asia)” 2021 йилги рейтингида ТИҚХММИ 251+ ўринда қайд этилди (2019 йилда бу кўрсаткич 301+ ўринда эди).

1 нафар докторант, 1 нафар магистрант ҳамда 1 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, 1 нафар талаба Беруний Давлат стипендияси, 1 нафар талаба Навоий Давлат стипендияларига сазовор бўлишди.

***4.12. Ихтиролар, патент ва лицензиялар.***

Институтда интеллектуал мулк объектлари ихтиро, маълумотлар базаси ва компьютер дастурлари учун олинган муаллифлик гувоҳномаси ва патентлар воситасида ҳимояланган бўлиб, жорий йилда 125 та патентга талабнома берилди. Шундан (116 та), 4 та ихтиро учун, 7 та патент фойдали модел учун, 105 та гувоҳнома ЭҲМ дастури ва муаллифик ҳуқуқи учун олинди

***4.13. Монографиялар ва илмий тадқиқот мақолалар чоп этиш.***

Ҳисобот йилда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида институт олимлари томонидан жами 74 та монография, 39 та дарслик, 119 та ўқув қўлланма, 15 та тавсиянома чоп этилиб, натижаларни тадбиқи бўйича 142 та далолатнома олинган. Чоп этилган илмий мақолалар сони 2383 та бўлиб, шундан, чет эл илмий журналларида 845 та, халқаро анжуман тўпламларида 405 та, Республика илмий журналларида 561 та, республика ва ОТМ илмий конференциялар тўпламларида 572 тани ташкил этади.

***Мавжуд илмий журналларнинг фаолияти***

**I. “Ирригация ва Мелиорация” илмий журнали**

**“Irrigatsiya va Melioratsiya”** илмий-техник журналини Сув ресурсларини ҳисобга олиш, оқилона бошқариш, уларни иқтисод қилиш ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси кенгашининг 2014 йил 24 июлдаги 104-сонли мажлис баёни билан Тошкент

ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида чоп этишга рухсат берилган. *Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2015 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилган (гувоҳнома №0845) ва унинг халқаро стандарт серия рақами - ISSN 2181-1369. Бугунги кунда* **"Irrigatsiya va Melioratsiya"** илмий-техник журнали бир йилда 4 марта ҳар чорак якунлари билан чоп этилади ва обуначиларга тарқатилади.

**Журналнинг мақсад ва вазифалари:** сув хўжалиги соҳасида олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш марказлари, лойиҳа корхоналари ва сув хўжалиги ташкилотларида сув ресурсларини самарали бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, сувни иқтисод қилувчи илғор техника ва технологияларни жорий қилиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва етиштириш, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш борасидаги илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ишлари, илғор тажрибаларнинг натижалари, фан ва техника янгиликлари, қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва уларнинг ижроси шарҳловчи илмий-амалий, таҳлилий-тавсиявий йўналишдаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритади.

Республика сув хўжалиги соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечимини кенг оммага тарғиб этади, ирригация, мелиорация ва механизация мутахассисларининг интелектуал салоҳиятини оширади, Сув истеъмолчилари уюшмалари, фермер хўжаликлари раҳбар ходимларига иқтисодий-ҳуқуқий, илмий тавсия йўналишидаги маслаҳатларни беради.

**"Irrigatsiya va Melioratsiya"** илмий-техник журналида ёритилувчи тематикалар:

- *Ирригация ва мелиорация;*
- *Гидротехника иншоотлари ва насос станциялари;*
- *Ирригация ва мелиорация ишларини механизациялаш;*
- *Қишлоқ хўжалигини механизациялаш;*
- *Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш;*
- *Сув хўжалиги иқтисоди ва ер ресурсларидан фойдаланиш;*
- *Сув хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлаш;*
- *Ирригация ва мелиорация соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар.*

Ҳозирга кунга қадар журналнинг 22 сони чоп этилган бўлиб, шундан ҳисобот йилида журналнинг 3 та махсус сони чоп этилди.

## II. “Sustainable Agriculture” электрон илмий-техник журнали

**“Sustainable Agriculture”** электрон илмий-техник журнали 2018 йил 12 февралида (№0957) Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилди.

Халқаро стандарт серия рақами - ISSN 2181-9408.

Журнал муассиси: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти.

**“Sustainable Agriculture”** электрон илмий-техник журнали бир йилда 4 марта ҳар чорак якунлари бўйича электрон шаклда нашр этилиб обуначиларга тарқатилади.

Ҳисобот йилида электрон илмий-техник журналнинг 7 та сонлари тайёрланиб, барча муаллифларга етказилди. Шунингдек, журналнинг расмий сайти очилиб журналнинг барча сонлари жойлаштирилиши йўлга қўйилди.

# 4. МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТ




***Институт худудини ободонлаштириш бўйича бажарилган ишлар***

Институтнинг жами майдони 18 401 кв.м.ни ташкил этади. Ушбу майдонлар жойланишига қараб деканатлар, бўлимлар ва кафедраларга тақсимланиб берилган. Ҳудуд майдонлари алоҳида рақамлар билан рангли кўринишда тасвирланган. Шу асосда ҳудуд майдонларининг тақсимоти бўйича рангли кўринишда ДАСТУР яратилган.

Худудда 1250м узунликда латок ариқлар, 1640м узунликда йўлак бардюрлари ва 1100 тупдан ортиқ хар хил дарахт кўчатлари мавжуд, мавсум давомида худудларда ободонлаштириш учун райхон хамда мавсумий гул кўчатлари экилди. Ушбу гул кўчатлари институт маблағи хисобидан сотиб олинди. Институт ҳудудида мунтазам тозалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳудуддаги 1250 метр узунликдаги латок ариқлари доимо тозаланиб турилади, 1640 метр узунликдаги йўлаклар бардюрлари оҳланди. Оқова сув ариқлари ва кўприк қувурлари доимо тозаланиб турилди.

Институт жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимияти топшириқларига амал қилган ҳолда умумхалқ ҳайрия ҳашарлари ва шанбаликларда фаол қатнашиб келмоқда.

***Бош энергетик бўлимида бажарилган ишлар***

2020-йилда сарфланадиган электр энергия учун туман электр таьминоти корхонаси билан шартнома тузилди.

Институтнинг бош энергетика бўлими томонидан ўқув бинолари, ўқув лаборатория

хамда ёрдамчи биноларидаги юқори ва паст кучланишли электр тармоқлари назоратдан ўтказилиб, мавжуд трансформаторларни меъёрий ишлаши таъминланди.

Институт биноларидаги электр сим ва кабеллар ташқи химоя қобиқлари электр токига қарши чидамлилик даражаси масъул мутахасислар билан синовдан ўтказилди ва далолатнома расмийлаштириб тегишли хужжатлар вазирликка тақдим этилди.

Институтнинг ўқув ва ўқув лаборатория биноларини электр тармоқлари профлактик кўрикдан ўтказилиб, ходимлари томонидан берилган талабномалар рахбарият рухсати билан ўз вақтида бажарилди.

Институтнинг ўқув ва ўқув лабаратория хамда ташқи ёритгичлари соз холда ишлаши назорат қилинди ва носоз холатга келиб қолган кабелларни таьмирлаш ва зарур холларда алмаштириш ишлари олиб борилди. Институт ўқув бинолари ва талаблар турар жойларидаги электр тармоқларини созлик холати назорат қилинди ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилиб, тегишли ташкилотлар мутахассислардан далолатномалар олинди.

Институт ўқув бинолари ва талабалар турар жойлари биноларини таъминловчи трансформатор подстанцияларига ўрнатилган электр хисоблаш асбоблари туман электр корхонаси томонидан янгисига алмаштирилди.

2020-2021 ўқув йили куз-қиш мавсумига соз холатга келтирилди. Ўқув хоналари ёритиш белгиланган меъёрга мос равишда таъминланганлиги йўлга қўйилди. Бўлим фаолияти учун қуйидаги зарур товар захиралари харид қилинди.

| | |
|---|---|
| **LED лампалар (10 w-15w)** | **- 300 дона.** |
| **Лампалар LED T8 L18 (9 w:18 w)** | **- 1900 дона**. |
| **“Светильник NVLD (40 w)** | **- 150 дона.** |
| **Выкулчатер** | **- 40 дона** |
| **Разетка** | **- 120 дона** |
| **Короб кабелный** | **- 220 м** |
| **Электр сими (провод)** | **- 700 метр** |

***Институтнинг бош механика бўлимида бажарилган ишлари;***

Институтнинг 11 та ўқув бинолари, талабалар турар жойлари ва Ёш олимлар ва профессор –ўқитувчилар ётоқхоналари куз-қиш мавсумига юқори босим остида иситиш қувурлари ювилди.

Соплар норматив бўйича тамғаланди, давлат стандарти бўйича шайбалар ўрнатилди.

Институт қозонхонасига икки дона Туркия давлатида ишлаб чиқарилган “Мимсан ” номли сув иситиш қозони ўрнатилди.

Талабалар турар жойлари ва ўқув биноларига келган иситиш қувурлари қисман фалгаизол билан ўралди.

6-Оилавий ётоқхона ертўласи жойлашган иситиш қувурлари алмаштирилди.

Барча ўқув биноларида ва талабалар турар жойларида санитар ҳолати ва ювиниш хоналари доимий назорат қилинмоқда.

Институтдаги бинолар ҳамда ректорат ховлисидаги барча суғориш тизими янгитдан ўрнатилди.

Институт ховлисида жойлашган 8 дона фавворалар, насослар мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди.

***Ўқув илмий базада бажарилган ишлар;***

Хизмат ва навбатчи автомашиналарининг лимит доирасида ишлашлари учун ёқилғи мойлаш махсулотлари билан таъминлашга 2020 йилига шартнома тузилди. Траспорт воситалари йўлга чиқишдан аввал механик техник кўригидан, хайдовчилар шифокор кўригидан ўтишлари мунтазам хар иш кунида амалга оширилади.

2020 йил автогаражга келиб тушган барча талабномалар ўз вақтида бажарилди,

жумладан : институт маънавий-маърифий ташкилий ишларда автобус билан таъминланди. Кучайтирилган карантин даврида хам транспорт хизмати тўхтамай махсус стикерлар билан амалга оширилди.

Институт хисобидаги барча транспорт воситалари март ойида белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтқазилди ва ноябрь ойида суғурталанди.

Бахор ойларида автогараж худуди кўкаламзорлаштирилди, Хар-хил турдаги гуллар экилди. Лимон кўчатлари парваришланиб келинмоқда. Куз ойи охирида ерлар экиндан тозаланиб, юмшатилди. Худудда шанбаликлар доимий ўтказилиб борилади.

2020 йил ЙХХББ билан “В” тоифали хайдовчилик курси учун шартнома тузилиб, 5 та ўқув гурухи рўйхатдан ўтказилди.

Хайдовчилик курсидан 2020 йил жами 203 996 404 (*икки юз уч миллион тўққиз юз тўқсон олти минг тўрт юз тўрт* ) минг сўм кирим қилинди.

***Ўқув ишлаб чиқариш устахонасида қилинган ишлар:***

Механика, пайвандлаш ва чилангарчилик цехларида СХМИМ-ҚХМ таълим йўналиш талабалари ўқув амалиётини ўташди.

Барча ўқув биноларидаги аудиторияларига проектор ва кранштейнлар ўрнатилди. Б ўқув бино 3- қават каридори таркети алмаштирилди.

Г ўқув биносида 152 синган стуллар таъмирланди. 1-2-3-4-5-6-7-8 маруза залларидаги 38 та синган ўриндиқлари пайвандланди.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган 105 $м^3$ баннерлар ўрнатилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик давомида ўқув бинолари, ёрдамчи биноларда синган ойналар янгисига алмаштирилди ром ва эшиклар таъмирланиб чердак қисмидаги тирқишлар ёпилди. Бинолар томидаги парапедлар текширилиб жойидан кўчганлари таъмирланди.

Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси атрофидаги гуллар олиниб латоклар тозаланди арчаларга шакл берилди, ерлар юмшатилиб минерал ўғитлар солинди.

Институт ҳовлисидаги 8 та фавворалар усти плёнка билан ёпилди.

2021 йилга бағишланган баннерлар илинди.

Ўқув бинолардаги синган эшик сердечкалари янгисига алмаштирилди. Ўқув бинолардаги аудиторияларга кранштенлар ўрнатилди.

Йил давомида барча байрамларга, анжуманларга, тадбирларга бағишланган баннерлар рамкаларга солиниб keракли жойларга ўрнатилди.

***Қурилиш гурухи томонидан бажарилган ишлар:***

- **Январь** – Ректорат биносининг 2-қавтдаги хона жорий таъмирланди 62м2 таркет тўшалди.
- **Февраль** – Билдиришномага асосан “Г ва Б” ўқув блокларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.
- **Март** - Билдиришномага асосан “В ва Д” ўқув блокларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди ва иститут худудида 3 623 м бардюр оқланди 452 та дарахтлар оқланди.
- **Апрель** – Билдиришномага асосан Д ўқув биносиниг 2 қаватида 356 м2 керомагранит қайта тъмирланди.
- **Май** – Ўқув биноларининг хоналарини жорий таъмирланди.
- **Июнь** – “Д” ўқув лобаратория биносининг кириш қисмига брусчатка тўшаш ва жорий таъмирлаш бажарилди.
- **Июль** – Спорт маъжмуасини қабул комиссиясига тайёрлаш ишлари олиб борилди.
- **Августь** – Ректорат биносининг ошхонасини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.
- **Сентябр**ь – Маъданият саройини қоровул хонаси жорий тамирланди.
- **Октябрь** – Г ўқув блокинининг 4 қаватининг коридори жорий таъмирланди.
- **Ноябр**ь – Гараж хоналарини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.
- **Декабр**ь – “В” корпус хоналарини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Институт маблағлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига шаклланади. Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг тўловларидан ва турли пуллик хизмат ва ўқув курсларидан тушган маблағлар хисобига шаклланади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасида жами 42 931,00 млн. сўм маблағ талабаларнинг шартнома тўловлари бўйича режалаштирилган. Бюджет ва контракт маблағлари хисобига харажатлар сметасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ва стипендия учун 49 917,2 млн.сўм, 5 978,3 млн.сўм иш ҳақидан ажратма (ЯИТ) учун, 1 402,3 млн.сўм коммунал тўловларга ҳамда 2 642,2 млн. сўм бошқа харажатларга ажратилган. Йиллик сметада 1-2-гуруҳ (иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар,стипендия ва иш хақидан ажратма ЯИТ 25%) ҳаражатлари учун сарфланган маблағлар тўғрисидаги маълумот 1-жадвалда келтирилган. Институтда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларини тўғри шакллантириш, уларни ўз вақтида тўлиқ ундирилиши ҳамда мақсадли фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431-сон билан рўйҳатдан ўтказилган “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 28*

*августда №5-2017-сон буйруғи асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган*)га мувофиқ амалга ошириб келинган бўлиб, йил давомида тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан 39 664,2 млн. сўм институт контракт хисоб рақамига келиб тушди.

***Институт маблағлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига шаклланади.***

Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг тўловларидан ва турли пуллик хизмат ва ўқув курсларидан тушган хамда хомийлик маблағларини ўз ичига олади.

| № | Институт маблағлари | Суммаси (млн.сўмда) |
|---|---|---|
| 1 | Бюджет маблағлари | **33 471,3** |
| 2 | Бюджетдан ташқари маблағлар (контракт) | **52 653,4** |
| 3 | Ривожлантириш жамғармаси (тадбиркорлик фаолиятидан) | **2 610,9** |
| 4 | Ҳомийлик маблағлари | **5 832,0** |
| 5 | Хорижий ва маҳаллий грант маблағлари | **3 301,10** |
| | ЖАМИ: | **97 868,7** |

| Тўлов турлари | Тушумлар *(млн. сўмда)* | | 2019 йилга нисбати % да | Хизматлар таннархи 2020 йил |
|---|---|---|---|---|
| | 2020 | 2019 | | |
| Контракт тўловлари | 52 653,4 | 45 948 ,9 | 114,6 | *40 426,4* |
| Чет эл фуқароларини ўқитиш | 324,1 | 680, 4 | 47,6 | *311,2* |
| Ётоқхона тўловлари | 695,4 | 1 669,9 | 41,6 | *679,2* |
| Ижара тўлови | 85,8 | 130,4 | 67 | *25,6* |
| Коммунал тўловлар | 117,9 | 348,7 | 33,6 | *117,9* |
| Депозит фоизлари | 1 272,5 | 1 214 ,3 | 110 | *0* |
| Хўжалик шартномалари | 684,4 | 483,9 | 144,5 | *591,7* |
| Пуллик курслар* (инглиз тили, дастурлаш, компьютер,.) | 5,7 | 11,9 | 47,9 | *3,5* |
| Хайдовчилик курси | 203,9 | 290,7 | 70,1 | *167,8* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| "Ирригация ва мелиорация" журналига обуна | 124,5 | 194, 9 | 63,9 | *119,3* |
| Бошқа тушумлар | 47,1 | 515, 8 | 9,1 | *0* |
| **Жами: (1+11)** | **56 214,7** | **51 490,1** | **109,2** | **42 442,6** |

Институт маблағларининг харажатлар сметасида харажат турлари бўйича тақсимоти қуйидаги жадвалда келтирилган.

| Харажат тури | Суммаси, млн сўм | Умумий миқдорга нисбатан % да |
|---|---|---|
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (иш ҳақидан ажратма (ягона ижтимоий тўлов)) | 48 912,6 | 66,5 |
| Стипендия | 14 826,5 | 20,3 |
| Коммунал тўловлар | 3 370,5 | 4,6 |
| Сақлаб туриш харажатлари (таъмирлаш, ТМЗ хариди) | 4 438,2 | 6,0 |
| Асосий воситалар хариди | 1 042,9 | 1,4 |
| Маънавий ишлар (тадбирлар, театр ва томоша билетлари ва ҳ.к) | 768,2 | 1,0 |
| АРМ фонди (китоб ва обуна) | 167,2 | 0,2 |
| **Жами:** | **73 526,1** | **100** |

**Институт харажатлар сметасининг 1-гурух харажатлари қисми бўйича маблағларнинг сарфланиши тўғрисида маълумот.** ***минг сўмда***

| Харажат тури | Сарфланган маблағ | | 2019 йилга нисбатан % да |
|---|---|---|---|
| | 2020 й. | 2019 й. | |
| Мукофот пуллари: талабаларга | 132,6 | 100,5 | 132,0 |
| Профессор-ўкитувчи ва ходимларга | 1 154,3 | 2 452, 7 | 47,0 |
| Моддий ёрдам пуллари: талабаларга | 36,3 | 99, 3 | 36,5 |
| Профессор-ўкитувчи ва ходимларга | 227,6 | 85,2 | 267,0 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчи ва ходимларга қўшимча тўлов (устама) | 4 513,8 | 0 | - |

**Институтнинг ўз (контракт ва Ривожлантириш Жамғармаси) маблағлари ҳисобидан:**

420,5 млн. сўмлик ахборот коммуникация воситалари, жумладан
267,5 млн.сўмлик 40 та компьютер жамланмаси
51,0 млн.сўмлик 1 та сервер қурилмаси
83,0 млн. сўмлик 21 та принтерлар ва 19,0 млн сўмлик АТ қурилмалари
харид қилинди.

АРМ институт маблағлари ҳисобидан 167,2 млн сўмлик ўқув ва бадиий китоблар билан бойитилди ҳамда электрон адабиётлар билан тўлдирилди.

Институт моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида соҳага тегишли ва манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро келишувлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳамкорлик ва ҳомийлик асосида “ТУРОН БАНК” АТБ институтда махсус аудитория, “ARTEL” “XALQ BANKI” “HUAWEI”компаниялари томонидан техника воситалари намуналари келтирилиб, махсус ўқув амалиёт аудиториялари ташкил этилди

| № | Хомийлик тури | 2017 млн.сўм | 2018 млн.сўм | 2019 млн.сўм | 2020 млн.сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ҳомийлик маблағлари | 1703,6 | 2806,5 | 4535,0 | 5 832,0 |
| 2 | Чин етим ва оилавий шароити оғир талабаларга ҳомий ташкилотлар томонидан контракт маблағлари тўлови | 167,9 | 239,4 | 246,7 | 273,6 |
| | **ЖАМИ:** | **1 871,5** | **3 045,9** | **4 781,7** | **6 105,6** |

**Бундан ташқари институт маблағлари томонидан ректор номига тушган билдиришномалар асосида 2021 йил ҳаражатлар сметасида институт моддий техник базасини яхшилаш бўйича қуйидаги маблағлар режалаштирилди.**

| № | Харажат тури | Сумма млн.сўмда |
|---|---|---|
| 1 | Лаборатория ускуна ва жихозлари хариди | 581,3 |
| 2 | Проектор ва принтерлар хариди | 76,0 |

| | | |
|---|---|---|
| 3 | Дарслик ва адабиётлар чоп этиш | 46,3 |
| 4 | Компьютер техникаси хариди ва таъмирлаш харажатлари | 170,0 |
| 5 | АРМ фонди ва обуна (хорижий ва махаллий нашрлар, бадиий адабиётлар) | 79,6 |
| 6 | Хўжалик ва канцелярия моллари, қоғоз | 34,0 |
| 7 | Г ва В бино лифтини янгисига алмаштириш | 436, 2 |
| **ЖАМИ** | | **1 423,4** |

## 7. 7. Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси

### *7.1. Илмий тадқиқот институлари ва корхоналар билан хамкорлик соҳалари.*

Институт ЎзР ФАнинг илмий тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари билан Хамкорлик дастурларини тузиб фаолият юритилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан 150 дан ортиқ, илмий текшириш ва лойиха институтлари билан 50 дан ортиқ ташкилотлар қамраб олинган.

“Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш” кафедраси билан “Чирчиқ – Охангарон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси”, Бўзсув ирригация тизими бошқармаси, «Ecodrip» МЧЖ, «Pipitexnologiya» МЧЖ, ФА Ядро ва физика институти ўртасида инновацион ҳамкорлик шартномалари тузилган. Мазкур шартномалар асосида кафедрада ўқитиладиган “Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш” ва “Гидромелиоратив тизимларни модернизациялаш” фанлари бўйича “Суғориш тармоқларида инновацион суғориш технологияларини ўрганиш”га бағишланган мавзуларда малака ошириш курсларида проф.Б.Серикбаев, т.ф.д., проф.А.Шеровлар томонидан маърузалар ўтказилди. Кафедрада 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб “Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш”, “Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини башорати” фанларидан ва Республикамизнинг барча ИТБ (Ирригация тизим бошқармаларида) сувдан фойдаланиш режасини тузиш (Б.Аманов) бўйича амалий дарс ва семенарларни кўчма тарзда ишлаб чиқариш корхоналарида уларнинг мутахассис ва ходимлари иштирокида ўтказилиб келинмоқда.

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари билан ҳамкорликда: ишлаб чиқариш ва малакавий битирув олди амалиётларни ўтказишда (40 нафар талабанинг амалиёти ташкил этилди) ҳамда Магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилишда, Давлат аттестация ҳимояси муҳокамаларини (Қўмита вакили ДАҲ

раиси сифатида жалб этилди) ўтказишда ҳамкорлик қилинди. Жумладан Экология йуналишида фанлар бўйича АНИДИ қошидаги кафедра филиалида 24 соат кўчма дарслар ташкил этилди. Қўмита вакилларининг 2 та маърузаси ташкил этилди.

"Гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва технологияси" кафедраси Фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан билан интеграциясини таьминлаш мақсадида Институт ректорининг 2020 йил 5-июн 371/т буйруғига асосан "Гидротехника қурилиши" ва "Гидромелиорация" факультетларининг 44 нафар талабалари ҳудудлардаги Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида, ва "ЎЗСУВЛОЙИҲА"АЖда амалиётларги юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 13.03.2020 й. ПФ-5963 Ўзбекистон Республикасининг Қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидафармони ижросини таъминлаш мақсадида кафедра доценти А.Муратов раҳбарлигида Ўз Рес Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликда "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари"ни янгилаш бўйича тренинглар ўтказилди.

"Иқтисодиёт" кафедрасида 4 та ташкилот, жумладан Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадиқоқот институти, Бўз-сув ирригация тизими бошқармаси,"Узсувлойиҳа" АЖ, Чирчиқ Охангарон ИТХБ билан инновацион ҳамкорлик борасида шартномалар мавжуд. Унга кўра 4 инновацион гуруҳлар мавжуд бўлиб, унда 12 нафар профессор-ўқитувчилар, 22 нафар корхона вакиллари, 3 нафар катта илмий ходим изланувчилар, 2 нафар магистрантлар ва 9 нафар иқтидорли талабалар фаолият олиб боришади. Корхоналарнинг илмий технологик муаммолари бўйича 6 та курс иши, 3 та магистрлик диссертациялари ва 1 та докторлик диссертациялари асосида илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, факультет талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун "Иқтисодиёт" кафедрасида 4 та 2020 йил 20 апрель куни соат 10:00 да ZOOM платформасида онлайн "Иқтисодиёт" (сув хўжалигида) йўналиши 3- ва 4-курслар битирувчи курс талабаларига Тошкент давлат аграр университети қошидаги қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори, иқтисодиёт фанлари номзоди Б.Ф.Султонов "Мелиоратив тадбирлар ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусида муаммоли маъруза ўқиди. Шунингдек онлайн маърузалар 2020 йил 5 май куни соат 10:00 да "Иқтисодиёт" (сув хўжалигида) йўналиши 3- ва 4-курслар битирувчи курс талабаларига иқтисодиёт фанлари номзоди Б.Ф.Султонов "Сув хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлиги" мавзусида муаммоли маъруза ўқиди.

"Қишлоқ хўжалик машиналари" кафедраси ҳамда "Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани "Айритом қадим тепалиги" фермер хўжалиги билан 27/2020 сонли 5000000 (беш) млн сўмлик шартнома тузилган. Мазкур хўжалик шартномада кафедрадан 4 та профессор-ўқитувчи, 3 та магистрант ва 3 та талаба иштирок этмоқда. Ушбу иш натижасида "Балиқчиликда озуқа тайёрлаш учун майдалаш қурилмасининг схемасини ишлаб чиқиш" лойиҳаси бажарилди.

“Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари” кафедрасида фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Шу жумладан кафедра талабаларни 5+1 (беш кун институтда ва бир кун ишлаб чиқаришда ) тизими асосида 4-курс талабалари ҳамда 1-ва 2-курс магистрантлари профессор-ўқитувчилар ҳамроҳлигида ишлаб чиқариш корхоналари (Ўзбекгидроэнерго, ЎзФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ, “Uzkabel” қўшма корхонаси, В.Л.Галперина номидаги Тошкент труба заводи, “ProCab” қўшма корхонаси, “Ўзбекэнерго” АЖ Илмий-тадқиқот маркази, Қуёш энергияси халқаро институти, “Ўзбекэнерго”АЖ 4-сонли монтаж бошқармаси)да амалиёт дарсларини олиб боришди.

«Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш» кафедрасининг ВМ Карорларига мувофик ЎзР ФА лабораториялари, илмий марказлардан етакчи мутахассисларни жалб этиш бўйича хозирги кунда ТАТУ хузуридаги АКТИИМ нинг «Интеллектуал бошқариш тизимлари» (проф.Исмаилов М.А., доц.Кабильджанов А.С.) ва «Амалий ахборот тизимлари ва ахборот хавфсизлиги» лабораториялари (доц.Арифжанов А.Ш.), ТИҚХММИ қошидаги ИСМИТИ “Сув хўжалигида замонавий ахборот технологиялари ва сув ресурсларини бошқариш” лабораторияси (проф.Рахимов Ш.Х.), ТДТУнинг “Интеллектуал ахборот тизимлари” акад.Игамбердиев Х.З. ва “Ишлаб чикариш жараёнларини автоматлаштириш”(проф.Юсупбеков А.Н.) , “Мехатроника ва робототехника” (доц.Абдуллаев М.) кафедралари билан кафедранинг ўқув, илмий-услубий соҳаларда хамкорлиги мавжуд.

“Тупроқшунослик ва деҳқончилик” кафедраси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнология илмий тадқиқот институти, Тупроқ таркиби ва рефозиторияси, сифати таҳлил маркази ва Ботаника боғи билан корпоратив ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйилган. Институт талабалари юқорида номлари келтирилган ташкилотларда амалий машғулотлар, лаборатория ишлари ва ўқув амалиётлари ўтказилиши режалаштирилган. (Пандемия сабабли амалиёт ва лаборатория машғулотлари онлайн шаклда МООДУЛ тизимида видео роликлар кўринишида олиб борилди).

“Хаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси 5640200-“Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” йўналиши 3,4 босқич талабалари “Ишлаб чиқариш” “Фуқаро муҳофазаси асослари” бўйича амалиётларини “Агрегат заводи” АЖ да олиб бордилар.

## 7. Чет эллик талабаларни ўқитиш

| т/р | Ф.И.Ш | Давлати | Таълим йўналиши шифри ва номи | Магистратура мутахассислиги ва докторантура ихтисослиги шифри ва номи | Асос (буйруқ, қарор, шартнома ва бошқалар)* |
|---|---|---|---|---|---|

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Шамшахунов Мухаммад-Али Умарович | Қирғизистон | "Сув хўжалиги ва мелиорация" | | Институт ректорининг 2020 йил 03 сентябрдаги 539/Т сонли фармойиш |
| 2 | Рахматов Бахром Собиржонович | Тожикистон | 5410700-Ер кадастри ва ердан фойдаланиш | | Институт ректорнинг 2021 йил 9 июлдаги 760/t-сонли буйруғи |
| 3 | Туйчибоев Давронбек Алишерович | Тожикистон | 5410700-Ер кадастри ва ердан фойдаланиш | | Институт ректорнинг 2021 йил 14 августдаги 818/t-сонли буйруғи |
| 4 | Байзаков Манучехр Маматалиевич | Тожикистон | 5410700-Ер кадастри ва ердан фойдаланиш | | Институт ректорнинг 2021 йил 10 августдаги 805/t-сонли буйруғи |
| 5 | Маматқулов Мансурбек Гайбуллаевич | Тожикистон | 5410700-Ер кадастри ва ердан фойдаланиш | | |
| 7 | Гуо Пенгсианг | Хитой Халқ Республикаси | | Гидромелиорация факултети,"Атроф-муҳит муҳофазаси" магистратура мутахассислигига | Институт ректорнинг 2020 йил 28 сентябрдаги 627-м-сонли буйруғи |
| 8 | Кадырбек Султакеев | Қирғизистон | | Иқтисодиёт кафедраси 08.00.04-"Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" | Институт ректорнинг 2018 йил 27 декабрдаги 1616-Т-сонли буйруғи |
| 9 | Ханнес Кнор | Германия | | Иқтисодиёт кафедраси 08.00.04-"Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" | Институт ректорнинг 2018 йил 27 декабрдаги 1616-Т-сонли буйруғи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 10 | Сурай Чариева | Туркманистон | | Иқтисодиёт кафедраси 08.00.04-"Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" | Институт ректорнинг 2018 йил 27 декабрдаги 1616-Т-сонли буйруғи |
| 11 | Майра Даниэла | Колумбия | | Иқтисодиёт кафедраси 08.00.04-"Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" | Институт ректорнинг 2018 йил 27 декабрдаги 1616-Т-сонли буйруғи |
| 12 | Абдул Латиф Гаюр | Афғонистон | Гидротехник қурилиши бўйича докторант (мустақил тадқиқотчи) | | Институт ректорининг 1728/ т 27.12.2019 |
| 13 | Махфуз Ахмади | Афғонистон | Гидротехник қурилиши бўйича докторант (мустақил тадқиқотчи) | | |
| 14 | Асанов Асетбек Асилбек угли | Қозоғистон | 541070-Ер кадастри ва ердан фойдаланиш | | Институт ректорнинг 2021 йил 17 июлдаги 766/t-сонли буйруғи |
| 15 | Сана Ильяс | Покистон | Рус тили | | Институт ректорининг 45 М/О 29.12.2020 |
| 16 | Zu, Zihan | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 10 июндаги 28-м/о-сонли буйруғи |
| 17 | Guo, Pengxiang | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 12 августдаги 33-м/о-сонли буйруғи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 18 | Yi, Hang | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 5 апрелдаги 13-м/о-сонли буйруғи |
| 19 | Li, Jiake | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 19 мартдаги 7-м/о-сонли буйруғи |
| 20 | Chang Tu | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 12 августдаги 33-м/о-сонли буйруғи |
| 21 | Wang Fan | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 5 августдаги 31-м/о-сонли буйруғи |
| 22 | Li Xuan | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 25 майдаги 25-м/о-сонли буйруғи |
| 23 | Jing, Jiangbo | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 10 июндаги 28-м/о-сонли буйруғи |
| 24 | Shi, Yibin | Хитой | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 25 майдаги 25-м/о-сонли буйруғи |
| 25 | Bao, Lichen | Хитой | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 25 майдаги 25-м/о-сонли буйруғи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 26 | Kim Taeho | Корея | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 12 августдаги 33-м/о-сонли буйруғи |
| 27 | Song Kyoung Mee | Корея | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 28 | Kim Hyangmi | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 29 | Kim Daehyun | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 30 | Kim Jungho | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 31 | Hwang Inwoo | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 32 | Choi Nakhyeon | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 33 | Park Yejin | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 34 | Lee vDaeun | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 35 | Song Hyewon | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 36 | Han Joongmin | Корея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 37 | Kim Yeonjoo | орея | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 13 сентябрдаги 36-м/о-сонли буйруғи |
| 38 | Hall Holly Rachel | США | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2020 йил 20 ноябрдаги 37-м/о-сонли буйруғи |
| 39 | Hall Carter Moore | США | ўзбек тили | | Институт ректорнинг 2020 йил 20 ноябрдаги 37-м/о-сонли буйруғи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 40 | Mutaman Babiker Ibrahim Ahmed | Судан | Рус тили | | Институт ректорнинг 2021 йил 5 августдаги 31-м/о-сонли буйруғи |

### *7.5. Маркетинг фаолияти.*

Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлимининг асосий вазифаси таълим соҳасида-институтда тайёрланаётган кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, буюртмачилар билан алоқаларни ривожлантириш ва 1, 2, 3, 4 курс бакалавр ҳамда магистратура босқичларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар билан йиллик шартномалар тузиш ва уларнинг бажаришларини назорат қилишдан ҳамда тайёрланаётган ёш кадрларни иш билан таъминлаш мақсадида Вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар ва уларнинг вилоятлардаги бошқармалари, корхоналари, ташкилотлари билан боғланган ҳолда ёш мутахассисларга бўлган эхтиёж тўғрисидаги маълумотлар тўплашдан иборатдир.

2020/2021 йилда тақдим этилган меъёрий ҳужжатларга асосан Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими томонидан доимий равишда юқорида келтирилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича юқори ташкилотларга ўз вақтида маълумотлар бериб борилди.

ОЎМТВ ва ташкилотлар томонидан сўралган маълумотлар ўз вақтида бериб турилди.

2020/2021 ўқув йилига талабалар томонидан тўлов-контракт тўлашлари учун тўлов-контракт бланкаларини тайёрлаш расмийлаштириш шунинг билан биргаликда 1-курслар учун 15 сентябрь 2- ва ундан юқори курслар учун 1-октябрь ойига қадар тўловларни бажариш учун қабул комиссияси, факультет деканлари, декан муовинлари гуруҳ мураббийлари билан биргаликда тўловни тезлаштирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

“Ўрмонлойиҳа” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 11январдаги №4 сонли хатига биноан 2021/2022 ўқув йили квотасига “Ер кадастри ва ердан фойдаланиш” бакалвриатура таълим йўналишидан вазирлик тасарруфига 6 ўрин ажратишни сўраб мурожат қилишди. Мурожаат инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 12.01.2020 йилдаги № 02-17-9496 сонли ҳатига биноан институтда баклавриат ва магистратурада ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр йўналишида аъло баҳоларда таҳсил олаётган

битирувчи курсидан ва жорий йилда аъло баҳоларда тамомлаган талабалар рўйҳатини иловага мувофиқ электрон ва қоғоз кўринишида тақдим қилинди.

Артел компаниясининг 2021 йил 12 январдаги №67-сонли хатига биноан “Материалшунослик ва янги материаллар технологияси” ҳамда “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” йўналишлари бўйича эҳтиёж борлигини кейинги ўқув йилида қабул шакллантириш инобатга олинди.

“Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖнинг 2021 йил 13 январдаги №17-сонли хати инобатга олинди.

“Узагорсервис” АЖнинг 2021 йил 13 январдаги 09-03/112-60-сонли хати инобатга олинди.

“Сирдарё сув қурилиш инвест” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 18 январдаги №31-01/10-39-сонли хати маълумот учун қабул қилинди.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 19.01.2021 йилдаги № 87-03-304 сонли ҳатига биноан “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятининг 9.01.2021 йил 03-01/102-45-сонли хатини ижроси ***Excel*** шаклида kadr@uzagroservis.uz электрон почта манзилига юборилди.

Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2021 йил 20 январдаги №82/01-07-61-сонли хатига биноан битирувчиларни ишга таклиф этади. Битирувчиларга маълумотлар етказилди.

“Картография ” илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасининг 2021 йил 21 январдаги №06-13-44-сонли хатига мувофиқ Институтнинг 2021 йил 12 январдаги 01/10-09-13-37-сонли муражаатига асосан маълумотлар илова шаклида қабул қилинди.

Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасининг 2021 йил 21 январдаги 01/1-16-сонли хати ижро учун қабул қилинди бўш иш ўринлари битирувчиларга маълумот сифатида тақдим этилди..

“Uz CLAAS Agro” МЧЖ 2021 йил 25 январдаги №09/134-сонли хати маълумот учун олинди.

Давлат кадастрлар палатаси Тошкент вилояти бошқармасининг 2021 йил 25 январдаги №652-сонли хатига мувофиқ ёш кадрларга бўлган эхтиёжи инобатга олинди.

Марказий аэрогеодезия корхонасининг 2021 йил 26 январдаги №01-05-47-сонли хати маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги №0408-303 сонли хати инобатга олинди.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 26.01.2021 йилдаги № 87-03-461сонли ҳатига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги “Республика олий таълим муассасаларига қабул параметрларини

шакллантириш механизмини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПК-2360-сонли қарорининг 6-банди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2019/2020 ўқув йилида олий таълим муассасасини тамомлаган битирувчиларнинг жорий йилнинг **25 январь** холати бўйича ишга жойлашиш (бандлик) мониторинги натижаларини иловадаги 1-, 2-, 3-, 4-, 5- 6, ва 7- жадвалларга мувофиқ 2021 йилнинг **5 февраль соат $18^{00}$ га** қадар электрон вариантда (фақат Microsoft Exce1да) ва маълумотларнинг тасдиқланган варианти (сканер-нусхаси *pdf форматида) **o.davronov@edu.uz** манзилига юборилди.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.01.2021 йилдаги № 87-03-581 сонли хатига биноан вазирлик ва идоралар билан институт битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиш орқали уларни олис ҳудудларга бориб ишлашини рағбатлантирилишини тушунтириш ва жалб қилиш учун зарур шароитлар яратиш бўйича вазифаларни ҳамкорликда бажарилишини таъминланди.

Мазкур топшириқлар ижроси бўйича маълумотларни ҳар ойнинг 2-санасига қадар топширилиб борилди.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.01.2021 йилдаги № 87-03-582 сонли ҳатига биноан Ўзбекистон “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида” 31.12.2020 йилдаги ПҚ 4939-сон ижросини амалга ошириш графигини 12.а бандида белгиланган вазифалар маълумот учун олинди ва ижроси таъминланди.

“Гидроингео институти” ДМнинг 2021 йил 5 февралдаги №01/90-сонли хати инобатга олинди.

Мазкур топшириқ бўйича таклифлар ёзиб чиқилди ва 2021йил 15 февралга қадар электрон WORD ва тасдиқланган PDF шаклида эл.почта: i.nematov@edu.uz манзилига тақдим этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг2021 йил 16 февралдаги №87-04-452-сонли хатига мувофиқ “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш бўйича 2021-2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар Дастури”нинг 10-бандида келтирилган илмий ва олий таълим ташкилотларининг маркетинг хизмати фаолиятини ва кадрлар масаласини танқидий кўриб чиқиш, қайта ташкил этиш топшириғи ижроси юзасидан таклифларни 2021 йил 19 февраль кунига қадар тақдим этилди.

Ўзбекгидрогеология давлат унитар корхонасининг 2021 йил 2 мартдаги №02/316 сонли хатига биноан ёш кадрларга бўлган эхтиёжи инобатга олинди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги №06/022-1046-сонли мурожаат хати нобатга олинди.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 16.03.2021 йилдаги № 87-01-254 сонли ҳатига биноан Ўзбекистон Республикасининг профессионал таълим муассаларига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 11 ноябрдаги 715-сон қарорига асосан. 2021/2022 ўқув йили учун техникумларга қабул параметрлари бўйича 27.03.2021 йил №12/12-09-13-651 сонли хат таклифлари иловага мовофик юборилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2.03.2020 йил ПФ 5953-сонли фармонига асосан 27.10.2020 йил 655-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш даражаси аниқлаш ва назорат олиб бориш таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 3 мартдаги РН43218261 сонли хатига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузиридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ёшларни давлат хизматига муносабати ва қизиқишини аниқлаш ҳамда давлат хизмати жозибадорлигига салбий таъсир этадиган ҳолатларни ўрганиш мақсадида иловадаги жадвал асосида ижроси таъминланди.

УзГИП МЧЖнинг 2021 йил 23 мартдаги №027-180-сонли хатига мувофиқ ишга таклифи битирувчиларга етказилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўматасининг 2021 йил 25 мартдаги №04-02/3-1196-сонли хати инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Шу муносабат билан 2020/2021 ўқув йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти битирувчилари рўйҳатини вилоятлар кесимида тақдим қилмоқдамиз. Уларни соҳалар бўйича ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришда амалий ёрдам бериш юзасидан 20дан ортиқ вазирлик, 14 та ҳокимлик, 6 та қўмиталарга институт ректорининг 2021 йил 25 март куни мурожжат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан хорижда ишлаш истагида бўлган юртдошларимизни чет элда хавфсиз ва қонуний бандлигини таъминлаш мақсадида Германия ва Канада давлатлари иш берувчилари билан музокаралар ўтказилаётганлиги муносабати билан иш берувчиларга номзодлар рўйхати тақдим этилди.

Aqua Consult МЧЖнинг 2021 йил 5 апрелдаги №3 сонли хати маълумот учун қабул қилинди.

DEBYUT МЧЖнинг 2021 йил 5 апрелдаги №54 сонли хати ижро учун қабул қилинди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 05-05/836 сонли хатига биноан Самарқанд вилояти хокимлиги 2020-2021 йил 72 нафар Самарқан вилояти битирувчиларидан аъло баҳоларга тугатаётган, камида битта хорижий тилни пухта ўзлаштирган, бошқарув қобилияти эга бўлган талабалар рўйхати алоҳида тақдим этилди.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 07 апрелдаги №05/15-983-сонли хати инобатга олинди.

2021 йил 9 апрель куни Ер ресурсларини бошқариш факультети томонидан Республика Аэрогеодезия маркази, Картография ИИЧК, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўздаверлойиҳа" ДИЛИ, Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлари палатаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг масъул ходимлар келиб семинарда қатнашди

ГИМ фаъкультетининг битирувчиси Ахмурзаева Зухра Рустамовнани Виртуал қабулхонасига келиб тушган 619/21-сонли мурожаати юзасидан, амалий ёрдам берилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 13 апрелдаги №02-02/876-сонли хати маълумот учун қабул қилинади.

2021 йил 15 апрель куни Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультети томонидан ташкил этилган семинарда "Alfa life" сугурта компанияси, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти, Президент админситацияси ҳузуридаги иқтисодиё тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, Туронбанк, Агробанк, ДАвлат Солиқ Қўмитаси масъул ходимлари қатнашди.

2021 йил 16 апрель куни Гидротехника қурилиши факультети томонидан ҳакорликда ўтказилган семинарда УзГИП МЧЖ, Гидропроект МЧЖ, Давсувназорат давлат инспекцияси, Чирчиқ-Оҳангарон ИТХБ, Ўзбекгидрожнерго АЖ, To`palang HPD holding, Гидмахсусқурилиш АЖ, Чирчиқ ГЭСлар каскади, Сув хўжалиг вазирлиги "Насос станциялари ва энергетика" бошқармаси, Тошкент архитектура қурилиш институти, Arch Build МЧЖ масъул ходимлари қатнашди.

"Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖнинг 21апрелдаги №270/9-963 сонли хати ижро учун қабул қилинди.

2021 йил 22 апрель куни Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти факультети билан ҳамкорликда ЎзСтандарт агентлиги, Ўзбекстон миллий метрология институти, Engineering Lab МЧЖ, Муқобил ёқилғи ва энергия

корхоналари ассоцияцияси, Тошкент қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқариш корхонаси, Ўзэнергинжениринг АЖ, Ўзбекэнерго илмий техника маркази МЧЖ, Стандарт электротехника корхонаси, БМКВ-Агромаш АЖ, Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент шаҳар сув таъминоти АЖ, Ўзбекгидроэнерго ОАЖ, УзГИП МЧЖ, Ирригация ва сув муаммолари идлмий-тадқиқот институти, Миллий электр тармоқлари АЖ, ЎзР ФА Физика-Қуёш ИИЧБ, ЎзР ФА Энергетика муаммолари, ЎзР ФА Қуёш энергиячи халқаро институти, Узкабел қўшма корхонаси томонидан масъул ходимлар семинарда қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 23 апрелдаги №11/539х сонли хати маълумот учун қабул қилинади.

2021 йил 23 апрел куни бўлиб ўтган семинар Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультети ҳакорлигида Ўзагросервия АЖ, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникалар заводи АЖ, Узкейссервис қўшма корхонаси, Ўзагролизинг компанияси, БМКБ-Агромаш АЖ, ТСТ АгроКаластер-Қуйичирчиқ тумани, Вилоят Агросервис АЖ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инпекцияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва техгологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институтини маъсул ходимлари қатнашди.

2021 йил 29 апрель куни Соҳага оид иш берувчи ташкилотлардан етакчи мутахассисларни ҳамда соҳа вакилларини жалб қилган ҳолда баклавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари муҳокамасига қаратилган семинарларни ташкил этилди ва график асосида Гидромелиоратив ишларни механизациялаш факультети Амкадорагротехмаш МЧЖ, Сувмаш АЖ, узсувқурилиш АЖ, Фуқаро муҳофазаси институти, Тошкент трактор заводи, Агрегат заводи АЖ томонидан ҳамкорликда семинар ташкил этилди.

Кадастр агентлиги давлат кадастрлари палатасининг Тошкент шаҳар бошқармасининг 2021 йил 30 апрелдаги №07-107-сонли хати маълумот учун қабул қилинди.

2021 йил 30 апрель куни Гидромелиорация факультети билан ҳамкорликда Бўз-сув ИТХБ, УзГИП МЧЖ, Ekodrip МЧЖ, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технолгяилари ИТИ, ИСМИТИ, Ўзсувлойиҳа АЖ, УЗИДРОМЕТ маркази, Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси, ГИДРОИНГЕО ИСТИТУТИ ДМ, Гидропроект МЖ, Ахборот ресурсимаркази

бошқармаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти билан семинар ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Аппарати кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши 11-сон баёнини ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2021йил 1 майдаги № 222 а/ф буйруғи чиқарилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 майдаги №1/22-01/05-сонли хатига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5.10.2020 йил ПФ-6079-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилган Олий таълим муассасаларида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахбарот тизими (HEMIS)” нинг модулларидан фойдаланиш бўйича семинар-тренинг ташкил этилди, жорий йилнинг 3 май куни соат 14.00 да бўлиб ўтган семинар-тренингда бўлим ходимлар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2021 йил 10 майдаги №01-01/07-1828-сонли хатига биноан институтнинг иқтидорли кадрларидан заҳира яратиш ва келажакда иш билан таъминлаш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси (сув хўжалигида) таълим йўналиши битирувчилари рўйхати тақдим этилди.

“Ўзсувқурилиш”АЖнинг 2021 йил 11 майдаги №01/06-71-сонли хатига биноан “Карьера куни” тадбирида қатнашишларини маълум қилишди.

“Қуёш энергияси халқаро институти” МЧЖнинг 2021 йил 12 майдаги №01/92-сонли хати маълумот учун қабул қилинди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигнинг 2021 йил 15 майдаги №01/00-03/19-5942-сонли хатига биноан “Карьера куни”да қатнашишларини маълум қилишди.

Гидрометеорология хизмати марказининг 2021 йил 18 майдаги №01-15/556-сонли хати маълумот учун олинди.

Ўзбекгидроэнерго АЖнинг 2021йил 19 майдаги №02-07/1709-сонли хатига мувофиқ бўш лавозимлар ҳақида маълумотлар қабул қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Аппарати кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши 11-сон баёнини ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2021йил 1 майдаги № 222 а/ф –сонли 2020-2021 ўқув йилида битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштириш буйруғи чиқарилди.

Буйруқ асосида “Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими” томонидан 2021 йил 21 май куни 2020/2021 *ўқув йилида бакалавриат ва магистратура битирувчилари ҳамда иш берувчилар ўртасида ёш иқтидорли мутахассис кадрларни муносиб иш билан таъминлаш асосида ўз соҳасини барқарор ривожини таъминлаш бўйича ўзаро манфаатли учрашув ўтказилди.*

Ҳозирги кунда институтда жами **7** та факультет мавжуд бўлиб, бакалавриат босқичида **25 та** таълим йўналишида ва *магистратура бўлимида*

**30 та** мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланди. Институтни 2020/2021 ўқув йилида 2087 нафар талабалар тамомлади. **1901** нафар **бакалавриат таълим йўналиши бўйича** жумладан **423 нафари** давлат гранти асосида**, 161 нафар магистратура мутахассислигида 107 нафар давлат гранти асосида ва 25 нафар сиртқи таълим бўйича** *битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида онлайн-видеомулоқот ўтказилди.*

Видеомулоқотни институт биринчи проректори проф. Б.С.Мирзаев очиб берди. Видеомулоқотда сўзга чиққанлар Сув хўжалиги вазири ўринбосари Р.Қаршиев ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи Х.Лапасов ва Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги ташкилотлар, "Ўзгидроэнерго" АЖ кадрлар бўлими бошлиғи М.Махмудов "Ўзгидроэнерго" АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, Қорақолпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, Тошкент сув омборлари кадрлар бўлими бошлиғи М.Акмалова, Тошкент шаҳар сув таъминоти етакчи мутахассиси А.Темиров, “SUVSANOATMASH” акциядорлик жамияти кадрлар бўлими инспектори Қ.Тўраева, Картография ДИЧК кадрлар бўлими бошлиғи Н.Низомов, Ободонлаштириш бош бошқармаси етакчи мутахассиси О.Низомов, Ўз.Рес.Давлат Геология ва менерал ресурслар бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи Н.Балхибаев, Гидромахсус қурилиш АЖ умумий бўлими бошлиғи С.Соттиқулов, Ўзсувқурилиш Бош инспектори Н.Рахимжоновалар томонидан таклиф этилаётган иш ўринлари бўйича маълумотлар берилди.




Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази директори ўринбосари А.Ашуров томонидан ish.mehnat.uz ва vacancy.argos.uz порталларидан фойдаланиб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг миллий вакансиялар базасидан фойдаланиб бўш вакант ўринларни топиш, бу вакант ўринларга қандай қилиб онлайин мурожат қилиш ва резюме жойлаштиришни институт битирувчиларига “Мастер класс” ўтказиб берди.




2020/2021 йилда битирувчиларнинг давлат имтихонларига тайёргарлиги ва битирув малакавий ишлари ҳимояси учун карантин даврида институт томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб ўтилди.




Битирувчилар билан ташкил этилган онлайн-видеомулоқот 2 соатдан ошиқ давом этди. Мулоқот давомида битирувчилар ўзларини қизиқтирган саволлари билан ёзма ва оғзаки усулда мурожаат қилишди ва берилган саволларига иш берувчи ташкилотлар томонидан тўлиқ жавоб ва маълумотлар олишди.

“Сирвилерлойиҳа” Сирдарё вилояти бўлинмасининг 25 майдаги №175-сонли хати ижро учун қабул қилинди. Маълумотлар битирувчиларга тақдим этилди.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг 2021 йил 26 майдаги №18/1-538–сонли хатига мувофиқ 2021 йил Президентимиз томонидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан битирувчи талабаларнинг республикамизнинг корхона ва ташкилотларида муваффақиятли ишга

жойлашишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 27 май куни “Job Fest 2021”, яъни бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирок этилди.

“НАВВИЛЕРЛОЙИҲА” Навоий вилояти бўлинмасининг 2021 йил 07 июнь №04-281-сонли хатига биноан интитутни 2020/2021 ўқув йили ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети битрувчиларидан бўлинманинг ёш кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, “Наввилерлойиҳа” бўлинмасида ихтиёрий ишлаш учун мутахассисларга маълумот учун тақдим этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг2021 йил 2 июндаги №3/10-2/17-32 -сонли хатига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2021 йил 28 майдаги 07/50-74-сон топшириғи ижро учун қабул қилинди.

Топшириқ ижроси юзасидан пухта кўриш ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиш инобатга олинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 майдаги №04/15-4/1-1089-сонли хатига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 21 майдаги 01-392-сонли хатига асосан миллий олий таълим муасссасалари битирувчиларининг сифатига ва уларнинг иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқасига баҳо бериш мақсадида 2021 йил 1 июндан 1 июлгача бўлган муддатда ўтказиладиган ижтимоий сўровномада ташкилотлар иштироки таъминланди. Сўровномада интернет тармоғида иштирок этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 июндаги №04/10-14-сонли хатига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги “Республика олий таълим муассасаларига қабул параметрларини шакллантириш механизмини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПК-2360-сонли қарорининг 6-банди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида битирувчиларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича ишга тақсимланиши (тавсия этилиши) ҳақидаги маълумотларни иловадаги 1-, 2-, 3-, 4-, 5- 6, ва 7- жадвалларга мувофиқ **2021 йилнинг 20 июнига қадар** (фақат Microsoft Exce1да) маълумотларнинг тасдиқланган варианти (сканер-нусхаси *pdf форматида) o.davronov@edu.uz манзилига юборилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги №04/10-15-сонли хатига биноан тўлов-контракт бўйича таълим олган битирувчилар ўз ихтиёри билан тақсимот комиссиясида иштирок этиши ва унинг розилиги асосида комиссия фқарори билан таклиф этилаётган иш жойларига ишга юборилиши мумкинлиги эътиборга олинди.

2021 йил 1 июль “Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг” бўлими номи “Маркетинг ва талабалар амалиёти” бўлимига ўзгартирилди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ 2021 йил 9 июлдаги №02-07/2321 сонли хатига биноан 2020-2021ўқув йилида институтни тамомлаган иқтидоли талабалар рўйҳатини иловадаги шаклга мувофиқ юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги давлат кадастрлари палатасининг Тошкент шаҳар бошқармасининг 2021 йил 21 майдаги №13-1576-сонли хатига асосан Давлат кадастрлар палатасининг Тошкент шаҳар бошқармасига юборилган хати маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги Маъмурий-хўжалик хизмати давлат муассасасининг 2021 йил 13 июлдаги №218-сонли хатига биноан Вазирлар махкамасининг 2021 йил 26 мартдаги 155-сонли Қарорига асосан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Маъмурий – хўжалик хизмати” Давлат унитар корхонаси муассислигида “Burilish xizmati” маъсулияти чекланган жамияти. Институтни битирган ёш мутахассислар ва битирувчиларни ишга жалб қилиш масаласида ёрдам сўралган эди. Бу маълумотлар институтни эълонлар сайтига жойлаштирилди.

Олий таълимини ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2021 йил 30 июлдаги №02/01-01-353 сонли хатига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган янгиланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори хизмат фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинди.

Гидропроект акциядорлик жамиятининг 2021 йил 26 июлдаги №01-06/1257-сонли хати ижро учун қабул қилинди ва битирувчиларга маълумотлар етказилди.

EAST WEST ENGINEERING МЧЖ иқтидорлик битирувчиларни ишга таклиф қилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 августдаги №2/10-44-сонли хатига биноан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23-июлдаги 314-сон буйруғига мувофиқ “Каръера маркази”ни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи ижро таъминланди ва Институт ректорининг 2021 йил 28 июлдаги 337а/ф-сонли буйруғи

асосида“Карера маркази”ни ташкил этилди. “Каръера маркази”га “Маркетинг ва талабалар амалиёти ” бўлими ходимлари масъул этиб тайинланди.

| **2020-2021 ўқув йилида жами битирувчилар сони 2054 нафар** | |
|---|---|
| Бакалавриат 1892 нафар | Давлат гранти 419 нафар |
| | Тўлов контракт 1473 нафар |
| Магистратура 162 нафар | Давлат гранти 107 нафар |
| | Тўлов контракт 55 нафар |

2017-2021 йилларда талабалар қабули кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар)нинг мавжуд таълим (тайёрлов) йўналишлари ёки мутахассисликларга “Ўзгидромет” маркази, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, “Давсувхўжаликназорат” инспекцияси, “Ўзбекэнерго” компанияси, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, ТИМИ Бухоро филиали, “Ўзмахсуссувқурилиш” АК, Агробанк, “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти, Марказий аэрогеодезия корхонаси, Геодезия ва картография миллий маркази, “Сув соз” компанияси, “Геоинформкадастр” ДУК, “Тахиотош ИЭС” ОАЖ, “Ўзэлектраппарат-электрошит” ОАЖ, “Навоий ИЭС” ОАЖ, “Чирчиқ-Бозсув” каскад ГЭС УК, “Ўзсувлойиҳа” ОАЖ, “Ўзтемирйўлқурилиш-монтаж” УК,“ЎзГИП” МЧЖ, “Картография” ИИЧБ, “Сирдарё-Сўх” ва “Чирчиқ-Оҳонгарон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, “Норин-Наманган” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, “Қуйи Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, Қарши магистрал канали бошқармаси, “Аму-Сурхон” ва “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва бошқа иш берувчи ташкилотлар талабларини ҳисобга олган ҳолда давлат грантлари ва тўлов-контракт бўйича истиқболли “Буюртмалар портфели”ни шакллантирилди.

1-жадвал

| | **Таълим йўналишлари** | **Республика бўйича** |
|---|---|---|
| | **Бакалавриат** | **2021 йил** |
| 1 | Касб таълими: Сув хўжалиги ва мелиорация | 30 |
| 2 | Касб таълими: Ер тузиш ва Ер кадастри | 30 |
| 3 | Касб таълими: Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш | 30 |
| 4 | Сув омборлари гидрологияси | 67 |

| | | |
|---|---|---|
| 5 | Сув хўжалиги ва мелиорация | 897 |
| 6 | Экология ва атроф муҳит мухофазаси | 122 |
| 7 | Гидротехника курилиши | 152 |
| 8 | Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш | 108 |
| 9 | Гидротехника иншоатлари ва насос станцияларидан фойдаланиш | 212 |
| 10 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув (сув хўжалигида) | 168 |
| 11 | Электор энергетика | 135 |
| 12 | Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш | 475 |
| 13 | Ҳаёт фаолият хавфсизлиги | 70 |
| 14 | Геодезия, картография ва кадастр (сув хўжалигида) | 172 |
| 15 | Ер тузиш ва Ер кадастри | 220 |
| 16 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 45 |
| 17 | Иқтисодиёт (сув хўжалигида) | 45 |
| 18 | Менежмент (сув хўжалигида) | 102 |
| | Институт бўйича жами | 3070 |

2-жадвал

| | **Магистратура** | **2021 йил** |
|---|---|---|
| **1** | Гидромелиорация | 53 |
| **2** | Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва сув кадастри | 31 |
| **3** | Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш | 32 |
| **4** | Мелиорация ва суғорма деҳқончилик | 33 |
| **5** | Гидротехника иншоотлари (сув хўжалигида) | 14 |
| **6** | Гидротехника иншоатларидан фойдаланиш уларнинг ишончлигини ва хавфсизлиги | 25 |
| **7** | Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш | 30 |
| **8** | Геодезия ва картография (сув хўжалигида) | 28 |
| **9** | Геодезия ва картография (геоинформатика) | 23 |
| **10** | Гидромелиоратив ишларни механизациялаш | 31 |
| **11** | Атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) | 29 |
| **12** | Атроф муҳит муҳофазаси (Харқаро ер ва сув ресурсларини бошқариш) | 27 |
| **13** | Насос станциялари ва қурилмаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш | 18 |
| | **Институт бўйича жами** | **374** |

## ХУЛОСА

Институтнинг факультетлари, бўлимлари, кафедраларининг 2020- 2021 ўқув йилига мўлжалланган барча ишлар режага асосан бажарилди. Бажарилган ишларнинг ҳисоботлари институт жамоаси, факультетлар, кафедралар, бўлимларда мухокама қилиниб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалар институтда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳисобот йилида ўқитишнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида муайян ишлар бажарилди.

Мустақиллигимиз шарофати билан ўзбек тилида нашр этилаётган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар сони йилдан — йилга ошиб бормоқда. Ўқув жараёнида ишлатилаётган мавжуд ўқув фанларини, кўргазмали қуролларни янгилаш ва уларни давлат тилига ва инглиз тилида ўтказиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Институтнинг моддий- техник базаси ҳисобот йилида янада бойитилди.

Институтимизда республикамиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат аввало профессор - ўқитувчилар орасида чуқур ўрганилиб, кейин талабаларга етказилмоқда. Талабаларнинг таълим - тарбиявий ишларини янада жонлантиришда масъул ходим ва мураббийларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги институт раҳбарияти томонидан доимо назоратда бўлиб келмоқда.

## 8. Иловалар